

323  
0-95

32

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

А.ОЧИЛДИЕВ,  
Ж.НАЖМИДИНОВ

## МИССИОНЕРЛИК: МОҲИЯТ, МАҚСАДЛАР, ОҚИБАТЛАР ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

(ЮЗ САВОЛГА – ЮЗ ЖАВОБ)

*Тўлдирилган, қайта ишланган нашри*

2032712

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universitet

17-2755

Axborot Resurs Markazi

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент–2013

УДК: 323

86.2

О-95

Очилдиев А.С.

**Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга — юз жавоб) / А.С. Очилдиев, Ж.Х.Нажмиддинов; Масьул муҳаррир О.Юсупов; ЎзР Вазирлиги Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлар бўйича қўмита, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. — Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. — 200 б.**

КБК 86.2

О-95

### **Масьул муҳаррир:**

**О.Юсупов, фалсафа фанлари номзоди, доцент**

### **Такризчилар:**

**А.Ҳасанов, тарих фанлари доктори, профессор,**

**М.Ҳожиматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

Китобда бугунги дунёнинг диний манзараси, унда содир бўлаётган ўзгаришлар, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ноисломий диний конфессиялар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Миссионерликнинг тарихи, ғоявий-ақидавий асослари, замонавий кўринишлари, бундай фаолият билан шуғулланаётган жамоалар, уларнинг ғаразли мақсадлари, қўллаётган услуб ва воситалари кенг камровли маълумотлар ва мисоллар асосида ёритиб берилган. Айни пайтда, миссионерлик ҳаракатларининг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари, бу борада ҳар бир киши ва жамият олдида турган долзарб вазифалар, жамиятда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда диний маърифат ва бағрикенглик маданиятининг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

Китоб диннинг моҳияти, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни билан боглик масалаларга қизиқувчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Китобни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг маълумотларидан фойдаланилди.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2013 йил 11 январь № 79-сонли тавсияси билан chop этилди.*

ISBN 978-9943-306-63-9

© «Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013

## КИРИШ

Бугунги кунда кишилик жамияти ривожига кучли таъсир кўрсатаётган, унга ўзига хослик бахш этаётган ижтимоий омиллар қаторида диний омилнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Диннинг яратувчилик ва бунёдкорлик, уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳиятидан фойдаланилганда у ҳамisha жамият ривожига, инсон камолотига хизмат қилган. Айни пайтда, инсониятнинг кўп асрлик тарихи диндан ниқоб сифатида фойдаланиш, ундаги ғояларни вайронкорлик руҳида талқин этиш одамлар бошига кўшлаб кулфатлар келтирганини кўрсатади. Замонавий воқелик диндан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиш давом этиши баробарида у ўта нозик тус ва хатарли кўринишлар олаётганидан гувоҳлик беради. Турли шаклларда намoён бўлаётган миссионерлик ҳаракатлари бунга мисол бўла олади.

Глобаллашув шароитида эса у янгича шаклу шамойил ва кенг миқёс касб этиб, жамиятдаги барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, будай таҳдидларни «...илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади».

Шундан келиб чиқиб, рисолада бугунги дунёнинг диний манзараси ҳақида фикр юритилган. Зеро, миссионерликнинг мазмун-моҳияти, кўлами ва намоён бўлиш шакллари унда содир бўлаётган ўзгаришлардан ташқарида тўғри ва тўлиқ тушуниш мумкин эмас. Мазкур ҳолатни инобатга олиб, ушбу китобда «дин» ва «диний конфессия» тушунчаларининг мазмуни, бугунги кунда жамиятда динга бўлган қизиқиш кучайишининг сабаблари ёритиб берилган.

Айни пайтда, ибтидоий эътиқод шаклларининг моҳияти, миллий ва жаҳон динларининг ўзига хос хусусиятлари, ақидавий асослари, жуғрофий тарқалиши таҳлил қилиниб, диний секталарнинг инсон ҳаёти ва жамият тараққиётига туғдираётган таҳдиди ва дунёнинг диний манзарасида содир бўлаётган ўзгаришлар кўрсатиб берилган.

Шунингдек, китобхоннинг реал диний жараёнлар, мавжуд конфессиялар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни теранроқ англаб олишига кўмаклашиши мақсадида рисолада Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ноисломий диний конфессиялар, уларнинг тарихи, таълимоти, байрамлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот беришга ҳаракат қилинган.

Миссионерлик ва прозелитизмнинг моҳияти, христиан миссионерлигининг ғоявий-ақидавий асослари, тарихи, унинг кенг ёйилиши сабаблари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар эса китобхоннинг мавзуни чуқурроқ англашига хизмат қилади.

Шу билан бирга, инжиллаштиришдан кўзланаётган мақсадлар, бугунги кунда миссионерликнинг ғаразли геосиёсий мақсадлар билан уйғунлашиб кетгани, уларга эришиш йўлида миссионерлар томонидан ишлаб чиқилган махсус режалар ва дастурлар, миссионерлик стратегиясининг мазмуни, бу йўналишдаги фаолиятни амалга оширишнинг молиявий асослари каби масалалар ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтилган.

Айни пайтда, миссионерлик фаолиятини амалга оширишда тиббиёт ва таълим-тарбия соҳасидан фойдаланиш, хайрия ёрдамлари кўрсатиш, уйма-уй юриб тарғиб олиб бориш, маҳаллий тилларда христианликни тарғиб қилувчи адабиётларни тарқатиш, рўзнома ва журналлар, радио ва теледастурлар, кино маҳсулотлари ва интернетнинг ўрни ҳам батафсил таҳлил қилинган.

Шу билан бирга, бугунги кунда вазиятга мослашган ҳолда миссионерликнинг такомиллашиб бораётгани, аҳолининг турли қатламлари, жумладан, болалар, ёшлар, аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар орасида иш олиб боришга уринишларнинг сабаблари аниқ мисоллар асосида таҳлилий ёритилган.

Китобда, Марказий Осиёда миссионерликни амалга оширишга қаратилган махсус дастурларнинг мазмуни, минтақамиз, мамлакатимиз ҳамда миллий менталитетимиз ва кадриятлармизга хос айрим хусусиятларни инобатга олган ҳолда, олиб борилаётган ҳаракатлар ҳам аниқ ҳаётий мисоллар ва далилларга таяниб, тадқиқ этилган.

Миссионерлик миллий бирлик ва жамият барқарорлигига таҳдидга айланган экан, унга қарши кураш, олдини олишга қаратилган ишларни тизимли ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун мамлакатимизда етарли ҳуқуқий асослар ҳам яратилган. Шундан келиб чиқиб, рисолада миссионерликнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда бу жараёнда диний маърифат ва бағрикенглик маданиятининг ўрни ва аҳамияти масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Китоб охирида берилган айрим атамалар ва сўзларнинг изоҳи китобхон учун нотаниш бўлган тушунчаларнинг мазмунини теранроқ англашга хизмат қилади. Иловада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси» ва

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси»даги айрим моддалар, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун матни берилган. Бу китобхонга мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш бўйича яратилган ҳуқуқий асослар ҳақида тизимли тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Китобда ўқувчи ўзини қизиқтирган саволларга осонликча жавоб топа олиши учун анъанавий монографик тадқиқот усулидан воз кечилиб, суҳбат шакли танлаб олинди. Ҳар бири катта мавзунга ўз ичига олган суҳбатларда китобхон ушбу соҳага оид долзарб саволларга жавоб топа олади.

Миссионерликнинг моҳияти, намоён бўлиш шакллари, улар қўллаётган услублар ва воситалар ҳақидаги масалалар мураккаб ва серқирра характерга эга. Битта рисола доирасида уларнинг барчасига жавоб бериш ниҳоятда қийин, тўғрироғи мумкин эмас. Шундай бўлса-да, муаллифлар томонидан имкон даражасида ёритилган долзарб масалаларнинг ўзиёқ кенг китобхонлар оммасида қизиқиш уйғотишига, миссионерлик ҳаракатларининг ғаразли мақсадларини чуқурроқ англаб етишга хизмат қилишига умид қиламиз.

Муаллифлар рисоланинг яратилишида ўзининг маслаҳатлари, амалий тақлиф-тавсиялари билан ҳар тсмонлама ёрдам берган слим ва мутахассислар – О.Юсупов, А.Ҳасанов, К.Комилов, Ў.Ҳасанбоев, Э.К.Брагимов, Ҳ.Йўлдошхўжаев, У.Ғафуров ва Б.Қодировларга ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирадilar.

## *Биринчи суҳбат*

### ДУНЁНИНГ ДИНИЙ МАНЗАРАСИ

*«Дин» тушунчасининг мазмун-моҳияти нимада?*

Дин (арабча – *ишонч, ишонмоқ*) – борлиқни яратувчи ва бошқарувчи олий мавжудотга, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввур ва маросимлар мажмуидир. Ҳар бир конкрет дин ўзига хос сигиниш объекти, расм-русум, ибодат ва ақидаларга эга.

Одатда ибтидоий эътиқод шакллари, миллий ва жаҳон динлари бир-биридан фарқланади.

Ибтидоий эътиқод шакллари деганда кишилик жамияти ривожининг қадимги даврида юзага келган, табиий ҳодисаларни илоҳий ва ғайритабиий кучга эга деб ҳисоблаган диний тасаввурлар мажмуи тушунилади. Ер юзининг деярли барча қисмида мавжуд бўлган фетишизм, тотемизм, анимизм, шаманизм ана шундай эътиқод шаклларида ҳисобланади.

Маълум миллатгагина хос бўлган ва бошқа халқлар орасида тарқалмаган динларга миллий динлар дейилади. Улар қаторига яҳудийлик, ҳиндуийлик, жайнизм, сикхийлик, синтоийлик, конфуцийлик каби динларни киритиш мумкин.

Ер қуррасида энг кўп тарқалган, дунё халқларининг асосий қисми эътиқод қилувчи христианлик, ислом ва буддавийлик жаҳон динлари, деб тан олинган.

*Диний конфессия деганда нимани тушуниш керак?*

«Конфессия» сўзи (лотинча- *«confessio»*) ўзбек тилига айнан таржима қилинганда «эътиқод қилиш», деган маънони англатади. Умуман олганда, диний

конфессия деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга эътиқод ва ушбу эътиқодга эргашувчилар жамоаси тушунилади. Бир дин доирасида юзага келган бўлсада, ақидалар борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради.

Шуни инобатга олган ҳолда, мутахассислар ҳозирги кунда дунёда юзлаб диний конфессиялар мавжуд, деб ҳисоблайдилар.

Диний конфессиялар манзараси ранг-баранглигини Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтиб фаолият юритаётган диний конфессиялар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Христианликка мансуб бўлсада, юртимиздаги 11 та йўналишнинг ҳар бири ўзини алоҳида диний конфессия, деб ҳисоблаши фикримизнинг исботи бўла олади.

### *Бугунги кунда жамиятда динга бўлган қизиқиш кучайишининг сабаблари нимада?*

Дин жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида кишиларнинг ижтимоийлашувига, уларнинг турмуш тарзини ташкил этиш ва тартибга солишга хизмат қилувчи меъёрий омиллардан бири бўлиб келган. Диннинг бундай роли унинг тарихан шаклланган ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Чунки, дин, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, биринчидан, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган; иккинчидан, одамларнинг баҳамжихат яшашига кўмаклашган; учинчидан, одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган; тўртинчидан, умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш



хамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатган.

Шунинг учун ҳам, асрлар давомида дин негизида шаклланган, халқ ҳаёти ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айланиб кетган, хилма-хил кўринишлар ва шаклларда намоён бўладиган қадриятлар бутунлай рад этиладиган ҳаёт ғайриинсоний кўринишга эга бўлади. Зеро, бундай вазиятда алоҳида олинган шахс ички дунёси, ҳис-туйғу ва қарашларидан маҳрум бўлиб ўзлигини йўқотади, жамият таяниб-суяниб турадиган пойдеворидан ажралиб таназзулга юз тутади. Бизнинг яқин ўтмишдаги тарихимиз ҳам бунинг ёрқин мисолини беради. Айни пайтда, бу тарих ўта оғир бўлган шўро даврида ҳам халқимиз ўзининг муқаддас динига содиқ қолганидан, динни инсон, халқ ва жамият ҳаётидан асло ўчириб бўлмаслигидан ҳам далолат беради.

Бугунги кунда динга бўлган қизиқишнинг кучайиб бориши глобаллашув жараёнларининг ўзига хос инъикоси дейиш мумкин. Зеро, глобаллашув дунёни бир бутун ва яхлит қила бориши билан бир қаторда, унинг ҳосиласи сифатида алоҳида олинган миллат ва жамиятлар даражасида ўз-ўзини англашга бўлган интилишнинг чуқурлашувига ҳам замин яратмоқда. Бу жараёнлар ўз навбатида инсон маънавиятининг узвий қисми бўлган диннинг моҳиятини тушуниш, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини англашга бўлган эътиборнинг кучайишини келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, динга бўлган қизиқишнинг кучайиши бугунги кунда кишилик жамияти олдида турган муаммолар, инсоннинг уларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги ўй-изланишлари, дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигини таъминлаган ҳолда бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топишга интилиши билан боғлиқ эканини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

## Ибтидоий эътиқод шакллари­нинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Инсон эътиқодсиз яшай олмайди. Фетишизм, тотемизм, анимизм, шаманизм каби ибтидоий эътиқод шакллари тарихи кишилик жамия­тининг энг қадимги даврларига бориб тақалиши, улар ўз даври кишиси учун муҳим ҳаётий-амалий аҳамиятга эга бўлгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Фетишизм (французча *fetich* – «бут», «санам», «тумор», умуман муқаддас буюм) моҳиятан табиатдаги жонсиз нарсаларга сиғиниш ҳисобланади. Унга кўра, алоҳида буюмларда кишиларнинг кўзлаган мақсадларига эришишига кўмаклашадиган, воқеликни ўзгартира оладиган қудрат мавжуд бўлади. Ҳозирги даврда фетишизмнинг унсурларини турли тумор, кўзмунчоқ ва ҳар хил рамзларга бўлган муносабатда ҳам кўриш мумкин.

Фетишизмга хос белгилар бугунги кунда мавжуд бўлган динлар доирасида шаклланган муайян қарашлар, қадриятлар, урф-одат ва маросимларда ҳам учрайди. Христианларнинг иконаларга сиғиниши, ҳиндуийларнинг турли бутларга топиниши, буддавийларнинг Будда хайкалига сажда қилишидек ҳолатлар фикримизга мисол бўлади.

Тотемизм (Шимолий Америкада яшаган «Ожибва» ҳинду қаби­ласи тилидан олинган бўлиб, «унинг уруғи» маъносини англатади) алоҳида олинган одам ёки одамлар гуруҳининг муайян ҳайвон ёки ўсимликка қариндошлик алоқаси борлигига ишонишга асосланади. Масалан, ҳиндларда сигирнинг муқаддаслаштирилиши, австралиямисларда «кингуру» нинг улуғланиши қирғизларда оқ буғунинг афсонавий бахт келтирувчи ҳайвон сифатида улуғланишида тотемизм унсурларини кўриш мумкин.

Анимизм (лотинча «*anima*» – «руҳ» «жон» маъно-ларини англатади) руҳларга сиғиниш, табиат кучларини илоҳийлаштиришга асосланади. Анимизмда осмон ва Ер, Куёш ва Ой, ёмғир ва шамол, момақалдиروق ва чақмоқ, ҳатто тоғлар ва дарёлар, кўп йиллик дарахт, каттароқ харсанг тош ёки жарликларга ўхшаш одам эътиборини тортувчи нарса ва жисмлар ҳам илоҳийлаштирилиб, уларда руҳ ва табиий кудрат мавжуд деб билинган. Улар яхшилик ёки ёмонлик келтириши мумкин деб тушунилган.

Анимизм бугунги кунда ҳам кишилар ҳаёти, кундалик хулқи ва фаолиятига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Жумладан, ўтганлар руҳи доимо тириклар билан биргалиги, ер, сувдан оқидона фойдаланмасликнинг гуноҳ ҳисобланиши тўғрисидаги тасаввурлар анимистик қарашлар сирасига киради.

Шаманизм (тунгусча - «*сеҳргар*») муайян натижага эришиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида сеҳргарлик, афсун, магияга асосланган ҳолда амалга ошириладиган маросим ва урф-одатлар мажмуи ҳисобланади. Якка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга ошириладиган сеҳргарлик маросимларида аждодлар руҳи билан ҳаёлан боғланиш асосий амалиёт ҳисобланади.

Кўзланган мақсадга қараб унинг турли, жумладан, «иссиқ» ёки «совуқ» қилиш учун ишлатиладиган севги, даволашда ишлатиладиган тиббий афсунгарлик каби шакллари фарқланади. Кишилар орасида ҳозир ҳам, кам бўлса-да, масалан, ёвуз афсунгарликнинг кучига ишончни учратиш мумкин.

Юқорида қайд этилган ибтидоий эътиқод шаклларининг турли унсурларини бугунги кунда ҳам учратиш мумкинлиги, улар, бир томондан, ўз даврида кишилар ҳаёти, дунёқараши ва хулқини белгилашда

кучли аҳамият касб этганидан, иккинчи томондан, ҳозирда ҳам кишилар дунёқараши, маънавиятида сезиларли ўринни эгаллаб келаётганидан далолат беради.

### *Буддавийлик таълимоти қандай зоғларга асосланади?*

Буддавийлик жаҳон динлари ичида энг қадимийси ҳисобланади. Ушбу диннинг асосчиси ҳиндистонлик Сиддхартха Гаутама (милоддан аввалги 490 йилда вафот этган) ҳисобланади. У «Будда» («нурланган»), «Шакьямуни» (шакья уруғи вакили), «Татагата» (улуғланган), «Джина» (ғолиб) каби номлар билан улуғланган.

Ҳиндистон шимолида жойлашган Капилавасту шаҳри ҳокимининг ўғли бўлган Сиддхартха (Будда) 29 ёшигача шоҳона ҳаёт кечирган. Бир куни сайр қилгани кўчага чиқиб, ҳаётнинг бошқача эканини ўз кўзи билан кўргач, унинг дунёқараши бутунлай ўзгаради. Бу ҳаёт беҳуда, деган хулосага келган Сиддхартха (Будда) ҳеч кимга билдирмай саройдан чиқиб кетади ва таркидунёчиликда ҳаёт кечира бошлайди.

Кишиларни ҳаёт азоб-уқубатларидан қутқариш йўлларини излаган Сиддхартха 36 ёшидан бошлаб шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, ўзи яратган нажот йўлининг мазмунини одамларга тушунтириб бера бошлайди.

Ушбу дин таълимоти

- ҳаёт азоб-уқубатлардан иборат;
- азоб-уқубатларнинг сабаблари мавжуд;
- азоб-уқубатлардан халос бўлиш мумкин;
- азоб-уқубатлардан халос бўлишнинг йўллари мавжуд, деган «тўрт олий ҳақиқат»га асосланади.

Бундан ташқари Будда издошларига биронта ҳам тирик мавжудотни ўлдирмаслик, бировнинг мулкани ўғирламаслик, бевафолик қилмаслик, ёлғон гапирмаслик ҳамда маст қилувчи ичимликларни

ичмасликдек 5 асосий ахлоқий талабга риоя қилишни ҳам буюрган.

Буддавийликнинг муқаддас китоби «Трипитака» («Уч сават донолик») деб аталади. Сиддхартха ўз таълимотини мазмунига қараб «Винаяпитака» («Ахлоқий маёёрлар»), «Суттапитака» («Дуолар») ҳамда «Абхидхаммапитака» («Диний-фалсафий масалалар баёни») каби учта «питака», яъни саватларга ажратган.

Буддавийлик «Хинаяна» ва «Махаяна» деб номланувчи асосий йўналишлардан иборат.

Ҳозирги кунда ер юзида 750 миллионга яқин одам буддавийликка эътиқод қилади. Осиёнинг Шри Ланка, Бирма, Таиланд, Лаос, Мўғулистон, Комбоджа, Вьетнам, Бутан, Непал, Корея каби давлатларда асосий дин ҳисобланади. «Необуддизм» шаклида бошқа қитъаларда ҳам тарқалмоқда.

### *Христианликнинг моҳияти ва тарқалиши худудлари ҳақида нима дейиш мумкин?*

Христианлик ҳам жаҳон динларидан бири ҳисобланади. Худонинг ўғли, Худо-одам, деб билинувчи Исо Масихнинг одамларни гуноҳлардан халос этиш учун самодан ерга тушиб, қийноқларга ва ўлимга рози бўлганига ишонч ушбу диннинг асосни ташкил этади.

Диннинг номи юнонча «христос», яъни «силанган» сўзидан олинган бўлиб, Исуc Христос издошлари деган маънони англатади. Исога нисбатан Масих (*арабча - «силанган»*) номининг қўшиб ишлатилиши эса ушбу динга эътиқод қилувчиларнинг «масихийлар»; деб аталишини келтириб чиқарган. Шунингдек, Исо Масих ўзининг илк даъватларини Насоро (Назарет) шаҳрида бошлагани сабабли ушбу дин издошларига нисбатан «насронийлар» атамаси ҳам ишлатилади.

Христанлар ақидасига биноан ушбу дин асосчиси Исо Масих бўлиб, у милодий биринчи йилда Фаластиннинг Байтлахм шаҳрида дунёга келган. 30 ёшидан бошлаб янги динни тарғиб эта бошлайди ва 3 йил давомида тарғиботчилик ва шифокорлик билан шуғулланади.

33 ёшида Иерусалим (Қуддус) рухонийлари уни судга беришга қарор қилганлар. Таъқибдан қочиб юрган Исо сотқинлик туфайли қўлга тушиб қолади ва ўлимга ҳукм этилади.

Исо Галгофа тоғида ёғоч хочга тириклайин миҳлаб ташланиб, қийнаб ўлдирилади. Бироқ, христиан ақидаларига кўра, ўлимнинг учинчи куни тирилиб, бироз вақт шогирдлари билан бўлади, сўнг уларнинг кўз ўнгида осмонга чиқиб кетади.

«Қадимги Аҳд» ва «Янги Аҳд» деб номланувчи икки бўлимдан таркиб топган «Библия» (*юнонча - «китоблар»*) христианликнинг муқаддас манбаи ҳисобланади.

«Таврот», «Забур» ва бошқа бир неча китоб ва гимнларни ўз ичига олган «Қадимги Аҳд» умумий ҳисобда 39 китоб, яъни бўлимлардан иборат.

«Янги Аҳд» тўрт «Хушхабар» («Евангелие»), ҳаворийлар фаолияти, ҳаворийларнинг мактублари ва «Ваҳийнома» ни ўз ичига олган 27 китоб, яъни бўлимлардан ташкил топган. Марк, Матто (Матвей), Луқо (Лука) ва Юҳанно (Иоан)лар хушхабарларнинг муаллифлари ҳисобланиб, барча христианлар томонидан тенг кучли ва қонуний (каноник) кучга эга, деб тан олинади.

Христианликда 7 сирли маросим (таинства) мавжуд. Дин таълимотига биноан ушбу маросимларда Муқаддас Рух иштирок этади ва айнан шу сабабли улар «сирли» деб аталади.

Чўқинтириш маросими (крещение) – энг асосий маросимларнинг биридир. Чунки, чўқинтирилган одамгина христиан саналиб, черков даргоҳига қабул қилинган ҳисобланади.

Нон ва вино тотиш маросими (причастие) ўз моҳиятига кўра, нонни Исонинг танаси, винони эса қони, деб қабул қилишга асосланади. Эрталабки ёки тушки ибодат вақтида бажариладиган бу маросим уни эслаб туришга хизмат қилади.

Руҳонийлик унвонини бериш маросими (рукоположение, священство). Бу маросим пайтида руҳоний бўлаётган одамнинг бошига епископ қўл теккизади ва шу туфайли бўлажак руҳоний Муқаддас Рухнинг марҳамати билан Худо ва одамлар ўртасида воситачилик қилиш хусусиятига эга бўлади, деб ишонилади.

Тавба-газарру қилиш маросими (исповедь). Бу маросим христианга ўз пушаймонлигини рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Тавба қиладиган христиан ибодатхона (черков)га боради. Ўзининг барча қилган гуноҳ ишларини руҳонийга айтиб, тавба қилади.

Миро суртиш маросими (миропомазание). Бу маросим, муқаддас миро мойини суриш эвазига инсоннинг Худо мурувватига эришишига ишонишга асосланади.

Муқаддас зайтун мойи суртиш маросими (елеосвещение) беморни дардан фориг қилиш мақсадида ўтказилади. Маросим чоғида беморнинг пешонаси, ёноғи, лаби, кўкраги ва қўлларига муқаддас ҳисобланадиган зайтун мойи суртилади.

Никоҳ маросими (брак). Бу маросим черковда амалга оширилади. Турмуш қураётганлар меҳроб олдида бир-бирларига содиклик ҳақида ваъда берадилар.

Ҳозирги кунда христианликда учта асосий йўналиш мавжуд. Булар католиклар, православлар ва протестантлардир. 1054 йилда содир бўлган

христианликдаги илк бўлиниш оқибатида католиклик ва православ йўналишлари юзага келди. Муқаддас Рухнинг фақат Ота Худоданми, ёки ҳам Ота ҳам Ўғил-Худолардан келиб чиққанлиги ҳақидаги баҳс ушбу бўлинишнинг асосий сабаби, деб ҳисобланади.

XVI аср бошларига келиб, католик черковини инсон ҳаётининг ҳар бир соҳасига кириб боришга уриниши, дабдабали маросимларнинг кўпайиб кетиши, индульгенция савдоларининг кенг авж олиши каби ҳодисалардан норозиликнинг ифодаси сифатида протестантлик йўналиши ажралиб чиқди.

Христианлик эътиқод килувчилар сони ва географик тарқалиши бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Ушбу динга 2 миллиарддан ортиқ киши эътиқод қилади. Бугунги кунда ушбу дин Марказий ва Ғарбий Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Африканинг бир қатор давлатларида асосий дин ҳисобланади.

### *Дунёнинг диний манзарасида ислом дини қандай ўринни эгаллайди?*

Ислом дини жаҳон динлари ичида энг ёши ҳисобланади.

«Ислом» – (арабча - «бўйсунуш», «итоат этиш») - Аллоҳга тил билан имон келтириб, дил билан тасдиқлаш, унинг кўрсатмаларига бўйсунуш, ўзини Аллоҳнинг динига бағишлашни англатади.

Ислом динининг беш асосий рукни бор: 1. Имон, яъни шаҳодат (арабча–гувоҳлик бериш); 2. Намоз ўқиш; 3. Закот (арабча – поклаш, ўсиш, ортиб бориш); 4. Рўза тутиш; 5. Ҳаж - қодир бўлган киши учун умрида бир марта Макка шаҳридаги Каъбани зиёрат қилиш ва ушбу ибодат ўз ичига оладиган арконларни адо этиш.

Ислом таълимотининг асосий ва бирламчи манбаи «Қуръон» арабча «қара'а» - «ўқимоқ» ўзагидан олин-



ган бўлиб, «Ўқиладиган (китоб)» маъносини беради. «Куръон» 114 сура (арабча-«бўлак», «девор», «тўсик») ва 6236 та оятдан (оят: тугалланган бир фикр, гап, жумла) ташкил топган. Унинг «мўъжиза», «белги», «аломат» каби маънолари ҳам бор.

Ислом таълимотининг иккинчи муҳим манбаи ҳадислардир. Ҳадис - луғавий «янги», «суҳбат», «хикоя», «ривоят» маъноларини англатади. Ҳадис Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг сўз ва фаолият воситасида кўрсатиб берган ўғитлари, йўл-йўриқларидир.

Исломнинг асосий манбаларидан яна бири – Ижмо, яъни Куръон ва ҳадис матнларида аниқ кўзда тутилмаган масалалар юзасидан машҳур ислом уламоларининг мазкур мўътабар манбаларга зид бўлмаган бир фикрга иттифоқ қилишларидир. VII асрнинг иккинчи ярмидан йўлга қўйилган ижмонинг ислом аҳкомларини бир меъёردа бўлиши ҳамда мусулмонлар орасида турли ихтилофлар келиб чиқишининг олдини олишдаги аҳамияти катта.

Ислом таълимотининг тўртинчи манбаи – қиёс. Муҳаммад (с.а.в.)дан кейинги даврларда вужудга келган муаммолар ҳақида Куръон ёки ҳадисда далил келмаган бўлса, шунга ўхшаш муаммолар қандай ҳал қилинганига қараб, ҳукм қилиш «қиёс»дир. Бунда олимлар тарафидан мўътабар манбалар матнида ўрганилаётган муаммога ўхшаш масалалар тадқиқ қилинади. Шу асосда мантикий жавоб топилиб, ҳукм қилинади. Қиёс жамиятда вужудга келувчи турли муаммоларни мантикий жиҳатдан осон ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Исломда икки асосий йўналиш – суннийлик ва шиалик мавжуддир. Бугунги кунда дунёдаги мусулмон аҳолининг тахминан 92,5 фоизини суннийлар ташкил этиб, мазҳаблар (арабча = йўналиш, йўл, таълимот)

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti

17.11.2025

Axborot Resurs Markazi

бўйича қуйидаги нисбатда бўлинган: ҳанафийлар – 49%, шофийлар – 27%; моликийлар – 17%, ханбалийлар – 1,5%.

Мусулмон аҳолининг тахминан 7,5 фоизи шиаликка эътиқод қилади.

Суннийлик йўналишига мансуб бўлган ҳанафий мазҳаби қонунлари нисбатан юмшоқлиги ва мўътадиллиги, халқларнинг миллий анъаналарини эътиборга олгани сабабли дунёда кенг тарқалган. Ер юзидаги мусулмонларнинг деярли ярми, шу жумладан, диёримиз мусулмонлари ҳам 14 аср мобайнида ҳанафий мазҳаби таълимотига эътиқод қилиб келмоқдалар.

Жаҳонда 1,5 миллиарддан ортиқ киши исломга эътиқод қилади. Мусулмонларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи Осиёда, қарийб 30 фоизи Африкада яшайди. Дунёдаги мусулмон жамоалари мавжуд бўлган 120 дан ортиқ мамлакатнинг 40 дан зиёдида мусулмонлар аҳолининг кўпчилигини ташкил қилади. Жумладан, Индонезияда 210 миллион, Покистонда 150 миллион, Бангладешда 110 миллион, Нигерияда 80 миллион, Эрон ва Туркияда 65 миллион, Мисрда 60 миллион, Марокаш ва Жазоирда 30 миллион, Саудия Арабистонида 17 миллиондан ортиқ мусулмон истиқомат қилади. Ҳиндистондаги мусулмонларнинг сони 140 миллиондан ортган. Булардан ташқари Кавказ (Озарбайжон) ҳамда Россиянинг Татаристон, Бошқирдистон, Шимолий Кавказ (Чеченистон, Ингушетия, Кабардин-Балқар) каби бир қатор минтақалари, Марказий Осиё давлатларида ҳам мусулмонлар кўпчиликни ташкил этишини қайд этиш лозим.

### *Миллий динларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нима дейиш мумкин?*

Бугунги кунда миллий динлар номи билан маълум бўлган эътиқод шакллари ҳам ўзининг кўп асрлик

тарихига эга. Муайян ижтимоий-тарихий муҳитда шаклланган, ўзига хос қарашлар ва қадриятлар тизими сифатида улар алоҳида олинган халқлар ҳаётида муҳим ўринни эгаллаб келган.

**Ҳиндуийлик дини** ана шундай динлардан бири ҳисобланади. Милоднинг биринчи минг йиллиги ўрталарида вужудга келган ҳиндуийликда Брахма, Вишну, Шива, Индра ва Агни каби худодар мавжуд. Олам ва ундаги мавжудотларни бош Худо – Брахма яратган деб ҳисобласаларда, ҳиндуийлар асосан Вишну ва Шивага сиғинадилар. Бу диннинг муқаддас китоби - «Веда» («Билиш») деб аталади.

Бу дин таълимотига биноан инсонлар тўрт табақа, яъни касталарга бўлинган. Улар қаторига олий каста ҳисобланувчи брахманлар (руҳонийлар), кшатрийлар (ҳарбийлар ва қабилалар бошлиқлари), вайшийлар (деҳқонлар, хунармандлар ва савдогарлар) ҳамда энг паст каста ҳисобланадиган шудралар киради. Ҳиндуийликни қабул қилмоқчи бўлганларга қўйиладиган биринчи ва асосий шарт ана шу каста тузумини тан олиш ҳисобланади.

Ҳозирда ушбу динга 800 миллионга яқин ҳиндлар сиғинади ва эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан жаҳонда учинчи ўринда туради. Ушбу дин асосан, Ҳиндистонда тарқалган бўлса-да, бугунги кунда унга эътиқод қилувчиларнинг йирик жамоалари Бангладеш, Индонезия, Шри Ланка, Покистон, Малайзия, АҚШ, Бутан каби давлатларда ҳам мавжудлигини таъкидлаш зарур.

Жайнизмнинг асосчиси сифатида Махавира (милоддан аввалги 540-468-йиллар) тан олинса-да, унинг келиб чиқиши ва тарихи ҳақида яқдил маълумотлар йўқ. Айрим ҳолларда жайнизмнинг веда динларидан ҳам қадимийроқ экани, баъзи манбаларда унинг ҳиндуийликдан ажралиб чиққани ва кшатрийлар

хонадонидан бўлган «авлиё»лар томонидан асос солин-гани таъкидланади.

Рух – абадий, олам эса азалий деб ҳисоблайдиган жайнизмда борлиқнинг яратилгани, ведаларнинг муқаддаслиги, брахманларнинг ҳукмронлик мақоми инкор этилади. Шунингдек, жайнизмда карма ва нирвана масаласига алоҳида эътибор берилади. Фақат таркидунё қилган, ўз эҳтиросларидан воз кечган, пафсини тия олган, ўз-ўзини енгиб, ички дунёси бойиган инсонгина карма (кишанлар)дан қутилиб, рухнинг бутунлай озод бўлишига – нирванага эришади, деб ҳисобланади. Бундай ҳолатга эришиш учун жонли ёки жонсиз бўлишидан қатъи назар, ҳеч бир нарсага зарар етказмаслик, рост сўзлаш, ўғирлик, зино ва тамагирлик қилмасликдек ахлоқий тамойилларга амал қилиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда ушбу динга тахминан 1,5 миллион киши эътиқод қилади. Улар асосан Ҳиндистонда яшайдилар.

**Сикхийлик** динига Панжобда гуру (устоз) Нанак (1469-1539) томонидан асос солинган. Унга эргашганлар ўзларини сикхлар, яъни шогирдлар деб аташган. «Сикхийлик» атамаси ҳам шу сўздан олинган.

Сикхийликка кўра, қудратли ва ҳукмдор бўлган Худо абадий, азалда ҳам, ҳозирда ҳам, келажакда ҳам мустақил равишда мавжуддир, у яратган дунё эса ўзгарувчан ва фонийдир. Ҳар ким Худо билан бевосита мулоқотда бўлиши, ўзининг муҳаббати, ишончи ва садоқати туфайли Худога етишиши ва у билан бирлашиб кетиши мумкин.

Сикхийликда қаста табақаланиши инкор этилади. Ҳозирда сикхийликка эътиқод қилувчиларнинг сони тахминан 17 миллион кишини ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги Ҳиндистоннинг Панжоб штатида истиқомат қилади.

Конфуцийлик дини асосочиси дунёга Конфуций номи билан машхур бўлган милоддан аввалги 551-479 йилларда яшаган хитойлик файласуф олим Кун Цзидир.

Дин таълимотига биноан, осмон энг буюк Худодир. Оламдаги барча мавжудотларнинг тақдири осмонга боғлиқ. Бироқ, жамиятнинг қандай бўлиши эса инсонга ҳам боғлиқ.

Конфуцийлик қоидалари, таълимоти ва маросимлари унинг муқаддас китоблари - «Тўрт китоб» («*Си-Шу*») ва «Беш китоб» («*У-Цзин*») да баён этилган. Ҳозирги кунда Хитой аҳолисининг кўпчилиги ушбу динга эътиқод қилади.

~~Синтоийлик (синто — Худо йўли) милоднинг VI-VII~~ асрларида Японияда вужудга келган дин ҳисобланади. Кўпхудолиликка асосланган синтоийликда Аматерасу (Қуёш худоси), Сусаноо (Бўрон худоси) ва Инари (Дехқончилик худоси) асосий худолар ҳисобланади. Синтоийлик таълимоти замирида император ҳокимиятининг илоҳийлиги тўғрисидаги ақида ётади. Унга кўра, император Аматерасунинг авлодидир. Шунинг учун ҳам, ҳар бир япон фуқароси ўз императорининг муқаддас хоҳиши олдида бош эгиши лозим.

*Ҳозирда «диний секта» тушунчаси ҳам кўп ишлатилади. У қандай маънони англатади?*

Диний секта деганда эътироф этилган йирик диний йўналишларнинг расмий ақидаларидан фарқли тарзда фаолият олиб борадиган диний гуруҳлар тушунилади. Шунингдек, ушбу тушунча мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳлар тушунилади. Бугунги кунда ҳар иккала йўналишга мансуб бўлган кўплаб секталар фаолият кўрсатмоқда.

Мутахассислар уларнинг сонини тахминан 5000 атрофида, деб баҳолайдилар.

Замонавий воқелик диний-экстремистик характердаги секталарнинг инсон онги ва қалби учун кураш йўлидаги фаолиятининг жонланиши кузатилаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, маълумотларга кўра, биргина Россиянинг ўзида «Богородичий центр», «Церковь объединения», «Церковь Иисуса», «Церковь Нового Завета», «Белое братство», «Божественный орден Первого Ангела» каби ўнлаб диний секталар ноқонуний равишда фаолият олиб бормоқда. «Культ сатаны» деб аталадиган секта ҳам кенг тарқалган. Айрим маълумотларга кўра, ўта хавfli бўлган бу сектанинг Россияда 100 минг, Ер юзида 5 миллиондан ортиқ тарафдорлари бор.

Улар аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланиб, охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш ҳамда асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар ичида иш олиб бориш йўли билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай секталарга асос солган «авлиё»лар ўз издошларини алдаш йўли билан уларнинг мол-мулкларига эгалик қилишга уринмоқдалар.

Яширин фаолият олиб бориши, секта ичида бўлаётган воқеаларнинг кўпчиликка маълум бўлиб қолмаслигининг қаттиқ назорат қилиниши улар фаолиятидан жамоатчиликнинг беҳабар қолишини келтириб чиқармоқда.

Угандадаги «Охират куни» сектаси бошлиқларининг фаолияти бунга мисол бўла олади. Охиратни 1999 йилнинг 31 декабрига «белгилаган» ушбу секта раҳбарлари ўз тарафдорларини мол-мулкларини сотиш, тушган маблағни уларга беришга ва шу йўл билан гуноҳлардан фориғ бўлишга чақирган. Қиёматнинг 2001 йил 1 январга «кўчирилиши» секта раҳбарларига

нисбатан шубҳа уйғонишига олиб келган. Шундан сўнг раҳбарлар Канунгу қишлоғида 500 дан ортиқ ўз тарафдорларини алдаб бир жойга тўплаб, устларидан ёпиб бинога ўт қўйиб юборганлар. Оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, тезкор тадбирларни ўтказган полиция яна тўрт жойда оммавий қабрларни топган. Умуман бу сектанинг қурбонлари 1000дан ортиқ бўлгани қайд қилинган.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлашиб кетиш, очлик, фуқаролар урушлари, оммавий эпидемиялар, спиднинг тарқалиши юқоридаги каби секталарнинг кенг ёйилишига олиб келмоқда.

Умуман олганда, бундай секталарнинг барчаси инсоннинг ожизлиги, маънавий ва жисмоний камолотга эришишга бўлган интилиши, кишилар ҳаётда дуч келадиган қийинчиликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида, шахсий бойлик орттириш ниятида фойдаланадилар.

*Бугунги кунда дунёнинг диний манзарасида қандай ўзгаришлар кузатишмоқда?*

Дарҳақиқат, дунёнинг диний манзарасини қотиб қолган, ўзгармас бир ҳодиса сифатида қараш керак эмас. Хусусан, бундай манзаранинг юқорида қайд этилган асосий хусусиятлари ҳам узоқ давом этган жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Бугунги кундаги ўзгаришлар ҳақида гап кетар экан қуйидагиларни алоҳида қайд этиш лозим. Энг аввало, шаклланган динлар доирасида муайян ўзига хосликларга эга бўлган янги йўналиш ва секталарнинг пайдо бўлиши давом этмоқда. Масалан, мутахассислар маълумотларига кўра, XX асрнинг иккинчи ярмида христианлик, буддавийлик, ислом ва бошқа динлар доирасида юзлаб секталар пайдо бўлган. Бу шундай

жараёнлар келажакда давом этиши мумкинлигини тахмин қилиш имконини беради.

Мавжуд диний таълимотлар, улардаги муайян қоидаларни давр талабига мослаштириш, бошқача айтганда, модернизация қилиш жараёни ҳам давом этмоқда. Масалан, христианлар амалга оширган инквизиция ва Салб юришлари хато бўлганини тан олиб, Рим Папаси ҳатто расман кечирим ҳам сўради. 1992 йилда Папа Иоанн Павел II ўз пайтида Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги қарашларни ёқлагани учун черков трибунали томонидан тавба қилдирилиб, ўз қарашларидан воз кечишга мажбур қилинган Галилео Галилейнинг ҳақ бўлганини тан олиб, барчадан узр сўрагани ҳам бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, мавжуд динларнинг тарқалиш ҳудудида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, ўтган асрда асосан христианлар яшаб келган Европада бугунги кунда 20-25 миллион атрофида мусулмонлар истиқомат қилмоқдалар. Жумладан, Буюк Британияда – 3 миллион, Германияда – 5 миллион, Францияда – 6-7 миллион исломга эътиқод қилувчи фуқаролар яшамоқда. Тадқиқотчилар фикрига кўра, ҳозирда айнан ислом эътиқодчилари сони энг тез кўпайиб бораётган дин ҳисобланади. Бирлашган миллатлар ташкилоти маълумотларига кўра, исломнинг йиллик ўсиш суръати 6,4 фоизни ташкил этиб, 1989 йилдан 2011 йилга қадар мусулмон аҳоли сони Шимолий Америкада – 25, Африкада – 2,15, Осиёда – 12,57, Европада – 142,35, Австралия ва Океанияда – 257,01 фоизга кўпайган. Фақат Лотин Америкасида исломга эътиқод қилувчилар улуши 4,73 фоизга камайган. Бундай ўзгаришлар, бир томондан, глобаллашув келтириб чиқараётган одамлар миграцияси натижасида, иккинчи томондан, кишиларнинг буддавийлик,



кўпгина ҳолларда ва асосан исломни онгли тарзда қабул қилиши билан боғлиқ.

БМТ томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра аср бошидан бугунги кунга қадар 1 миллион туб европаликлар ислом динини қабул қилганлар. Голливуд юлдузи Стивен Сигал буддавийликни, Венера-Имона Прохорова исломни қабул қилиб, Куръоннинг шеърӣ таржимасини амалга оширгани, ўзининг сув ости тадқиқотларидан бирида «Куръон»нинг «ар-Раҳмон» сурасидаги денгизлар орасида кўзга кўринмас тўсик борлиги ҳақидаги ояти тасдиғини кўрган машҳур француз олими Кусто исломни қабул қилгани, машҳур футбол юлдузлари Франк Рибери, Абель Шавьер, Тъери Анри, Эрик Абидалларнинг исломни қабул қилгани, АҚШдаги кўплаб қоратанли спортчилар ва эстрада юлдузларининг ислом номидан иш юритувчи «Қора мусулмонлар» сектасига аъзо бўлаётгани бунинг яққол далилидир.

Шунингдек, аҳолиси анъанавий равишда буддавийлик ва исломга эътиқод қилиб келган ўлкаларда христианликни ёйишга интилиш кузатилмоқда. БМТ маълумотларига кўра, христианликнинг ўсиш кўрсаткичи йилига 1,46 фоизни ташкил қилади. Мазкур жараён айрим христиан ташкилотлари ва йўналишларининг фаол миссионерлик ҳаракати натижасида содир бўлмоқда.

Қайд этилган мулоҳазалар бугунги кунда ҳам дунёнинг диний манзарасида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганидан далолат беради.

---

## *Иккинчи суҳбат*

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТАН НОИСЛОМИЙ ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР**

#### *Юртимизда нисбатан кенг тарқалган Православликнинг бошқа христиан конфессияларидан қандай фарқли жиҳатлари бор?*

Истиқлол йилларида дин соҳасида чуқур ўзгаришлар содир бўлди. 2012 йилнинг 1 августигача бўлган маълумотларга кўра, республикамызда 2224 та диний ташкилот, жумладан, 2037 та масжид, 2 та марказ, Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ислом билим юрти, шунингдек, жами 175 та ноисломий диний ташкилот, жумладан, Православ ва Протестант семинариялари фаолият кўрсатаётгани ҳам бунинг исботи бўла олади.

Мавжуд ноисломий конфессиялар ичида православлик эътиқод қилувчиларининг кўплиги бўйича ажралиб туради.

Православлик (*русча – чин эътиқод*) 1054 йилда бўлиниб кетиши натижасида шаклланган христианликнинг уч асосий йўналишидан биридир.

Асосан Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Болқон мамлакатларида кенг тарқалган православликка дунёда тахминан 217 миллион киши эътиқод қилади.

Православликда католик йўналишида бўлганидек, Ватикан каби ягона марказ ҳозир ҳам йўқ. Бугунги кунда дунёда 15 та автокефаль (мустақил) ва 2 та автоном мақомга эга православ черковлари мавжуд. Улар умумчерков аҳамиятига молик масалаларни ҳал этишда бир-бирлари билан алоқада бўлиб турадилар.

Православлик диний таълимоти «Муқаддас ёзув» («Инжил») ва «Муқаддас ривоятлар»га асосланган.

Бу ақидаларни православ черковлари илоҳий характерга эга, абадий ва ўзгармас деб билади.

«Муқаддас учлик» – Худонинг бир вақтнинг ўзида ҳам ягона, ҳам уч хил кўриниш (Ота-худо, Ўғил-худо-Исо ва Муқаддас Рух) да намоён бўлади, деб ишониш, инсонни туғма гуноҳкор деб билиш, Исонинг инсон қиёфасига кириб, ўз умматларини гуноҳдан халос этиш учун ўзини қурбон қилганини тан олиш, охиратга за унда қайта тирилишга эътиқод қилиш, черковнинг Худо ва одамлар ўртасидаги воситачи эканига ишониш православлик диний таълимотининг асосини ташкил этади.

Православликда диакон, епископ, митрополит, патриарх каби диний рутбалар мавжуд.

Христианликнинг 7 сирли маросими православликнинг ҳам асосини ташкил этади. Фақат уларнинг бажарилишида католиклар билан православлар орасида баъзи фарқлар бор.

Православликда:

- янги туғилган бола чўқинтириляётганда сувга ботириб олинади;

- муқаддас мой суртиш чўқинтиришдан сўнг кетмакет маҳаллий руҳоний томонидан бажарилади;

- оддий инсонлар ва руҳонийлар бир хил – квасли нон ва вино билан тотинадилар;

- никоҳ маросими черковда, руҳоний томонидан амалга оширилади. Эр-хотин фақатгина хиёнат сабабли ажрашишлари мумкин. Никоҳни фақат черков бекор қила олади;

- христианликнинг бошқа конфессияларидан фарқли равишда «қора» ва «оқ» руҳонийлар фарқланади. Жумладан, «қора» руҳонийларда «целибат», яъни уйланмаслик амалиёти мавжуд;

«Тавба маросимида католикликдан фаркли равишда тавба қилувчи ва рухоний юзма-юз ўтирадилар» (№ 1) Қўлган маросимларда сезиларли фарқ кузатилмайдди.

Православликда ибодат асосан маҳаллий тилда олиб борилади (Рождество), Пасха қаби умумхристиан байрамлари православликнинг ҳам (асбсий маросимлари) ҳисобланади. Черковлар бўлинганидан сўнг католиклар томонидан қабул қилинган ақидаларни православлар хато, «Муқаддас ёзув» ва «Муқаддас ривоятлар»га зид, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, черковлар бўлинишидан сўнг католиклар томонидан қабул қилинган байрамларни ҳам православлар нишонламайдилар.

Рус православ черкови — Москва патриархияси дунёдаги энг катта мустикал (автокефал) православ черковидир. Тошкентда Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси мавжуд бўлиб, у Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон православларининг маркази ҳисобланади.

Православлар асосан куйидаги байрамларни нишонлайдилар:

1. Исо туғилган кун (Рождество Христово — дунё православларида 25 декабрь, Рус православ черковида 7 январь);
2. Исонинг хатна қилиниши (Обрезание Господне — 14 январь);
3. Исонинг чўқинтирилиши (Крещение Господне. Богоявление — 19 январь);
4. «Қадимги Аҳд» ва «Янги Аҳд»лар бирланган кун (Сретение Господне — 15 февраль);
5. Илохий хушxabар (Благовещение Пресвятой Богородицы) — 7 апрель);
6. Исонинг Қуддусга кириши (Вход Господень в Иерусалим — 24 апрель);

7. Пасха (Пасха Господня. Светлое Христово Воскресенье – 1 май);

8. Исонинг осмонга кўтарилиб кетиши (Вознесение Господне – 9 июнь);

9. Муқаддас учлик ёки Пятидесятница байрами (День Святой Троицы или Пятидесятница – 19 июнь);

10. Яхё пайғамбарнинг туғилган (Рождество Иоанна Предтечи – 7 июль);

11. Хаворийлар Петр ва Павеллар куни (Святых первоверховных апостолов Петра и Павла – 12 июль);

12. Исо Масихнинг Ермон тоғида нурланиши байрами (Преображение Господне – 19 август);

13. Биби Марямнинг вафоти (Успение Пресвятой Богородицы – 28 август);

14. Яхё пайғамбар қатл этилган кун (Усекновение главы Иоанна Предтечи – 11 сентябрь);

15. Биби Марямнинг туғилган куни (Рождество Пресвятой Богородицы – 21 сентябрь);

16. Исо михланган хочни тиклаш байрами (Воздвижение Креста Господня – 27 сентябрь);

17. Биби Марямнинг 910 йилда Константинополь шаҳри қамали пайтида мўъжизавий пайдо бўлиши байрами (Покров Пресвятой Богородицы – 14 октябрь);

18. Биби Марямнинг ота-онаси томонидан ибодатхонада хизмат қилиш учун топширилиши байрами (Введение во храм Пресвятой Богородицы – 4 декабрь)

2012 йилнинг 1 августига қадар Ўзбекистон худудида 1 та марказ, 1 та семинария, 3 монастир ва 33 та черков - жами 38 та православликка мансуб диний ташкилот рўйхатга олинган.

### *Католикликнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?*

Католиклик (юнонча – бутун жаҳон) ҳам 1054 йилда христианликнинг иккита – ғарбий ва шарқий черковга бўлиниши натижасида ташкил топган.

Католиклик Европа, Америка қитъаси давлатларида кенг тарқалган. Африкада ҳам католиклик асосий дин ҳисобланган мамлакатлар бор. Италия, Испания, Португалия, Франция, Бельгия, Австрия ва Лотин Америкаси давлатларида асосий дин, Ватикан давлатида эса расмий дин ҳисобланади.

Дунёда христианликнинг бу йўналишига тахминан 1,076 миллиард киши эътиқод қилади.

Католик черкови қатъий марказлашган ташкилот ҳисобланади. Рим Папаси – католик черковининг бошлиғи, Исонинг ноиб ва апостол Петр (Бутрус) нинг<sup>1</sup> ўринбосари ҳисобланади. Диний ҳаётда гуноҳиз деб ҳисобланадиган, яширин овоз бериш йўли билан кардиналлар коллегияси сайлайдиган Папанинг ҳокимияти жаҳон соборлари ҳокимиятидан устун туради. Католик черкови соборлари (епископлар йиғини) черковга оид мураккаб масалаларни ҳал этиш учун Папа томонидан чақирилади. Папа черков давлати - Ватиканнинг чексиз ваколатларга эга бўлган ҳокимидир. Ҳозирги кунда католик черковига раҳбарлик қилаётган Бенедикт XVI Рим Папаси лавозимга 2005 йилда сайланди.

Бугунги кунда католик черкови ўзига итоат этувчи ўта интизомли руҳонийларнинг жуда кенг сафига, кўпсонли монахлик орденлари, миссионерлик, хайрия ва бошқа турдаги кўплаб диний ташкилот ва муассасаларга эга. Умуман олганда, католикликда учта асосий черков рутбаси мавжуд бўлиб, булар: диакон, пресвитер ва епископлардир.

Католикликнинг маркази Ватиканда жойлашган. 1929 йилдан бошлаб Ватикан мустақил давлат мақомига эга бўлди. 120 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган.

Католикликнинг диний таълимотида «Инжил» ва «Муқаддас ривоятлар» билан бир қаторда Бутун жаҳон

<sup>1</sup> Исонинг 12 хаворийларидан бири ва энг обрўлиси.

соборлари ва Рим Папасининг қарорлари ҳам диний таълимот манбаи деб қаралади.

Православлардан фарқли равишда католикликликда:

- «Муқаддас Рух» нафақат Ота-худодан балки Ўғил-худодан ҳам келиб чиққан, деб ҳисобланади;

- Исо ва унинг ҳаворийлари, Биби Марям ҳамда авлиёлар амалларини қамраб олган «хайрли ва савобли ишлар хазинаси» мавжуд ва ушбу хазина ҳисобидан черков гуноҳкорларнинг гуноҳидан ўтиш имконига эга, деб ҳисобланади. Мана шу таълимотга, яъни гуноҳлардан пок бўлиш ва унинг савобини ўтганларга бағишлаш мумкин, деган ақидага асосланиб католик черкови XII асрдан бошлаб гуноҳларни кечирish ҳақидаги ёрлиқлар (индульгенция – лот. *раҳм-шафқат*) билан савдо қилишни йўлга қўйган. Рухонийлар вафот этганларнинг яқинларига индульгенция сотиш орқали уларнинг аърофда бўлиш муддатини қисқартиришлари мумкин;

- Аъроф (дўзах ва жаннат оралиғидаги мавзе) ҳақидаги ақида мавжуд. Унга кўра, гуноҳи қатта бўлмаган гуноҳкорларнинг руҳи у ерда ўтда куяди, кейин жаннатга йўл топади. Рухнинг аърофда бўлиш муддати ўлганлар хотирасига яқинлари томонидан қилинадиган хайрли ишлар (ибодат ва черков фойдасига хайр-эҳсон қилиш) эвазига қисқартирилиши мумкин;

- Биби Марям ҳам Исо каби Аннанинг (Марямнинг онаси) иффати сақланган ҳолда Муқаддас руҳдан ҳомиладор бўлиши орқали дунёга келган, деб ҳисобланади;

- Папанинг бегуноҳлиги ҳақидаги ақида ҳам бор.

Юқорида қайд этилган қоидаларни православлар хато, деб ҳисоблайдилар.

Католикликнинг ўзига хос хусусиятлари қаторида куйидагиларни ҳам алоҳида қайд этиш лозим:

- никоҳ қатъий ҳисобланиши (католиклик ақидасига биноан никоҳ ақди осмонда тузилади ва ердагилар уни бузиш ҳуқуқига эга эмаслар);

- Биби Марямнинг Худодан гуноҳларни сўраб берувчи сифатлари кўпроқ эъзозланиши;

- маросимлар театрлаштирилган тарзда, дабдабали, кишиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этадиган даражада ўтказилиши, ашула билан бирга орган мусиқасидан ҳам фойдаланилиши;

- ибодатхоналар расм ва ҳайкаллар билан безатилиши, авлиёлар, жафоканлар ибодатларини ифода этувчи турли муқаддас ёдгорликларни эъзозлаш.

Христианликнинг етти асрорини талқин қилиш ва уларга рия қилишда ҳам православликдан муайян фарқлар кузатилади. Жумладан, католикликда:

- чўқинтириш амали чўқинтирилаётган одамнинг устидан сув куйиш орқали бажарилади;

- чўқинтирилгандан кейин суртиладиган хушбўй мой чўқинтириш билан бир вақтда эмас, балки саккиз ёшдан кичик бўлмаган болаларга епископ томонидан суртилади.

- нонни Исонинг танаси, винони унинг қони ми-солида истеъмол қилишга асосланган маросимда руҳонийлар хамиртурушсиз нон ва вино, оддий инсонлар эса фақат хамиртурушсиз нон билан (ҳозир баъзан вино билан ҳам) причащение қиладилар.

- барча руҳонийлар уйланмайди. Диний мартабадан чиқиш эса ман этилади.

Католикликда куйидаги «Мажбурий» байрамлар нишонланади:

1. Исо туғилган кун (Рождество Христово - 25 декабрь);

2. Худонинг зоҳир бўлиши (Богоявление - 6 январь);

3. Меърож, яъни Исонинг осмонга кўтарилиши (Вознесение Господне - Пасханинг 40-куни, санаси ўзгариб туради);



4. Исонинг тана ва қони байрами (Праздник Тела и Крови Христовых - Пасха байрамадан 60 кун ўтгач нишонланади);

5. Биби Марям куни (День Пресвятой Девы Марии, Матери Божией - 1 январь);

6. Биби Марямнинг покдомон ҳолида ҳомиладор бўлиши (Непорочное Зачатие Пресвятой Девы Марии - 8 декабрь);

7. Биби Марямнинг осмонга кўтарилиши ёки вафот этиши (Взятие на небо [или Успения] Пресвятой Девы Марии - 15 август);

8. Биби Марямнинг қаллиғи Авлиё Иосиф куни (День Святого Иосифа, Обручника Марии - 19 март);

9. Ҳаворийлар Петр ва Павеллар байрами (День святых апостолов Петра и Павла - 29 июнь);

10. Барча авлиёлар куни (День всех святых - 1 ноябрь).

Туркистон ўлкасида дастлабки католиклар XIX аср охирларида пайдо бўлганлар. Уларнинг сони католикликка эътиқод қиладиганларнинг кўчиб келиши, Биринчи жаҳон уруши давомида асир тушган немис, поляк ва австрияликларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши билан боғлиқ ҳолда ўсиб борган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Тошкентдаги рим-католик ибодатхонаси (костел) қайта тикланди ва у 2000 йилнинг 22 октябрида расман иш бошлади.

2012 йилнинг 1 августига қадар Ўзбекистонда 1 та марказ ва 4 та черков, 5 та католик диний ташкилоти рўйхатга олинган.

### *Протестантлик йўналиши қачон ва қандай сабабларга кўра юзага келган?*

Протестантлик (лотинча - норози бўлиш, келишмаслик) – XVI асрда католиклик йўналишидан ажр- целибат (рухонийларнинг уйланмаслиги)ни инкор этади.

Протестант йўналишлари бир-бирларидан у ёки бу жиҳатларига кўра фарқлансаларда, М.Лютер томонидан католик черкови таълимотига қарши кескин тарзда баён этилган:

- ўз эътиқоди билан нажот топиш;

- эътиқод қилувчиларнинг барчаси руҳоний бўлиши, яъни ҳар бир чўқинтирилган инсон черков ёрдами-сиз ўзи Худо билан мулоқотда бўлиши, тоатибодат қилиши, ваъз ўқиши мумкинлиги;

- «Библия»нинг олий нуфузи, уни ўқиш, ўрганиш ва тафсир қилиш эътиқод қилувчининг биринчи мажбурияти экани ҳақидаги 3 тамойил уларнинг барчаси томонидан бирдай тан олинади ва улар протестантликнинг асосий қоидалари ҳисобланади.

Илк протестантлик йўналиши – лютеранликка юқорида қайд этилганидек, роҳиб Мартин Лютер (1483-1546) томонидан асос солинган.

«Библия» билан бир қаторда М.Лютер қарашларини ўзида мужассам этган «Келишув китоби» ҳам лютеранлик диний таълимотининг манбаи ҳисобланади.

Лютеранликда протестантликнинг бошқа йўналишлари каби ибодат маросимлари соддалаштирилгани билан ҳам ажралиб туради. Шу билан бирга, христианликнинг етти сеҳрли маросимларидан чўқинтириш ҳамда «нон ва вино тотиш» тан олинган ҳолда қолганларига оддий маросимлар сифатида қаралади.

Германиядан кейин лютеранлик Европанинг Австрия, Венгрия, Франция каби бир қатор давлатлари ҳамда Шимолий Америкада тарқалди.

Бош синод – лютеранликнинг олий ҳуқуқий органи епископ томонидан назорат қилинадиган Консистерия (черков ишлари бўйича ташкилот) асосий ижроия ҳокимияти ҳисобланади.

Лютеранлар жамоаси Ўзбекистонда илк марта Тошкент шаҳрида 1885 йилдан расмий фаолият кўрсата бошлаган. 1896-99 йилларда лютеранлар ибодатхонаси (кирха) қурилган.

1992 йил 8 сентябрда Немис евангель-лютеранлар чerkови расмий рўйхатдан ўтди. Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги қарори билан кирха лютеранларга қайтариб берилди.

Республикамизда 2012 йилнинг 1 августига қадар евангел-лютеранлар черковининг 2 та диний ташкилоти рўйхатга олинган.

### *Адвентистлар ва «Еттинчи кун адвентистлари»нинг бир-биридан фарқи борми?*

Адвентистлик (лотинча - *келиш, воқе бўлиш*) протестантликдаги йўналишларидан бўлиб, унга XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда Уильям Миллер (1772-1849) асос солган.

«Библия»ни ўрганиб, «охирзамон»нинг яқинлашаётгани ҳамда Исо Масиҳнинг минг йиллик хукмронлик даври бошланиши ҳақидаги фикрга келган У.Миллер 1831 йилда Исонинг 1843 йилда қайтиши ҳақида катта ваъз қилди. Бу ваъз ҳатто Европада ҳам акс-садо берди. 1843 йил кириб келганида эса У.Миллер ўз хулосасини биров ўзгартириб Исонинг қайтиш муддатини 1844 йилга кўчирди. Масиҳ тушиши керак бўлган ой ва кунни, ҳатто жойини – Нью-Йорк штатидаги тоғни ҳам аниқ кўрсатди. Белгиланган кунда Миллер издошлари оқ кийимларга ўраниб «қиёмат тоғи»да жойлашдилар. Узоқ кутишдан сўнг «пайғамбар» издошларининг сони камая бошлади, лекин кўплар унга содиқ қолдилар. Исонинг 1843 йили келмаганининг сабаби эса ўша йили Исо ерга эмас,

балки «осмондаги покланиш жойи»(чистилище) ни тозалаш учун келган, деб талқин қилинди.

1845 йилда У.Миллер ва унинг издошлари баптистлар сафидан четлаштирилганларидан сўнг, ўзларининг «адвентистлар» деб аталган ташкилотини туздилар.

Адвентистлик таълимоти Исо Масихнинг иккинчи маротаба қайтиши ғоясига асосланади. Унга кўра иккинчи қайтиш даврида фақатгина такводорлар тириладилар (биринчи тирилиш) ва Худо билан осмонда 1000 йил бўладилар. Бу давр мобайнида ерда инсонлар бўлмайди, улар томонидан яратилган жамики нарса вайрон бўлиб, йўқ бўлиб кетади. Шайтон кишанланади ва унинг жазоси вайронага айланган ерда бўлади. 1000 йилдан сўнг Исо учинчи бор ерга қайтади, шунда жин, ажина, алвасти ва шу кабилар тириладилар (иккинчи тирилиш). Шайтон эса халқларни йўлдан оздириб, уларни Исога қарши охири жангга тўшлаш учун вақтинча озодликка чиқади. Лекин осмон олови уларни кулга айлантиради. Шайтон ва инсу-жинслар абадий йўқ қилинадилар - бу улар учун иккинчи ўлимдир. Олов билан тозаланган Ер янгиланади ва уни такводорлар эгаллайдилар. Куддус қайта тикланади ва одамлар абадий роҳатда бахтли ҳаёт кечирадилар.

«Еттинчи кун адвентистлари» адвентистлик замирида пайдо бўлган энг йирик йўналиш ҳисобланади. 1844 йилда АҚШда юзага келган ушбу йўналишнинг асосчиси Елена Уайт (1827-1915) ҳисобланади.

«Еттинчи кун адвентистлари» йўналиши тарафдорларининг сони тахминан 16 миллион кишини ташкил этади. Унинг 206 давлатда 46 мингдан ортиқ черков (жамоа)лари бор. Умумжаҳон Еттинчи кун адвентистлари черковининг Маркази - Бош Конференцияси АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган.

«Еттинчи кун адвентистлари» таълимотига кўра, Худо ўз иродасини халққа етказиш учун гўёки, Эллен

Уайтни танлаган ва унга 2000 га яқин «кўринишлар» (видение) бўлган. Унинг бу «кўринишлар» асосида ёзган китоб ва хатлари «Библия» билан бир қаторда «Еттинчи кун адвентистлари» диний таълимотининг асосий манбаи ҳисобланади. Исо Масиҳнинг яқин орада қайтишига ишониш «Еттинчи кун адвентистлари»нинг асосий ақидаси ҳисобланади.

Еттинчи кун адвентистлигида:

- «Библия» буйруқларига бўйсуниб қатъий талаб қилинади;

- бошқа христианлардан фарқли равишда, якшанба куни эмас, ҳафтанинг еттинчи куни деб шанба улуғланади. Шунинг учун ҳам, уларни «Еттинчи кун адвентистлари» деб атайдилар. Шанба куни ишлаш, ҳатто овқат тайёрлаш ҳам мумкин эмас. Бутун кун ибодатга бағишланади. Улар Исонинг тирилиши ва «охирзамонни» кутиб яшайдилар.

Айни пайтда, Еттинчи кун адвентистлигида;

- руҳнинг абадийлиги, жаннат ва дўзах тушунчалари инкор қилинади;

- чўқинтириш бутун танани сувга ботириш орқали ўтказилади;

- «нопок ҳайвонлар» гўшти, хусусан, чўчка гўшти-ни ейиш, кофе, чой, вино ичиш, тамаки чекиш тақиқланади;

- турли хил кўнгил очар тадбирлар, бадий китоб ўқиш эса қораланади.

Ўрта Осиёда дастлабки адвентистлар XIX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Уларнинг пайдо бўлиши Россия адвентистлари фаолияти билан боғлиқ. 1910 йилда Тошкентда илк адвентистлар жамоаси тузилади.

2012 йилнинг 1 августига қадар республикамизда 9 та «Еттинчи кун адвентистлари» диний ташкилоти рўйхатга олинган.

*«Пятидесятниклар» ёки «Тўлиқ инжил христианлари»нинг келиб чиқиши тарихи ва таълимоти ҳақида нима дейиш мумкин?*

«Пятидесятниклар» ёки «Тўлиқ инжил христианлари» протестантликдаги энг йирик йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда пятидесятникларнинг сони дунё бўйича тахминан 120 миллионни ташкил этади.

Пятидесятниклик тарихи расман 1901 йилнинг 1 январига бориб тақалади. Айнан шу куни АҚШнинг Канзас штати Топеке шаҳрида Ч.Пархем исмли руҳоний бошқараётган «Библия» мактабининг талабалардан бири Агнесса Озман «учинчи раҳмат»га эришиб (яъни, Муқаддас Рух билан чўқинтирилиб), хитой тилида гашира бошлайди. Унинг кетидан «Худо билан нотаниш тилда гаплашиш» «эпидемия»си бутун мактабни қамраб олади. Шундан сўнг, Ч.Пархем ўз ўқувчилари билан жанубий штатларда пятидесятникликни тарғиб қила бошлаган.

Худо билан нотаниш тилда гаплашишни бошидан ўтказган кўпчилик кейинчалик ўзларининг пятидесятниклик черковларига асос солдилар. Бундай черковлар Скандинавия, Англия, Ҳиндистон, Чили, Германия каби давлатларда ҳам пайдо бўлди.

Пятидесятниклик диний ҳаётда «Муқаддас Рух инъомлари» деган тушунчага таянади. Таълимотга кўра, бу инъомлар фақатгина Муқаддас Рух билан чўқинтириш<sup>1</sup> орқали Исо Масихнинг асл издошларига, унга хизмат қилиш воситаси сифатида берилади. Муқаддас Рух билан чўқинтирилганликнинг ташқи белгиси деб пятидесятниклар глоссалия, яъни «Худо билан нотаниш тилда гаплашиш»ни тушунадилар.

Уларнинг бир-биридан асосий фарқи Худонинг раҳматлари сони ва сув билан чўқинтиришнинг

<sup>1</sup> Бунда диндор Худо томонидан чўқинтирилган ҳисобланиб, бу билан у Худога яқин бўлади.

услугларидадир. Хусусан, баъзи пятидесятниклар 3 та раҳматга - динга киргизиш, нурлантириш яъни, христиан таълимоти билан чуқурроқ таништириш ва Муқаддас Рух билан чўқинтиришга ишонишса, айримлари фақат 2 та раҳмат - динга киргизиш ва Муқаддас Рух билан чўқинтиришни тан оладилар. Шунинг учун ҳам, уларни «Икки раҳмат черковлари» деб аташади.

Пятидесятникликнинг диний таълимот манбаи «Библия»дир. Унга кўра, Муқаддас Рух доимо черковда намоён бўлиб туради. Пятидесятникликда Исонинг иккинчи марта қайтиши, охирзамон ва мингйиллик ҳукмронлиги ўрнатилишининг яқинлиги тарғиб қилинади. Шунингдек, Худонинг «Ўлдирма» деган буйруғига амал қилиниши сабабли уруш ва ҳарбий хизмат қатъиян рад этилади.

«Тўлиқ инжил христианлари»нинг юртимиздаги илк жамоалари ўтган асрнинг 20-йилларида пайдо бўлгани қайд этилган.

2012 йилнинг 1 августига қадар республикамизда «Тўлиқ инжил христианлари»нинг 1 та маркази, 1 та семинарияси, 19 та черкови рўйхатга олинган.

### *Баптистликнинг моҳияти нимада?*

Баптистлик (грекча - сувга ботирмоқ, сувга шўнгитиб чўқинтирмоқ) XVII асрда Англияда вужудга келган протестант йўналишларидан биридир.

Баптистлик диний таълимотининг асосида «Библия»нинг илоҳий нуфузини тан олиш, уни Муқаддас Рухдан руҳланган, нажот топиш ҳамда эътиқод ва ҳаётга нисбатан Худонинг иродасини билиш учун ягона, зарур ва етарли манба ҳисоблаш ётади. Шунинг учун ҳам, жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан «Библия»ни ўрганиш ва тафсир қилишга кучли эътибор берилади.

Протестантликнинг бошқа йўналишлари каби баптистлар ҳам:

- хоч ва иконаларга сиғинишни нотўғри деб ҳисоблайдилар;

- авлиёларни қадрлаш, роҳиблик, чақалоқларни чўқинтиришни, никоҳ, миро мойини суртиш, елей суртиш, руҳонийликка қабул қилиш, тавба каби маросимларнинг «сирли» эканини инкор этадилар.

Исони ўзининг шахсий халоскори деб ишонган, ўн саккиз ёшга тўлган ва онгли муносабатини шакллантирган ҳамда сувда чўқинтирилган ҳар бир инсон черков аъзоси бўлиши мумкин. Шунингдек, христианликнинг бошқа йўналишларидан чиқиб баптистликка кирувчиларни янгидан чўқинтириш амалиёти ҳам йўлга қўйилган.

Баптистларда асосий эътибор мавъизаларга қаратиладиган ибодатлар ҳафтасига икки-уч маротаба ўтказилади. Уларда оддий эътиқод қилувчи ёки бошқа жамоалардан келган меҳмонлар ҳам ваъз қилишлари мумкин. Ибодатларда диний ашулаларга ҳам катта ўрин берилади.

Апостоллар давридагидек сувга шўнғиш орқали чўқинтириш баптистларнинг асосий маросимлардан биридир. Бу маросимга чуқур диний маъно берилади. Баптистлар таълимотига кўра, чўқинтирилаётган инсон худди Исонинг ўлимига шўнғийди, у билан ўлади ва сувдан чиқиши билан Исо каби янги ҳаёт учун тиради.

Баптистликка кўра, ҳар гал вино ва нон тотиган инсон вужудида Исо намоён бўлади. Бу маросим ҳар ойнинг биринчи якшанбасида бажарилади, унда фақат баптистлар таълимотига асосан чўқинтирилганлар қатнашадилар.

Баптистликда диний интизомга қатъий риоя қилишга алоҳида эътибор берилади. Ичкиликбозлик, бузуклик, исрофгарчилик, оиласига вафосизлик,



кўнгилочар муассасаларга бориш жамоадан сўзсиз ҳайдалишга олиб келади.

Туркистон ўлкасига баптистлик XIX аср охирларида кириб келган. 1902 йилда Тошкентда уларнинг биринчи черкови ташкил этилган, 1926 йилда эса биринчи ибодат уйи қурилган.

2012 йилнинг 1 августига қадар республикамизда баптистларнинг 1 та маркази ва 22 та черкови рўйхатга олинган.

### *«Новоапостоль черкови»нинг ўзига хос хусусиятлари нимада?*

«Новоапостол черкови» XIX асрнинг ўрталарида Англияда вужудга келган протестантлик йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда «Новоапостол черкови» дунёнинг 180 та давлатида 50 га яқин жамоа, 9 миллионга яқин аъзоларига эга.

«Новоапостол черкови» диний таълимотида 7 сирли маросимнинг учтаси эътироф этилади:

- сув билан чўқинтириш (ёшнинг фарқи йўқ);
- причащение - нон ва вино билан тотиниш;
- Муқаддас Рух билан (запечатление) инсоннинг ички оламини бутунлай янгилаш.

Черков таълимотига кўра, Худо руҳонийларнинг дуо ва фотиҳалари сабабли бандаларига ўзининг меҳру муруватини ато қилади.

Марҳумлар руҳига бағишлаб бир йилда уч маротаба (март, июль ва ноябрь ойларининг биринчи якшанба кунларида) ўтказиладиган диний маросимлар ҳам «Новоапостол черкови»нинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Бу маросимларда марҳумларнинг қариндошлари ва руҳонийлар иштирок этиб, Худодан уларнинг бу дунёда қилган гуноҳларини авф этишини сўраб, ибодат қиладилар.

Черковни биринчи апостол ва апостоллар бошқарадилар. Ўз навбатида улар христианликдаги машҳур 12 апостолнинг ўринбосарлари ҳисобланадилар («Новоапостол черкови» номи шундан келиб чиққан). Биринчи апостол, диний қоидаларга асосан, Худонинг ердаги вакили ҳисобланади. Черков ходимлари ўз вазифаларини беул ва ўзларининг асосий касбларидан ташқари бажарадилар

Ҳар бир жамоа 150-170 кишилик катта оила каби ташкил этилади. Пасторлар камида икки ойда бир маротаба ҳар бир уйни зиёрат қиладилар. Асосий эътибор болалар ва ўсмирлар тарбиясига, ногирон ва камбағалларга ёрдам қилишга қаратилади.

«Новоапостол черкови» Ўзбекистондаги фаолиятини 1992 йилдан бошлаган.

2012 йилнинг 1 августига қадар республикамизда «Новоапостол черкови»нинг 4 та диний ташкилот рўйхатга олинган.

***Юртимизда ҳам мавжуд бўлган яҳудийлик  
миллий дини таълимотининг ўзига  
хослиги нимада?***

Яҳудийлик дини яҳудий халқининг яккахудоликка асосланган динидир.

Энг қадимий динлардан бири ҳисобланадиган яҳудийлик Исроил, АҚШ, Канада, Россия ва дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида тарқалган. Ер юзиде тахминан 15 миллион киши ушбу динга эътиқод қилади.

Яҳудийлик таълимотига биноан ушбу дин тарихи Иброҳим пайғамбардан бошланади. Манбаларга кўра, Иброҳим пайғамбарнинг набираси Исроил (Ёкуб) нинг 12 фарзандидан 12 қабила пайдо бўлган. Яҳудийлик ана шу ўн икки фарзанднинг тўртинчиси Яҳудо номи билан боғлиқ.

Яхудий динининг муқаддас ёзувлари асосан иккита бўлиб улардан биринчиси Мусо пайғамбарга Тур тоғида берилган «Тора» («Таврот»), иккинчиси «Талмуд» дир.

Яхудийлар «Библия»си қадимги яхудий тилида «Китве Кодеш» ёки «Танах» деб номланади. Унга кирган китоблар уч гуруҳга бўлинади: 1) Мусонинг беш китоби ёки «Тора» («Таврот» – «Қонун китоби», «Таллимот»); 2) «Пайғамбарлар («Небиим»); 3) «Ёзув («Кетубим»), тарихий ҳикоялар. «Библия» таркибига кирган беш китоб яхудийлар энг эъзозлайдиган қисмидир. Беш китобга қуйидагилар кирган: «Ибтидо», дунёнинг яратилиши, Одам Ато ва Момо Ҳавво, дунёнинг сув босиши, қадимги яхудий оқсоқоллари ҳақидаги китоб; «Чиқиш» яхудийларнинг Мисрдан кетиши, Мусо ва унинг Худодаи олган кўрсатмалари, Яхвега сиғинишнинг бошланиши; «Левит» диний ақидалар, тартиблар ва маросимлар йиғиндиси; «Чўлда» ва «Амрлар» яхудийларнинг Миср асирлигидан кейинги тарихига бағишланган китоб.

Ягона диний марказнинг мавжуд эмаслиги ҳамда яхудий жамоаларининг турли худудларга тарқалиб кетгани яхудийликка мос келмайдиган диний қарашлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин эди. Шу туфайли, III-V асрларда Бобил ва Фаластинда обрў ва эътиборга эга бўлган яхудийлар динга асосланган ҳаёт қонун-қоидалари тўплами – «Талмуд» (қадимий яхудий тилида ламейд - ўрганиш)ни яратдилар.

Яхудийларнинг йиллик байрамлари қуйидагилар:

1. Песах (Пасха) байрами. Бу байрам христианларнинг пасхасидан фаркли равишда яхудийларнинг Мисрдаги кулликдан қутилиб чиққанлари муносабати билан нишонланади. Пасха байрамидан кейинги етти кун давомида тузсиз, хамиртурушсиз патир

маца ейилади. Мацани ейиш билан ҳар бир яҳудий Мусо бошчилигидаги ўз ота-боболарининг чеккан машаққатларини ҳис этади.

2. Шеббуот (шевуот) байрами. Пасхадан кейинги 50-куни нишонланади. Бу байрам Синай тоғида Мусога Худо томонидан «Тора»нинг берилишини нишонлаб ўтказилади.

3. Рош-Ашона. Кузда нишонланадиган янги йил байрами - яҳудийлар учун покланиш байрами ҳисобланиб, улар қурбонлик қилинган қўчқор шохидан ясалган сурнайларни чаладилар, гуноҳлари қолмаелиги учун чўнтақларини тўнтариб, яхшилаб қоқадилар.

4. Йом-Кипур. Гуноҳлардан покланиш байрами. Рош-Ашона ва Йом-Кипур байрамлари ўртасида рўза тутилади. Рўза кунлари улар ювинмайдилар, ялангоёқ, эски кийимларга ўраниб юрадилар. Синагогада надоматлар билан йиғлаб, тавба қиладилар.

5. Пурим (Қуръа) байрами. Яҳудий байрамлари ичида энг кувноғи ҳисобланади. Бу байрам яҳудийларнинг уларни қириб ташламоқчи бўлган Форс подшоҳи Ҳомон зулмидан қутилганликлари шарафига баҳорда нишонланади.

Миллий дин ҳисобланган яҳудийликда бошқа миллатларни ўз динларига даъват этиш қатъий ман этилгани учун ҳам уларнинг фаолиятида миссионерлик ҳаракати кузатилмайди.

2012 йилнинг 1 августига қадар республикамизда 8 та яҳудий диний жамоаси расмий рўйхатдан ўтиб, фаолият олиб бормокда.

*Арман григориан (апостоллик) черковининг ўзига хос хусусиятлари нимада?*

Арман апостоллик черкови энг қадимги христиан черковларидан бири ҳисобланади. Авлиё Григорий

Просветитель (Арман-григориан номи шундан келиб чиққан) ҳаракатлари билан 301-йилда Арманистонда христианлик давлат дини деб эълон қилинади.

V асрнинг ўрталаригача Арман - григориан черкови христиан черковининг бир тармоғи ҳисобланган. Лекин, Византиядан мустақил бўлишга ҳаракат қилган ҳамда 451 йилда бўлиб ўтган Жаҳон соборининг (монофизитларга қарши қарорига норозилик билдирган Арман апостол черкови амалда ҳам Шарқий, ҳам Ғарбий черковлардан ажралишга муваффақ бўлди.

Арман апостоллик черковининг диний таълимоти православлик таълимотига ўта яқин.

**Фақат арман апоетоллик черковида православликдан фарқли равишда Исонинг жисмида худолик ва инсонлик хислати алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмай, улар ўзаро қўшилиб кетган, деб ҳисобланади.**

Черков таълимотида христианликнинг барча сирли маросимлар тан олинади. Шу билан бирга, арман-григориан черковида бошқа христиан йўналишларида учрамайдиган «матах» деб номланадиган курбонлик келтириш маросими мавжуд. Бу маросим катта байрамлар муносабати билан амалга оширилиб, буқа, қўй ёки парранда сўйилиб, унинг гўшти махсус дуо билан илоҳийлаштирилган тузли сувда пиширилади. Пишган гўштнинг ҳаммаси шу куннинг ўзида яқин кишиларга тарқатилиши лозим.

Ушбу черков вакиллари Исо туғилган куни (Рождество, 6 январь), Исонинг хатна қилиниши (14 январь) каби байрам ва маросимларни нишонлайдилар.

Самарқанд шаҳридаги Арман-григориан черкови 1903 йилдан фаолият кўрсата бошлаган.

2012 йилнинг 1 августига қадар 2 та диний ташкилот рўйхатга олинган.

## *Юртимизда буддавийликнинг қайси йўналиши мавжуд?*

Юкорида қайд этилганидек, буддавийликда хинаяна, махаяна ва ламаизм йўналишлари мавжуд.

Хинаяна (нажот топишнинг тор йўли) - буддавийликнинг Будда давридаги таълимотига амал қилади. Хинаянада ҳаёт азоб-укубатларидан монахлик жамоа-сига аъзо бўлганларгина халос бўла олади, деб ҳисобланади.

Махаянада (нажот топишнинг кенг йўли) эса монахлик рад этилади ва Будда ўғитларига амал қилувчи, Худога илтижо қилувчи, монахларга моддий ёрдам берувчи, дунёвий ишлар билан шуғулланувчи ҳар бир киши нажот топиши мумкин, деб билинади.

Юртимизда эса буддавийликнинг учинчи йўналиши – ламаизм тарқалган.

Ламаизм (тибет тилида «лама» – «энг улуғ» деган маънони англатади) Тибетда VII-XIV асрларда тибетликларнинг қадимий диний қарашлари ҳамда Махаяна ва Тантризм уйғунлашуви асосида вужудга келган бўлиб, ҳозирда тибетликларнинг асосий дини ҳисобланади.

Буддизмнинг барча ақидаларини қабул қилган ламаизмда инсон фақат ламалар (руҳонийлар) ёрдамида нажот топади. Ламаларсиз нирванага етишиш у ёқда турсин, киши бу дунёга қайтиб келишда ҳам ҳеч нарсага эриша олмайди, деб ҳисобланади.

Ламаизмнинг анъанавий қонунлашган асоси «Канжур» (108 жилдли) ва «Танжур» (225 жилдли) номли муқаддас китобларда баён қилинган. Ламаизмда йўналишнинг олий диний раҳнамоси Далай-Лама туғилган мавжудотларнинг энг улуғи, деб ҳисобланади. Далай – тибет тилида «денгиз» маъносини англатади. Далай-Лама «денгиздек улуғ лама» деганидир. Бу

унвон 1391 йилда жорий қилинган. Биринчи Далай-Лама Биндуидуб (1391 – 1475) бўлган. Ҳозирги кунда Далай-Лама XIV Лозондантзенжанцо-Игвант ҳисобланади. Ламаизм диний ҳаётининг марказини монастырь ташкил қилади. У ерда Далай-Лама, ламалар диний уюшмаси, роҳиблар, талабалар фаолият олиб боради.

2012 йилнинг 1 августига қадар республикамизда буддавийликка мансуб 1 та диний ташкилот рўйхатга олинган.

### *Халқаро Кришнани англаш жамияти таълимотининг моҳияти нимада?*

Халқаро Кришнани англаш жамияти Шрила Бхактиведанта Свами Прабхупада номи билан танилган асли ҳиндистонлик Абхай Чаран Де (1896-1977) томонидан ташкил этилган. У 1947 йилда «Веда» фалсафаси билимдони сифатида «Бхактиведанта» (санскр. «содиклик», «фидокорона хизмат») унвонига сазовор бўлади. Санскрит тилидан инглиз тилига кўпгина «Веда» матнлари, жумладан, «Бхагавадгита» («Худо кўшиқлари»)ни тафсирлар ёзиб таржима қилди. 1959 йилда 63 ёшида дунёдан воз кечишга аҳд қилади ва Свами («Ақл ва ҳиссиётлар эгаси») унвонига эришади.

1965 йилда А.Ч.Бхактиведанта Свами АҚШга кўчиб ўтди ва «Халқаро Кришнани англаш жамияти»га асос солди. Бу даврда Шарқ мистик таълимотига бўлган катта қизиқиш Кришнани англаш фалсафасини тарғиб қилиш учун қулай шарт-шароит яратди ва ҳаракат тез ривож топди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида уларнинг 150 дан ортиқ ибодатхоналари мавжуд.

Кришначилик (вайшнавизм) одам қиёфасидаги худо Кришна (Вишну)га эътиқод қилишга асосланган.

хиндуийликнинг икки асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Кришначиликнинг муқаддас ёзувларига «Бхагаватгита»дан ташқари бошқа «Веда» матнлари ҳам киради.

Кришначилик яккахудоликка, яъни ягона ва мутлақ худо – Кришнани тан олишга асосланади. У абадий, яратилмаган ва чексиз шаклларга кириш қобилиятига эга. Кришначилик таълимотига кўра, олам руҳий ва моддий дунёга бўлинади. Инсоннинг руҳи танасига нисбатан бирламчидир. Кришначилар руҳни ривожлантириб ички комиллика эришиш ва шу йўл билан Худога қўшилишни олий мақсад, деб биладилар.

Ҳар бир инсон ўзида Кришнани англаш қобилиятини ривожлантириши мумкин. Бунинг учун бир қанча ҳаракат шакллари ўз ичига олган ва Худога муҳаббатни ривожлантириш ҳамда уни бутунлай руҳий англашга шўнғишга қаратилган бхактайога машқлар тизими ишлаб чиқилган. Айни пайтда, инсон ўзини моддий эҳтиёжлардан холи қилиши, гўшт, балиқ, тухум, маст қилувчи нарсаларнинг барчаси, жумладан, спиртли ичимликлар, тамаки, қаҳва, чой истеъмол қилиш, никоҳсиз жинсий ҳаёт кечириш ва қимор ўйинлардан воз кечиши зарур, деб ҳисобланади.

Кришначиликда медитация деб аталувчи, ибодат-хонада ўтказиладиган диний маросимлар ҳар куни соатлаб бажарилади. У махсус ҳаракатлар, Санкиртана – биргаликда худо Кришнани «Харе Кришна, Харе Кришна, Кришна Харе, Харе, Харе Рама, Харе Рама, Рама, Рама, Харе, Харе» деган, маҳамантра («озод бўлишнинг буюк қўшиғи»)ни куйлаш билан шарафлаш амалиётини қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси, уларнинг таъбирича, ақлни тозалаш, фикрни ташқи дунёдан халос этиш, бутун диққат-эътиборни Худога муҳаббатга йўналтириш учун бажарилади.



«Халқаро Кришнани англаш жамияти»да ўз эрга-шувчиларининг мол-мулкларини жамият ҳисобига хайр-эҳсон қилишлари ҳамда ибодатхонада руҳонийлик вазифасига ўтишлари рағбатлантирилади. Бу таълимотни қабул қилган ҳар бир кишига янги - санскритча ном берилади. Жамоа аъзолари сари, дхоти ва бошқа ҳинд миллий либосларини киядилар. 2012 йилнинг 1 августига қадар республикамизда кришначиларнинг 1 та диний ташкилоти рўйхатга олинган.

### *Баҳойликнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?*

Баҳойлик - XIX асрда Эронда бобийлик йўналиши замирида вужудга келган диний йўналиш. Шерозлик Сайид Али Муҳаммад (1819-1850) 1844-йилда Боб (арабча «эшик»), яъни янги даврга «эшик» номини олиб, яқин орада «Худо элчиси»нинг намоён бўлиши, кишиларга янги даврнинг асосий қонунлари ва низомиларини инъом этиши ҳақидаги гоани тарғиб қила бошлаган.

Бобнинг йирик издошларидан бири Мирза Ҳусайн Али Нурий (1817-1892) 1863 йилда Боб башорат этиб кетган Худонинг элчиси унинг ўзи эканини эълон қилади ва Баҳоуллоҳ, яъни «Аллоҳнинг жилоси» номини олади. Ушбу йўналишнинг номи ҳам Баҳоуллоҳнинг номидан олинган.

Баҳоуллоҳнинг «Китоби Акдае» ва «Китоби Иқон» асарлари баҳойлик таълимотининг асосларини ташкил этади. Йўналиш асосчиси ўзига «Аллоҳнинг жилоси» номини қабул қилган бўлса-да, баҳойлар ақидасига кўра, баҳойлик мустақил дин, у бирор бир диндан ажралиб чиққан секта ҳам, мазҳаб ҳам эмас, деб ҳисобланади.

Баҳойлик Ҳиндистон, Уганда, Кения, Эрон, Миср, АҚШ, Канада каби қатор мамлакатларда тарқалган.

Ҳозирги вақтда дунёда баҳойларнинг 9 та ибодат уйи, 200 га яқин миллий ҳамда бир қанча маҳаллий диний мажлислар мавжуд. Баҳойларнинг умумий миқдори тахминан 6 миллион кишини ташкил этади.

**Баҳойлик таълимотига кўра:**

- барча динлар бир илдиждан пайдо бўлган ва пайғам-барлар биродар ҳисобланади;

- Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад пайғам-барлардан ташқари Будда, Зардушт, Кришна, Боб ва Баҳоуллоҳ ҳам пайғамбар ҳисобланади. Баҳойликда улар энг буюк 9 та пайғамбар сифатида эътироф этилади;

- Худо ҳар минг йилда ер юзига янги пайғамбар туширади;

- жаннат ва дўзах, охират, шайтон ва фаришталар инкор қилинади;

- ҳозирги барча динлар бир бирларини инкор қилади, шунинг учун ҳам, уларни бирлаштириш ва инсонлар орасидаги турли фарқларни йўқотиш лозим. Баҳойлар даъвосига кўра, бундай бирлаштирувчилик вазифасини баҳойлик бажариши лозим.

- Ватан, миллат деган тушунчалар маънисиз ҳисобланади. Зеро, уларнинг фикрича, Ер юзининг ҳамма жойи Ватан ҳисобланади.

Баҳойликда руҳонийлар йўқ. Маҳаллий жамоаларни йилда бир маротаба (21 апрель) яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган 9 кишидан иборат Маҳаллий диний мажлис бошқаради. Баҳойлар йирик жамоаси мавжуд бўлган ҳар бир давлатда Миллий диний мажлис сайланади. Ўз навбатида Миллий диний мажлис вакиллари 9 кишидан иборат бўлган Умумжаҳон Адолат Уйи аъзоларини сайлайдилар. Ҳар беш йилда сайланадиган Умумжаҳон Адолат Уйи умумжаҳон баҳойлар жамиятининг фаолиятини бошқариб боради.

Баҳойликда ҳар бири 19 кунлик 19 ойдан иборат бўлган диний тақвим қабул қилинган. Ҳар 19 кунда жамоанинг барча аъзолари ибодат қилиш, жамоа билан боғлиқ бўлган ишларни муҳокама қилиш, ўзаро биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун йиғиладилар.

Кунига уч марта Исроилнинг Акка шаҳрига қараб ибодат қилинади. Умумий ибодат дуо ўқиш, медитация ҳамда баҳойликнинг асосий китоблари ва жаҳон динлари муқаддас китобларидан матнлар ўқиш орқали амалга оширилади. Ҳар йили 2 мартдан 20 мартгача баҳойлар кун чиқардан кун ботгунга қадар овқат ва сувдан ўзларидан тийиб, рўза тутадилар.

Баҳойларнинг муқаддас ибодатхонаси Акка шаҳрида жойлашган. Хайфа шаҳри муқаддас шаҳар ҳисобланиб, дунё баҳойларининг зиёратгоҳи ҳисобланади. Бу ерда Боб ибодатхонаси, 1957 йилда баҳойликнинг раҳбарлик органи сифатида ташкил этилган Умумжаҳон Адолат Уйининг қароргоҳи жойлашган.

Ўзбекистон худудида баҳойларнинг илк вакиллари савдо-сотик билан шуғулланувчи тижоратчилар - XIX аср охирида Самарқанд шаҳрида пайдо бўлган.

2012 йилнинг 1 августига қадар республикамизда баҳой жамоаларининг 6 та диний ташкилоти рўйхатга олинган.

*Нима учун христиан конфессиялари «Иегово шоҳидлари» таълимотининг христианликка ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб ҳисоблайдилар?*

«Иегово шоҳидлари» йўналишига Чарльз Тејз Рассел (1852-1916) томонидан асос солинган. Йўналишнинг диний таълимоти унинг етти томлик «Муқаддас Ёзувни ўрганиш» китобига асосланади.

Ч.Рассел вафотидан кейин ташкилотга раҳбарлик қилган Иосиф (Джозеф) Франклин Рузерфорд иегово-

чиликка «армагеддон» (яъни, гўёки, охирзамонда Исо бошчилигидаги неговочилар ва Шайтон бошчилигидаги жинлар кўшини ўртасида бўлиб ўтадиган жанг) тушунчасини киритди ва ҳар йили неговочиларнинг халқаро конференцияларини ўтказишни, 50 га яқин китоб муаллифи сифатида тарғибот ишларида радио ва граммпластинкалардан фойдаланишни йўлга қўйди.

«Иегово шоҳидлари» Учлик ҳақидаги ақидани рад этадилар, лекин бошқа йўналишлар каби унинг барча кўринишларини изоҳлашади. Улар Худонинг ўз шахсий исми бор, бу исм «Иегово»дир ва у барча нарсаларнинг асоси ва яратувчиси, деб ҳисоблайдилар.

Иеговочилар Исо Худонинг Ўғли бўлганига ишон-ишсада, унинг Худо бўлганини инкор қиладилар. Уларнинг таълимотига кўра, Исо Иегово томонидан яратилган ягона инсондир, қолган барча инсонлар Масих орқали яратилган. Муқаддас Рух – Худонинг кўринмас кучи бўлиб, у дунё яратилишида қатнашган.

Иегово бутун инсоният тарихида 144 минг кишини танлаб олган, улар ўлгандан сўнг тўғридан-тўғри тирилади ва Ҳосмон пөдшоҳлигига ўтиб кетадилар. Ҳозирги кунда ўша танланган 144 минг киши, яъни «кичик пода»дан (имони мустаҳкам ва дин йўлида кўп хизмат қилган) 9 минггаси тирик, деб эътиқод қилинади. Қолган имонлилар, яъни Иегово шоҳидларига қўшилган «қўйлар»га (оддий диндорлар) ер юзида абадий жаннатда яшашлари ваъда қилинади.

«Иегово шоҳидлари» фақатгина Исо Масих ўлимини эслаш кечалари билан боғлиқ байрамни нишонлайдилар. Шу куни жамоа аъзолари қариндош ва танишларини уйларига таклиф қиладилар. Дастурхонда Исонинг тана ва қонининг ифодаси деб билинадиган ҳамиртуришсиз нон ва қизил, қуруқ вино бўлиши шарт.

«Иегово шоҳидлари» диний ташкилоти қатъий марказлашган характерга эга. «Иегово шоҳидлари»нинг

диний-маъмурий маркази - Бошқарув корпорацияси ҳисобланади. У 15 кишидан иборат бўлиб, Бруклинда (АҚШ, Нью-Йорк) жойлашган. Бошқарув корпорациясининг 90 дан ортиқ филиаллари дунёнинг турли мамлакатларида тарғибот ишларини олиб боради. Христианликнинг турли конфессиялари иеговочиларнинг христианлик билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ, деган фикрда яқдилдир.

Ўрта Осиёда «Иегово шоҳидлари» диний ташкилоти-нинг биринчи жамиятлари 1950-йилларда пайдо бўлган ва норасмий равишда фаолият кўрсатиб келган. Бугунги кунда республикамизда «Иегово шоҳидлари»нинг 1 та ташкилоти расман рўйхатга олинган.

## Учинчи суҳбат

### МИССИОНЕРЛИКНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

#### *Миссионерлик деганда нимани тушуниш керак?*

Миссионерлик ҳақида гап кетар экан, аввало ушбу тушунчанинг луғавий ва истилоҳий маъноларини тушуниб олиш муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу сўз лотин тилидаги «missio» феълидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш», миссионер эса «вазифани бажарувчи» деган маъноларни англатади. Миссионерлик эса белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуини билдиради.

Турли луғатлар ва манбаларда миссионерликка кўплаб таърифлар берилган. Уларнинг деярли барчасида миссионерликка хос хусусиятлар тавсифланиши баробарида, бу сўз асосан христиан дини билан боғланади. Жумладан, ҳар йили қайта нашр этиладиган «World Book» («Жаҳон китоби») энциклопедиясида «Миссионер бирор диний гуруҳ томонидан бошқаларни ўз динига тарғиб қилиш ва киритиш учун юборилган инсон», - деган фикр қайд этилган. Москва шаҳрида нашр этилган «Кирилл ва Мефодийнинг катта энциклопедияси»да эса «Миссионерлик бирор диний бирлашма вакиллариининг ўз эътиқодини бошқа дин вакиллари орасида ёйиш ҳаракати», - деган таъриф келтирилган.

Умуман олганда, турли луғатлар ва манбаларда баён этилган таърифлар бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш бўлиб, уларга таянган ҳолда куйидаги хулосани чиқариш мумкин: миссионерлик - бир динга эътиқод

қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилишни англатади.

*Миссионерлик билан бир қаторда прозелитизм ҳақида ҳам гапиришади? Унинг моҳияти нимада?*

Прозелитизм тўғридан-тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга қаратилган ҳаракатларни англатади. У ўз моҳиятига кўра миссионерликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Прозелитизм келтириб чиқараётган салбий оқибатларни айрим ҳаётий мисолларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, бизга қўшни бўлган айрим давлатларда христиан динини қабул қилган кишилар вафот этганда жасадни қабристонга қўйиш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқмоқда. Майитнинг мусулмон ота-оналари ўз фарзандларини христиан мазолига дафн этишни хоҳламаганлари, мусулмонлар эса христиан дини вакили жасадини ўз мусулмон биродарлари ётган жойга қўйишни истамаганликлари натижасида келишмовчиликлар юзага келмоқда.

Шунингдек, христиан динини қабул қилган киши ўз ўғлини хатна қилдиришни хоҳламагани, унинг отаси эса, ўз набирасини мусулмон урф-одатларига кўра хатна қилдиришни истагани туфайли ота-бола ўртасида жанжаллар келиб чиққани ҳам маълум.

Христиан ёки бошқа динни қабул қилган қизнинг турмушга чиқиши ҳам муаммога айланмоқда. Оилада қизнинг ота-онаси мусулмон. Албатта, улар ўз қизларини мусулмон кишига турмушга чиқишини истайдилар. Аммо христиан динидаги қизга мусулмон кишининг уйланиши амри маҳол.

Юқоридаги каби мисолларни яна давом эттириш мумкин. Аммо шуларнинг ўзи ҳам миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари бошқа динни қабул қилган туб миллат вакиллари оилаларида низолар ва

жанжалларнинг авж олишига ҳамда христианликнинг айрим йўналишлари вакилларига нисбатан душманлик ҳиссиётларининг пайдо бўлиши орқали динлараро низоларни келиб чиқишига замин яратиши мумкинлигини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

### *Христиан миссионерлиги қандай зоявий-ақидавий асосларга таянади?*

Маълумки, христианликнинг баъзи йўналишларида «Миссионерлик ҳар бир диндор учун шарт», – деб ҳисобланади. «Инжил»дан топиш мумкин. «Инжил»да Исо Масихнинг ўзига 12 ҳаворийни танлаб олиши ва уларни Исроилнинг қишлоқлари бўйлаб даъват қилиш учун юборгани ҳақида Маркдан ривоят қилинган «Инжил»да келтирилган қуйидаги сўзлар бундай қарашлар учун асос қилиб олинади:

**«... 15. Исо шогирдларига деди: «Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушxabарини тарғиб қилинглр».**

Бундай даъват Маттодан ривоят қилинган «Инжил»да ҳам мавжуд. Унда Исо ҳаворийларга яқинлашиб, шундай дегани қайд қилинади:

**«19. ...барча халқлардан шогирд орттиринглр. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан чўқинтиринглр.**

**20. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсаларга амал қилишни уларга ўргатинглр...».**

Юқоридаги каби чақириқларни «Инжил»дан яна кўплаб топиш мумкин. Аммо миссионерлар ўз фаолиятини ташкил этишда асосан қайд этилган далилларга таянадилар.

Шу ўринда адолат юзасидан бир фикрни алоҳида қайд этиш лозим. Баъзи ҳолларда муайян дин доирасида шаклланган у ёки бу кўрсатмалар, ақидалар конкрет тарихий шарт-шароит билан боғлиқ бўлади ва ўз даври учун тўғри ҳисобланади. Вақт, шароит ўзгариши



билан ўзининг бирламчи аҳамиятини йўқотган бундай кўрсатмалар ўша даврдаги тарихий вазиятни тушуниш ва баҳолашда қимматдорлик касб этади. Миссионерлар ўз фаолияти учун асос сифатида «Инжил»дан келтирадиган юқоридаги сўзлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Зеро, Исо Масих томонидан қилинган бундай даъватлар кўпхудолилик ўрнига яккахудоликни тарғиб қилиш билан боғлиқ эди. Бугунги кунда жаҳон аҳолисининг мутлақ кўпчилиги яккахудоликка асосланган ўз динларига эътиқод қилади. Шундай экан, қайд этилган кўрсатмаларни миссионерлик билан шуғулланиш учун гоёвий асос қилиб олиш тарих ҳақиқатига зид эканини таъкидлаш зарур.

*Миссионерлар бундай фаолиятини Исонинг ўзи бошлаб берган эди, деб таъкидлаш ни хуш кўрадилар. Уларнинг бундай даъволари нечоғлик тўғри?*

Бундай қарашлар қачонлардир содир бўлган тарихий воқеаларни ғараз мақсадларда бузиб талқин қилиш ҳосиласидир. Миссионерлар, одатда ўз қарашларини асослаш учун Луқодан ривоят қилинган «Инжил»да Исо Масихнинг ўз шогирдларини турли қишлоқларга юборгани ҳақидаги қуйидаги сўзларни келтирадилар:

**«6. Шогирдлар жўнадилар. Қишлоқдан-қишлоққа ўтиб бориб, ҳаммаёқда Хушxabарни тарғиб қилар... эдилар».**

Айнан ушбу сатрларни миссионерлар турли жойларга миссионерларни жўнатишни Исонинг ўзи бошлаб берган ва илк миссионерлар ҳаворийлар бўлган эдилар, деб талқин қиладилар. Аммо Исо Масихнинг бу даврдаги фаолияти фақат яхудийларгагина қаратилган эди. Бу инкор этиб бўлмайдиган тарихий ҳақиқат эканини «Инжил»даги қуйидаги сўзларда ҳам кўришимиз мумкин:

**«...5. Исо бу ўн икковини жўнатиб, буйруқ берди: «Мажусийлар йўлига оёқ босманглар ва самарияликларнинг бирон шахрига кирманглар.**

6. Аксинча, адашган кўйларга ўхшаган Исроил халқи олдига боринглар»

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Исо ва унинг шогирдлари томонидан амалга оширилган даъватлар Иерусалим (Куддус) шаҳри чегарасидан чиқмаганини кўзга кўринган христиан тарихчилари ҳам эътироф этадилар. Аммо замонавий миссионерлар, уларнинг мақсадларига хизмат қилмагани учун, бундай фикрларни билиб билмасликка олинга, тарихий ҳақиқатдан кўз юмишга ҳаракат қиладилар.

**Миссионерлар христианликнинг Исроил худудидан ташқарига еилишини ҳам ilk миссионерлар фаолияти билан боғлашади.**

**Шу тўғрими?**

Нотўғри. Тарихчилар миссияларнинг Куддус шаҳри чегарасидан чиқишини 37-йилда христианларнинг қувғин қилиниши билан боғлайдилар. Қувғинга учраган христианлар ҳозирги Исроил худудининг шимолида жойлашган қадимги Иудея ва Самария вилоятлари бўйлаб тарқаб, ҳамма жойда ўз динларини тарғиб қилад бошлаганлар. Бу воқеа «Инжил» таркибига кирувчи «Хаворийлар» китобида қуйидагича ақс этган:

**«1. Шу орада тарқалиб кетганлар Инжил Хушхабарини тарғиб қилиб юришди»**

Ҳатто Куддус черковининг асосан хўжалик ишлари билан шуғулланадиган, энг қўйи диакон (юн. διάκονος-хизматчи) лавозимини эгаллаган ходимлари ҳам ўзларининг маъмурий ишларидан ажралиб, мохир «хушхабарчи»ларга айландилар. Улардан энг машхури «Миссионерларнинг отаси» номини олган диакон Филиппдир. Айнан у Самария ўлкасида фаолият юритган, унинг пойтахти Себаста шаҳрида жуда кўплаб кишиларни христианликка киритиб, оммавий чўқинтирган.

Шундай бўлсада, диакон Филипп ва унга ўхшаган кўпгина хушхабарчилар, Исо Масих таълимоти

яхудийларгагина тааллуқли деган ёндашувдан келиб чиқиб, фақат яхудийлар орасида тарғибот ишларини олиб борганлар.

Бироқ кейинроқ илк христиан миссионерлари аста-секин Ўрта денгиз бўйлаб Аппенин ярим оролига ҳам кириб борадилар. Рим империясида уларга салбий муносабат билдирилсада, улар империянинг марказий худудлари ва пойтахтига кўчиб келишда давом этаверганлар.

IV асрга келиб миссионерлар хатти-ҳаракатлари натижасида христиан дини Рим империясида давлат динига айланди. Христиан миссионерлари аста-секин Европанинг шимолий худудларига кириб бордилар ва христианлик Рим империясининг улкан худуди бўйлаб эски динлар устидан ғалаба қозонди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юқоридаги каби қарашлар турли тушунчалар мазмунини атайлаб чалкаштириб, тарихий воқеликни бузиб талқин қилиш натижасидир. Чунки христианлик энди пайдо бўлган бир шароитда фаолият олиб борган «даъватчилар» билан (гарчанд уларга нисбатан ҳам «миссионер» сўзини қўллаш кенг тарқалган бўлса-да) бугунги «миссионерлар» орасида кескин фарқ борлигини ва уларни асло бир қаторга қўйиб бўлмаслигини унутмаслик лозим. Зеро, ўз даврида христианликнинг фаол тарафдорлари томонидан «даъватчилик» ишларининг олиб борилиши, ўз таълимотларини тарқатишга ҳаракат қилишлари табиий бир ҳол эди. Бугун дунёнинг диний манзараси ўзининг аниқ шаклу шамоилига, турли халқлар асрлар давомида шаклланган диний-миллий қадриятларига эга бўлган бир даврда илк «даъватчилик»дан фарқли равишда миссионерлик миллат, жамиятни диний асосда бўлиб юборишга қаратилган бузғунчиликнинг бир кўринишига айланиб қолганини алоҳида таъкидлаш зарур. Миссионерларнинг аҳолисининг

90 фоиздан ортигини мусулмонлар ташкил қиладиган Ўзбекистонда фаолият олиб боришга интилаётгани ҳам бундай бузғунчиликка ёрқин мисол бўла олади.

*Дастлабки миссионерларнинг фаолияти ҳақида  
нима дейиш мумкин?*

Миссионерлар кўпинча Рим кўшинлари билан бирга саёҳат қилиб, босиб олинган худудлар халқлари орасида миссионерлик ишларини олиб борганлар. Европа қитъасида христианликнинг тарқалишига катта ҳисса қўшган энг машхур миссионерлар қаторига 400-йилларда Ирландияда христианликни тарғиб қилиб, ушбу диннинг оролда тарқалишига улкан ҳисса қўшган, авлиё мақомида эътироф этиладиган Патрикни, шунингдек, Бонифаце, Сан Хосе ва Жан де-Бребеф каби руҳонийларни киритиш мумкин.

Миссионерлар фаолияти натижасида христианлик 400-500-йилларда Африкада мустаҳкам ўрнашиб олди ва ўз даври учун анча қудратли бўлган масиҳий қиролликлар пайдо бўлди. Улардан энг машхури Ҳабашистон империяси эди. Ушбу қироллик катта худудларни, ҳатто Арабистон ярим оролининг жанубини босиб олган ва арабларни масиҳийликка ўтказиш учун ўша пайтларда ҳам муқаддас ҳисобланган Макка шаҳрини вайрон қилмоқчи бўлган.

Папа Буюк Грегорий VII асрда Августин бошчилигида Британияга миссионерларни жўнатади. Шу тариқа миссионерлик кенг жуғрофий кўлам касб этиб борди.

*«Салб юришлари» номини олган урушлардан ҳам  
асосан миссионерлик мақсадлари кўзланган  
дейишади. Шу тўғрими?*

Дарҳақиқат, XI-XIV асрларда Рим Папаси бошчилигида «Муқаддас Ер», яъни Қуддус шаҳрини озод қилиш баҳонасида амалга оширилган, аслида

босқинчилик билан бойлик орттиришга қаратилган урушлар, яъни «Салб юришлари»дан ҳам асосан миссионерлик мақсадлари кўзланган эди. Тарихдан шу нарса маълумки, салбчилар Куддусни эгаллаб олгач шаҳардаги масжидларга ўт кўядилар, насронийликни қабул қилишни истамаган кўплаб кишилар қиличдан ўтказилади. «Муқаддас Ерни» озод қилиш шиори остида руҳонийлар бутун Европа христианларини оёққа турғиза олганлар ва ҳар бир христиан бу юришларда қатнашишни ўзига шараф деб билган.

Бундан ташқари Буюк географик кашфиётлар даврида Рим черкови янги халқларни инжиллаштириш учун бир қатор миссионер гуруҳларни янги қитъага йўллади ва христианлик Америка бўйлаб тарқала бошлади. Бунда асосан католик миссионерлари ҳиндулар ва эскимослар орасидаги фаолиятлари билан ажралиб турдилар.

XV-XVI асрларда Испания ва Португалия мустамлака империялари ташкил топгач, миссионерлик католик черкови доирасида ўз фаолиятини кучайтириб, янги ерларни забт этишнинг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилди. Католикларнинг турли йўналишларига мансуб миссионерларнинг ошқора ёки махфий равишда Америка, Африка халқларини забт этишда қатнашганлари бунга далил бўла олади.

XIII-XVI асрларда христиан миссионерлиги Ҳиндистон, Хитой ва Японияга ҳам кириб борди. Японияда миссионерлик шу даражада ривожланиб кетдики, XIX аср ўрталарида япон императори барча миссионерларни айғоқчи сифатида кунчиқар мамлакатдан ҳайдаб юборди. Мазкур мисол ва Африканинг бир қатор қабилалар тилида «миссионер» сўзининг «қотил» сўзининг синоними сифатида ишлатилиши ҳам миссионерликнинг раҳм-шафқатга асосланиши ҳақидаги фикрларнинг чўпчак эканини кўрсатади.

*Бугунги кунда машхур диншунос олимлар сифатида эътироф этиладиган айрим кишилар ҳам аслида илк христиан миссионерлари бўлган дейишади. Бу ҳақда нима дейиш мумкин?*

Бундай ёндашув «машхур диншунос олим» сифатида эътироф этиладиган айрим кишиларнинг аслида ким бўлганини, уларнинг қандай шароитда «дунё таниган диншунос мутахассисга» айланганини билмаслик, уларнинг фаолиятини бир ёқлама баҳолашнинг натижасидир. Масалан, Уильям Джонс (1746-1794) санскрит тилини биринчи бўлиб ўргангани, Франц Боппом (1791-1867) эса санскрит тили луғатини тузгани тарихий ҳақиқат.

Таниқли диншунос сифатида эътироф этиладиган Жозеф Лафито (1681-1746) – Шимолий Америкада, Шарль де Бросс (1709-1777) – Ғарбий Африкада инсон қадами етиши қийин бўлган жойларгача бориб, ибтидоий ҳаёт кечирадиган халқларнинг тили, дини, урф-одатлари тўғрисида ноёб маълумотларни жамлаганлари ҳам рост. Маттео Рикки (1552-1610) эса Хитойда айнан шундай фаолият билан шуғулланган эди. Улар ўз фаолиятларининг ҳосиласи сифатида иш олиб борган минтақаларидаги диний қарашлар ҳақида асарлар ҳам ёзиб қолдирганлар. Ж. Лафитонинг «Ёввойи америкаликлар урф-одатларининг ибтидоий давр урф-одатлари билан қиёси» (1723), Ш. де Бросснинг «Фетиш худодлар ҳақидаги трактат» (1760) номли асарлари фикримизнинг исботи бўла олади.

Аmmo улар бу ишларни қандай мақсадларни кўзлаб амалга оширган эдилар? Нима учун босиб олинган Осиё, Африка ва Америка мамлакатлари худудларини географик ва этнографик тадқиқ қилиш, маҳаллий халқлар учун ёзувлар, луғат ва дарсликларни яратиш билан шуғулланган эдилар? Уларнинг миссионерлик

фаолияти самарали бўлганининг сабаблари нимада? Улар таҳлил қилган диний қарашлар, урф-одат ва маросимлар бутунлай йўқ бўлиб кетганини қандай изоҳлаш мумкин? Агар ана шу саволларга тўғри ва холис жавоб берадига бўлсак, ёзиб қолдирилган асарларнинг бугунги кундаги қимматидан қатъи назар, уларни диншунос, ўлкашунос деб эмас, балки миссионерлар сифатида эътироф этиш керак бўлади.

***Христианлик доирасида кенг тармоқ отган миссионерликнинг ташкилий асослари ҳақида нима дейиш мумкин?***

Миссионерлик ривожланиб боргани сари тегишли ~~гоявий назарий ва ташкилий асослар ҳам яратиб берилган.~~ Хусусан, 1662 йилда Папа Григорий XV католик миссионерларига раҳбарлик қилиш учун Диний тарғибот конгрегациясини (1968 йилдан Халқларни «Инжил»га эътиқод қилдириш конгрегацияси) таъсис этгани фикримизнинг исботи бўла олади. Рим Папаси Пий XII 1957 йилда миссионерликка даъват руҳи билан суғорилган «Фидеи Донум» (итальянча- «Эътиқод инъоми»), Иоанн XXIII 1959 йилда «Принцепс посторум» (итальянча- «Йўлбошчилар учун низом»), Павел VI 1967 йилда «Популорум прогрессио» (итальянча - «Халқларнинг ривожланиши») номли номаларни эълон қилгани ҳамда II Ватикан соборида (1962-65) миссионерлик масалаларига бағишлаб махсус декрет ишлаб чиқилгани ҳам бу йўлдаги ишлар тадрижий ташкил этилганини кўрсатади.

XX асрга келиб, ўз ҳолича миссионерлик билан шуғулланган ташкилотларни бирлаштириш йўлида ҳаракатлар бошлаб юборилди ва илк халқаро протестант миссионерлик тузилмалари шакллантирилди. Биринчи бутунжаҳон протестант миссионерлари конференцияси

1910 йилда Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида бўлиб ўтди. Кейинроқ эса «Халқаро миссиялар кенгаши» тузилди. Бу кенгаш «Бутунжаҳон черковлари кенгаши»га аъзо бўлиб, протестант миссионерлигининг фаолиятини йўналтириб турувчи асосий ташкилот ҳисобланади.

Миссионерлик муассасалари йирик капитал ва ерларни тасарруфларига олиб, ўз мамлакатлари сиёсатини ўтказишда фаол иштирок этдилар. Маърифат тарқатиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини монополлаштириб олиб, шу йўл билан христианлик тарғиботини кучайтирдилар.

Ҳозирги кунда миссионерлар ўз ташкилий асосларини яратишда асосан нашриётлар, хайрия ва нодавлат нотижорат ташкилотлари мақомидан фойдаланмоқдалар. Бундан ташқари баъзи ташкилотлар тиббий уюшмалар ниқоби остида фаолият олиб бормоқдалар.

Ўрганиш «Акселс» («Accels») халқаро ташкилоти АҚШ Конгресси томонидан молиялаштирилган дастурга биноан МДХ мамлакатларидан АҚШга юборилган талаба ва ўқувчиларни диндор америкаликларнинг оилаларига жойлаштириш ва шу йўл билан бир йил давомида уларни прозелитларга айлантиришдек мақсадларни кўзлаб фаолият олиб борганини кўрсатади. Мазкур мисол миссионерлик билан шуғулланадиган ташкилотлар эътиқодий ўзгартишлар объекти қилиб танланган давлатларга ўз ҳукуматлари қўллаб-қувватлашига таяниб, кириб боришга ҳаракат қилаётганликларини ҳам кўрсатади.

*Миссионерликни фақат христианликка хос, деб билиш тўғрими?*

Адолат юзасидан ҳам, ҳақиқатни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам, миссионерликни фақат христиан дини



билан боғлаш тўғри бўлмайди. Миссионерлик ўзига хос ва узоқ тарихга эга. Жумладан, бундай ҳаракат дастлаб буддавийлик доирасида милоддан аввалги III асрдан бошлаб ёйилган.

Бугунги кунда эса миссионерлик фаолияти билан фаол шуғулланишга ҳаракат қилаётганлар орасида баҳойлар, кришначилар билан бир қаторда «Куёшга топинувчилар» («Солнцепоклонники») каби янги пайдо бўлган секталар борлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Шундай бўдса-да, бир ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. «World Book» энциклопедиясида келтирилган маълумотларга кўра, дунёдаги умумий миссионерларнинг 2/3 қисмини христиан миссионерлари ташкил этади. Хуеусан, протестантлик замонавий миссионерликнинг асосий ҳомийси бўлиб турганини алоҳида қайд этиш лозим.

---

## *Тўртинчи суҳбат*

### **ЗАМОНАВИЙ МИССИОНЕРЛИК УЮШМАЛАРИ**

#### *Замонавий миссионерликнинг қандай умумий хусусиятларини ажратилиши мумкин?*

Миссионерлик бугун сертармоқ соҳа ҳисобланади. Ҳозирда миссионерлар кириб бормаган жабҳа, улар фаолият юритмаётган мамлакат дунёда топилиши қийин.

Конкрет мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга ҳаракат қилиш замонавий миссионерликнинг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Шунингдек, эркин тарғибот олиб бориш ва фаолият доирасини кескин кенгайтириш мақсадида кўпгина миссионерлик ташкилотлари, юқорида айтилганидек, ўз ҳаракатларини халқаро нодавлат ташкилотлари мақомида амалга оширишга интилаётганини ҳам қайд этиш лозим. Бундай интилиш ортида ўзига хос мантқиқ бор, албатта. Таҷриба бундай мақом миссионерлик фаолияти ҳақли эътирозларни келтириб чиқарганда уларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини рўқач қилишига ва унинг ҳимоя механизмларидан фойдаланишга уринишларига, ўз ҳаракатларини хас-пўшлашга ва жавобгарликдан қочишга интилишларига замин яратишини кўрсатади.

Юқоридаги хусусиятлар билан бир қаторда, замонавий миссионерликни белгиланган мақсадларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга миссионерликни ўзига хос бизнесга, шахсий бойиш манбаига айлантирган ташкилотларни киритиш мумкин. Бундай ташкилотлар асосчилари эътиқод қилувчилар сонини кўпайтиришдан уларнинг мулки ва бойлигига эгалик қилиш ҳисобига

ўзларининг молиявий имкониятларини яхшилаш ва кенгайтиришдек мақсадларни кўзлайдилар. Замонавий секталарнинг мутлақ кўпчилигини шу гуруҳга киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга миссионерликдан сиёсий куrol сифатида фойдаланаётган ташкилот ва уюшмаларни киритиш мумкин. Бундай гуруҳлар ортида муайян худудларга нисбатан ўзининг аниқ геосиёсий режаларига эга бўлган давлатлар ва сиёсий кучлар туриши бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

### *Халқаро христиан миссияларининг фаолияти ҳақида нима дейиш мумкин?*

«Миссионерлик» тушунчаси билан бир қаторда «диний миссия» сузи ҳам кўп ишлатилишини таъкидлаш зарур. Ушбу тушунча черков талқинида – элчилик топшириқларини бажариш, христианликни бошқа диний эътиқоддаги кишилар орасида тарқатиш ҳамда миссионерлар қароргоҳи худудида жойлашган черков, миссионер-монахлар ётоқхонаси, мактаб-интернат ёки уларнинг барчасининг мажмуини англатади.

Бугунги кунда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида миссионерликнинг муҳим таркибий қисми сифатида кўплаб халқаро христиан миссиялари фаолият олиб бормоқда.

Дастлабки халқаро христиан миссиялари, юқорида кайд этилганидек, 1910 йилда Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида пайдо бўлган эди. Бугунги кунда юзлаб шундай мақомга эга миссиялар фаолият кўрсатмоқда. Уларни янада ривожлантириш, етарли моддий, маънавий ва инсон ресурслари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Одатда, халқаро миссияни ташкиллаштиришда маълум бир конфессиянинг барча шахобчалари қатнашади. Масалан, ташкилотнинг нашриёти уни тегишли адабиётлар билан таъминласа, тадқиқот маркази муайян мамлакат аҳолиси, унинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, заиф

томонлари ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва диний адабиётларни маҳаллий тилларга таржима қилиш билан шуғулланади. Миссияни моддий-молиявий таъминлашда ишлаб чиқариш тузулмаларининг, миссионер кадрлар тайёрлаш ва кўнгилли ҳомийларни топишда миссионерлик базаларининг аҳамияти беқиёсдир. Мана шундай куч ва тайёргарлик билан халқаро миссия исталган мамлакатда тегишли тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Замонавий халқаро миссиялар бугунги кунда ўз фаолиятини:

- янги халқаро миссиянинг мақсад ва вазифаларини эълон қилиб, кенг кўламдаги тушунтириш ишларини олиб бориш;

- халқаро миссия таркибида маълум мамлакатга юбориладиган кўнгилли номзодларни аниқлаш;

- кўнгилли номзодлар орасидан бўлажак халқаро миссионерларни танлаб олиш;

- танлаб олинган бўлажак миссионерларни махсус мактабларда ўзлари юбориладиган мамлакат аҳолиси, уларнинг тили, урф-одатлари, фаолият олиб боришнинг самарали воситалари ва усуллари бўйича махсус тайёргарликдан ўтказиш;

- тайёр бўлган миссионерни тегишли молиявий манбалар ва махсус режалар билан таъминлаган ҳолда белгиланган мамлакатга жўнатишдек беш босқичда амалга ошираётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Қайд этилган хусусиятлар ҳам замонавий халқаро миссиялар ўз фаолиятини тизимли ва тадрижий ташкил этаётгани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

*Миссионерлик тизимида протестантликка мансуб ташкилотлар кўплигининг сабаблари нимада?*

Протестантликда миссионерлик дин арконларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бундай фаоли-

ят билан шуғулланиш ҳар бир протестант учун фарз ҳисобланади. Бу ҳозирда дунёдаги халқаро миссионерларнинг кўпчилигини протестант миссионерлари ташкил этишига ўзига хос ғоявий-ақидавий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Протестантлар орасида биринчи бўлиб миссионерлик билан 1772 йилда Германиянинг Гернгут шаҳарчасида пайдо бўлган жамоа шуғулланган эди. Унга раҳбарлик қилган Н.Л.Цинцендорф Голландия, Англия ва Шимолий Америкада узоқ йиллар миссионерлик фаолиятини олиб бориши натижасида катта жамоа тузишга эришди.

XVIII-XIX асрларда протестант миссионерлигининг юқори чўққига чиқиши Англиянинг колониал сиёсати ва XVII-XVIII асрларда Европада кўплаб янги йўналишларнинг пайдо бўлиши ҳамда улар сонининг тез ортиб бориши билан боғлиқ бўлди. Бундай йўналишларнинг юзага келиши католик черковидан норозилик ва янгиликка интилишининг ҳосиласи эди. Натижада, 1795 йилда конгрегационистлар, пресвитерианлар ва англиканлар каби протестантлик йўналишлари Лондонда ўзларининг миссионерлик жамиятларига асос солдилар. XIX аср ўрталарига келиб протестант миссионерлик ташкилотлари Бельгия, Германия, Дания, Нидерландия, Норвегия, Финляндия, Франция, Швейцария, Швеция ва бошқа Европа давлатларида фаол иш олиб бордилар.

Шу даврда Шимолий Америкада ҳам ўнлаб протестант миссионер жамоалари фаолият юрита бошлади. Фаол миссионерлик билан ўша даврда кенг тарқалган «Библия» жамиятлари ва христиан адабиётини тарқатишга ихтисослашган ташкилотлар шуғулландилар.

Шунингдек, миссионерлик фаолияти билан христианлик доирасида юзага келган, издошлари сони озчиликни ташкил қиладиган квакерлар, меннонитлар каби янги конфессиялар ҳам шуғуллана бошлаганини қайд этиш зарур.

Умуман олганда, бугун католиклик ва протестантликда миссионерлик билан шуғулланиш ҳар бир масиҳийнинг бурчи даражасига кўтарилган

*«Еттинчи кун адвентистлари» ўз миссионерлик фаолиятида нималарга алоҳида эътибор беради?*

Адвентистларнинг дунё бўйича 46000 дан ортиқ черкови фаолият кўрсатмоқда. Миссионерликни амалга оширишда «Еттинчи кун адвентистлари» анъанавий усуллар билан бир қаторда радио, телевидение, интернет каби замонавий усуллардан ҳам фаол фойдаланмоқдалар. Аммо ушбу ташкилот ўз миссионерлик фаолиятида асосан тиббий миссияларга катта аҳамият қаратишини алоҳида қайд этиш лозим. Бугун адвентистларнинг дунё бўйлаб 460 та клиникалари фаолият олиб бормоқда. Бу билан улар Исо Масиҳ томонидан амалга оширилган табиблик ишини давом эттириётганларини даъво қиладилар.

Бундай фаолиятни тизимли ташкил этиш мақсадида «Еттинчи кун адвентистлари» томонидан 1956 йилда АДРА (ADRA - Adventist Development and Relief Agency – Адвентистларнинг беғараз ёрдам ва тараққиёт агентлиги) номли ташкилот ҳам тузилган. Агентлик ўзининг 125 минтақавий бўлимлари орқали дунёнинг турли нуқталарида бепул тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Ушбу агентликнинг МДХ бўйича минтақавий маркази 1992 йили Москва шаҳрида очилган бўлса, 1998 йилдан Қозоғистонда унинг ваколатхонаси иш олиб бормоқда.

Агентлик томонидан 2006 йилда Тожикистонда бепул тикиш-бичиш курслари очилиб, 2008 йилнинг октябрида курс битирувчилари ва бошқа уй бекаларига бепул тикув машиналари тарқатилган. 2008 йилда ушбу агентлик Қирғизистонга вирусли гепатитга қарши 9,6 миллион АҚШ доллари қийматига тенг вакциналар ет-

казиб берган. Жанубий Осетияда ҳам мазкур агентлик бир неча хайрия тадбирларини амалга оширган.

### *Кришначиларнинг миссионерлик фаолияти ҳақида нима дейиш мумкин?*

Кришначилар томонидан миссионерлик фаолияти ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган. Улар томонидан амалга ошириладиган тарғиботчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари қаторида кўчаларда ибодат кийимларида юриб кўшиқлар айтиш ва адабиётларини тарқатиш, «Ҳаёт учун озуқа» деб номланадиган, бепул озиқ-овқат тарқатиш акцияларини ўтказилишини кўрсатиш мумкин. Бундай ҳаракатларнинг асосий объектлари сифатида одатда талабалар, мактаб ўқувчилари, қариялар ва меҳрибонлик уйларида истиқомат қилувчилар танлаб олинади.

Кришначилар ўз даврида юртимизда ҳам миссионерлик фаолиятини олиб боришга интиланларини таъкидлаш зарур. Жумладан, 1990-йилларнинг ўрталарида Тошкент шаҳрида жойлашган «Кришнани англаш жамияти» вакиллари шаҳарнинг турли бурчакларида ибодат кийимларида юриб, ўзларининг диний адабиётларини тарқатиш, асосан қариялар уйлари, шифохона каби муассасаларда миссионерлик фаолиятини олиб бориш билан шуғулланганлар. Улар билан олиб борилган тадбирлар натижасида кришначиларнинг бу турдаги фаолиятига барҳам берилган. Бугунги кунда улар республикамизнинг айрим ҳудудларида яширин равишда фаолият олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

### *Баҳойлар миссионерлигининг ўзига хос хусусиятлари нимада?*

Тажриба баҳойлар ҳам ёшлар ўртасида ўз ғояларини ёйишга алоҳида эътибор бераётганликларини

кўрсатади. Хусусан, улар ўз таълимотлари тақдими кунларини ўтказиш ва уйма-уй юриб бундай тақдимотларга чорловчи таклифномалар тарқатиш амалиётини йўлга қўйганликларини таъкидлаш зарур.

Мамлакатимизда баҳойлар томонидан чет тилларини ўрганиш бўйича курслар ташкил этиш орқали ёшлар орасида ўз қарашларини тарқатишга ҳаракат қилганлари кузатилган. Бундай фаолиятни асосан чет эл фуқаролари амалга оширганлар. Олиб борилган мақсадли ишлар натижасида бундай ҳаракатларнинг олди олинган.

Баҳойларнинг миссионерлик фаолияти ҳақида гап кетар экан, улар ўз суҳбатларида «Аллоҳ», «Алҳамдулиллаҳ», «Бисмиллоҳир-рахмонир-роҳим» каби исломий тушунчаларни тез-тез ишлатишларини, ислом динида тан олинган Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад пайғамбарлар уларнинг таълимотида тан олинishi ҳамда «Қуръон» улар учун ҳам муқаддас манба ҳисобланишини бот-бот тақрорлашларини алоҳида қайд этиш лозим. Бундай услуб бир томондан, мусулмонларнинг хушёрлигини йўқотиш орқали эътиқодий таъсир ўтказишга қаратилганини, иккинчи томондан, диний билимлари саёз инсонлар орасида тарғибот олиб боришни анчагина енгиллаштиришини таъкидлаш зарур.

### *Миссионерлик фаолиятида яна қандай ташкилотлар иштирок этмоқда?*

Миссионерлик ривожига Жанубий баптист черковининг Халқаро миссионерлик бўлими, ушбу черковнинг АКШнинг Ричмонд шаҳрида жойлашган илмий маркази, «Ибодат Ҳаракати-2000», «Жаҳон Ибодат Маркази» ва «Халқаро Ҳаворийлар Коалицияси» каби ташкилотлар ҳам ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда.

Замонавий миссионерликда муайян молиявий имкониятларга эга ва ўзи мансуб бўлган конфессия таълимотини дунё бўйлаб ёйишга ҳисса қўишнинг муқаддас бурчи, деб биладиган алоҳида диндорлар томонидан таш-



кил этиладиган «хусусий миссия»лар пайдо бўлганини ҳам қайд этиш лозим. Одатда бундай фаол диндорлар маълум мамлакатга келиб у ерда ўз номларидаги миссия ва параллел равишда хайрия жамғармаси тузиб, миссионерлик билан шуғулланадилар. Ҳозирда МДХ худудида Канада фуқароси Кеннет Коупленд томонидан ташкил этилган «Кеннет Коупленд», АҚШлик аёл Жойс Майер тузган «Жойс Майер» миссиялари фаолият юритаётгани фикримизнинг исботи бўла олади.

Ҳозирги кунда глобал миқёсда фаолият юритаётган миссиялар ичида Патрик Джонстоун томонидан асос солинган «Дунё операцияси» миссияси энг йирик миссия хисобланади. У асосий эътиборни П.Джонстоун томонидан ажратиб кўрсатилган худудлар («10/40 ОЙНА») доирасида миссионерлик фаолиятини амалга оширишга қаратиб келмоқда.

Халқаро миссионер ташкилотлари христианликдан бошқа динлар доирасида ҳам мавжуд. Жумладан, буддавийлик доирасида юзага келган Сока Гаккай, Фогуаншанг ва Вон каби ташкилотларни шу қаторга қўшиш мумкин. Ушбу ташкилотлар ўз миссионерлик фаолиятида асосан адабиётлар тарқатиш ва баъзи ҳолларда хайрия тадбирларини ўтказиш амалиётидан фойдаланади.

### *Диний секталарнинг миссионерлик фаолияти ва унинг оқибатлари нималарда кўринади?*

Диний секталар фаолияти ҳақида гап кетар экан, уларга хос бўлган куйидаги хусусиятларни алоҳида қайд этиш лозим. Айрим секталар муайян конфессия доирасида шаклланиб, асосий эътиборни собиқ эътиқоддошлари орасида тарғибот олиб боришга қаратадилар. Баъзи секталар эса, нафақат собиқ маслакдошлари, балки бошқа конфессияга мансуб инсонлар орасидан ҳам ўз тарафдорларини шакллантиришга ҳаракат қиладилар.

Қайд этилган секталар билан бир қаторда, ҳеч бир конфессияга мансуб бўлмаган, муайян шахс — «устоз», «йўлбошчи» ёки «рахнамо» томонидан асос солинган ва аҳолининг дуч келган ижтимоий ва профессионал қатлами билан иш олиб борадиган секталар ҳам мавжудлигини таъкидлаш зарур.

Афсуски, юқоридаги каби кўринишларда чиқадиган секталар фаолияти натижасида бир қатор салбий ҳолатлар, баъзи ҳолларда фожиавий ҳодисалар келиб чиқаётганини қайд этиш лозим. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида Жим Жонс томонидан асос солинган «Халқ ибодатхонаси» номли ташкилот маҳаллий протестантлар орасидан бир неча минг кишилик жамоа тузишга эришади. Секта асосчисининг турли «қилиқ»лари шаҳар жамоатчилигига маълум бўлиб қолгач, Жонс «чиркинликларга тўла шаҳар»дан кетиб, Гаяна чангалзорларида «Худо Подшоҳлиги»ни қуриш лозимлигини эълон қилади.

1978 йили «Худо Подшоҳлиги»даги ҳолатни ўргангани борган АҚШ Конгресси комиссияси секта издошлари «подшоҳликда» жуда оғир шароитларда яшаётгани, уларга куллардек муносабатда бўлинаётгани, Жонс барча «банда»ларини ўзига ибодат қилишга мажбур қилганига гувоҳ бўлади. Кирдикорлари фош бўлиб қолганини билган секта раҳбари бир куннинг ўзида барча издошларини ўз жонларига қасд қилишга мажбур қилади. Оқибатда Жонсга ишонган 912 киши ҳалок бўлади.

Шунга ўхшаш ҳолат АҚШнинг Техас штатидаги Уэйко шаҳрида Девид Кореш томонидан адвентизм замирида шакллантирилган «Довуд авлоди» номли секта тарафдорлари билан ҳам содир этилади. Ўзини «Халоскор» деб эълон қилган, жамоада ўзининг мутлақ ҳокимиятини ўрнатиб, барчага ўз мулкидек муносабатда бўлган секта раҳбари Уэйко шаҳрида қурилган махсус ранчода издошлари билан роҳибона ҳаёт кечиради.

1993 йилда полиция томонидан уни қўлга олиш бўйича амалга оширилган тадбир давомида, қамалишни истамаган «пайғамбар» ўзи ва барча секта аъзолари жойлашган ранчони портлатиб юборади. Оқибатда 100 га яқин киши, шу жумладан, 25 нафар бола ҳалок бўлади.

Бундай секталар қаторига 1992 йилда Хитойда Лю Хунчжи томонидан тузилган ва 2 миллиондан ортиқ тарафдори бўлган «Фалуңгун» сектасини ҳам киритиш мумкин. Лю Хунчжи фақат ўзинигина заминни ҳалокатдан, кишиларни қийинчиликлардан қутқарувчи, жисмоний ва маънавий етукликка бошловчи, гуноҳлардан фориғ қилишга қодир деб ҳисоблайди. Жаннат фақат унинг тарафдорларигагина насиб қилармиш. Охират билан кўрқитиш марказий ўринни эгаллаган Лю Хунчжи таълимотига эргашиш 1400 дан ортиқ кишининг ҳалок бўлиши, юзлаб одамларнинг руҳий касалликка чалинишига сабаб бўлган.

Буддизм доирасида шаклланган «Аум Синрикё»нинг 1995 йилда Токио метросида тинч аҳолига нисбатан газ ҳужуми уюштириши оқибатида 12 киши ҳалок бўлгани, АҚШда пайдо бўлган «Осмон дарвозаси» сектаси аъзоларидан 60 дан ортиқ киши ўз жонига қасд қилгани, Угандада юзага келган «Худонинг ўнта буйруғини қайта тиклаш ҳаракати» сектаси қурбонлари сони 1000 дан зиёдни ташкил этгани ҳам бундай секталар фаолиятининг мудҳиш оқибатларидан далолат беради.

Бугунги кунда бир қатор мамлакатларда секталар фаолияти натижасида жабр кўрганларга моддий ва маънавий кўмак бериш мақсадида махсус марказларнинг тузилгани, афсуски, юқоридаги каби ҳолатларнинг кўпайиб бораётгани ва хатарли кўлам касб этиб, жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитга ўта салбий таъсир кўрсатаётганининг ўзига хос инъикоси ҳисобланади.

---

## Бешинчи суҳбат

---

### ИНЖИЛЛАШТИРИНДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР

*Бугунги кунда миссионерликдан гаразли геосиёсий  
мақсадларда фойдаланиш ҳам кенг  
тус олган. Шундай эмасми?*

Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишла-  
тиладиган уруш қуроллари узлуксиз такомиллашиб  
борганини кўрсатади. У найзалардан тортиб автоматик  
қурошларгача, замбараклардан тортиб Ер юзининг ҳар  
қандай нуқтасига беҳато етиб борадиган қитъалараро  
баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йўлини  
босиб ўтди. Бу қурошлар босиб олиниши керак бўлган  
ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган  
эди. Бугунги кунда эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун  
уларнинг аҳолисини маҳв этиш шарт эмас. Зеро, онги  
ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул»  
йўналишга ўзгартирилган ерлик аҳоли кўмагида ҳар  
қандай бойлик, табиий ресурсларга эгаллик қилиш мум-  
кин бўлиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ХХ аср йирик дав-  
латлар томонидан ўз таъсир доираларини кенгайтириш  
учун олиб борилган кураш даври бўлди, дейиш мумкин.  
Осиё ва Африка мамлакатлари эса асосий кураш май-  
донига айланди. Бунда нефть ва нефть маҳсулотларига  
бўлган эҳтиёжнинг ортиши натижасида ёқилғининг  
қимматлашиши ва йирик давлатларнинг энергетик захи-  
ралар жойлашган ҳудудларда ўз таъсирларини ўтказишга  
ҳаракат қилиши муҳим роль ўйнади.

Бу муаммо ҳозир ҳам долзарблигича қолиб, йирик  
давлатлар ўзларининг геосиёсий мақсадларга эришиш

йўлида хилма-хил усулларни ишга солмоқдалар. Жумладан, «Мақсад-воситани оқлайди» деган тамойилга амал қилган ҳолда миссионерликдан ҳам фаол фойдаланилаётганини таъкидлаш зарур. Мазкур ҳолат ҳам, миссионерлик бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлиш, жамиятда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришнинг ўта нозик шаклига айлангани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Миссионерларнинг асосий мақсади христианликни тарғиб қилиш йўли билан жамиятда хайрихоҳ бўлган гуруҳларни шакллантириш ва тарафдорлар сонини кўпайтириш орқали муайян мамлакат ва ҳудуд устидан назорат ўрнатишдир. Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади».

*Ўзларининг гараз мақсадларига эришиш йўлида миссионерлар томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқилган, дейишади. Шу тўғрими?*

Дарҳақиқат, миссионерлар ўз мақсадларигага эришиш учун хилма-хил ва турли даврларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиққанлар. Христиан назарийётчиларидан бири Луис Буш христиан миссионерлари алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлган ҳудуд – шимолий кенгликнинг 10 ва 40-паралеллари орасида жойлашган, деб ҳисоблаб, уни «10/40 ОЙНА», деб атаган эди. Ушбу паралеллар ораси эса буддавийлик, конфуцийлик, ҳиндуйлик, ислом, синтоийлик ва даосизм динлари кенг тарқалган ҳудудлар ҳисобланади. Бу ҳудудда Осиёнинг 40 га яқин, Африка қитъасининг 20 дан ортиқ давлати жойлашгани эса миссионерларнинг иштаҳаси нечоғлик катта эканини кўрсатади. Ушбу ҳудудда улкан нефть ва газ захиралари мавжудлиги эса миссионерликдан кўзланаётган гаразли геосиёсий

мақсадларнинг асл моҳиятини теранроқ англашга хизмат қилади.

Классик геосиёсат наздида ҳам 30-40 паралеллар орасида жойлашган ҳудуд асосий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. XIX асрдаёқ таниқли геосиёсатчи А.Мехен Ер шарининг ушбу минтақасида империяларнинг манфаатлари тўқнашадиган «қарама-қаршиликлар ҳудуди»ни ажратиб кўрсатган эди. Замоनावий геосиёсатчилар ҳам ушбу ҳудуд йирик давлатлар учун ҳаётий-амалий ва геостратегик аҳамиятга эга эканини қайд қиладилар.

***Миссионерликда фаолият олиб бориладиган  
ҳудудларга хос хусусиятлар нечоғлик инобатга  
олинади?***

Кўзланган мақсадларга эришишни таъминлаш йўлида миссионерлар учун бир қатор рисолалар ва қўлланмалар ишлаб чиқилган. Масалан, «10/40 ОЙНА» ҳудудига кирувчи мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолисининг диний қарашлари, турмуш тарзи, миссионерлик фаолиятини олиб боришда эътибор берилиши зарур бўлган жиҳатлар ҳақида батафсил маълумотлар шакллантирилган. Шу нуқтаи назардан қараганда, таниқли миссионер Патрик Джонстоуннинг «Дунё операцияси» китоби алоҳида эътиборга молик.

Китобда келтирилган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда дунёдаги 3000 га яқин этник гуруҳлар тўлақонли фаолият юритадиган черковларга эга эмас. П.Джонстоун асосий эътиборни ушбу этник гуруҳларнинг ҳар бирида черковлар ташкил қилишга қаратиш кераклигини таъкидлайди.

«Инжил»ни турли тилларга таржима қилиш билан бир қаторда дунё аҳолиси таркибида христианлар сонининг ўсиши бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борадиган энг йирик «Уиклиф» халқаро христиан миссияси «Хушхабар»ни 600 дан ортиқ тилга таржима қилишда иштирок этган. Миссия маълумотларига кўра, уларнинг

ҳаракатлари натижасида 45 миллион киши «Муқаддас китоб» таржимаси билан танишган.

Ҳозирги кунда ушбу миссия дунё бўйича мавжуд 6913 та тил гуруҳидан 1376 тасида иш олиб бормоқда. Бунда аввало тилнинг лингвистик тадқиқоти амалга оширилади ва бу иш охир-оқибатда «Инжил»ни ўша тилга таржима қилиш билан якунланади. Миссиянинг дунёнинг 60 давлатида фаолият юритаётган 5277 та ва махсус тайёргарликдан ўтаётган 442 та миссионерлари олдида ана шундай вазифа кўйилган.

Христиан оламида миссионерлик бўйича таниқли назариётчиларидан бири Девид Барретт «Бутунжаҳон христиан энциклопедияси»да Шимолий Африка, Ўрта Шарқ ва Осиёнинг Япониягача бўлган баъзи ҳудудларни ажратиб кўрсатади. Барреттнинг фикрича, ушбу минтақада «Инжил»лаштириш керак бўлган 1800 та йирик этник гуруҳлар истиқомат қилади ва улар дунёнинг христиан бўлмаган аҳолисининг 95 фоизини ташкил этади.

Яна бир таниқли миссиолог Кичик Джорж Отис қайд этишича, инжиллаштирилмаган аҳоли яшайдиган ушбу ҳудудлар диний урушнинг асосий майдонига айланмай иложи йўқ. Чунки, унинг фикрича, ушбу ҳудудда йирик давлатлар ўз геосиёсий манфаатларидан келиб чиқиб, баъзан очиқдан-очиқ, айрим ҳолларда зимдан қўллаб-қувватлаётган турли христиан ва нохристиан секталари ўз издошлари сонини кўпайтириш учун кураш олиб бормоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлар ҳам, миссионерликнинг эътиқодий тарғибот объекти сифатида танлаб олинган ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тизимли амалга оширилаётганини кўрсатади.

*Дунё халқларини инжиллаштириш бўйича мавжуд режаларнинг мазмун-моҳияти нимада?*

2002 йилда АҚШда «Бутунжаҳон христианлиги тенденцияси» китоби нашр этилди. Унда 2000 йилга-

ча бўлган кўрсаткичлар ва христианлик 2025 йилгача эришиши лозим бўлган сифатий ҳолат қиёсий таҳлил қилиниб, саккиз асосий мақсад белгиланган. Хусусан, унда ёзилишича:

- Ер юзи аҳолисининг «Инжил» билан таништирилиши 73,1 фоиздан 100 фоизга етказилиши;

- дунё аҳолиси таркибидаги христианларнинг улуши 33 фоиздан 40 фоизга ўсиши;

- христианларнинг 10 фоизини ташкил қилган миссионерларнинг улуши 20 фоизга кўтарилиши;

- христианлар ўз даромадларининг 1,8 фоизини черков ҳисобига ўтказиб келган бўлсалар, бу кўрсаткич 3 фоизга етказилиши;

- ҳар 3000 кишига 1 та миссионер тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич ҳар 1000 кишига 1 та миссионерни ташкил этиши;

- черков мавжуд бўлмаган, аҳолиси 50 000 дан ортиқ 116 та шаҳарнинг барчасида черковлар юзага келиши;

- черковлар тузилмаган 1000 дан ортиқ этник гуруҳнинг ҳар бирида черковлар ташкил этилиши;

- ё умуман таржима қилинмаган, ёки қисман таржима қилинган барча тилларга «Инжил» таржима қилиниши лозим.

Реал воқелик ва миссионерлар томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларни ўрганиш, афсуски, бу режаларда белгиланган мақсадларга аста-секин бўлса-да, эришилаётганини кўрсатади.

*Миссионерларнинг анънавий равишда буддавийлик устувор бўлган ҳудудларда инжиллаштириши бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида нима дейиши мумкин?*

Буддавийлик устувор бўлган мамлакатларга христиан миссияларининг юборилиши узоқ тарихга эга. Манбаларда бу ҳудудларда илк миссиялар XVI-XVII асрларда пайдо бўлгани қайд этилади. Европалик мустамлакачилар ушбу давлатларни босиб олиш учун



куролли қўшинларини жўнатишдан олдин, миссионерлардан иборат «десант»ни йўллашган. Хусусан, протестант миссионери Р.Адлер «Хаворий Павлус даврида ва ҳозирги кунда миссионерлик усуллари» китобида ёзишчи, Хитойда «Кўллаб-қувватлаш жамияти» номли миссионерлик ташкилоти зиёлилар ва мансабдор шахсларни ўзига жалб қилиш орқали муваффақиятларга эришган.

Миссионерлар фаолияти Жанубий Корея, Филиппин, Тайвань каби давлатларда ҳам катта муваффақият келтирган.

Ҳозирги кунда Жанубий Корея аҳолисининг катта қисми, филиппинликларнинг аксарияти христианликка эътиқод қилиши ана шу зафарли юришларнинг натижасидир. Масалан, айрим маълумотларга кўра, Корея худудида илк христиан жамоаларининг пайдо бўлиши ҳақидаги рақамлар 1890 йилга тегишли бўлиб, бу даврда мамлакат худудида 17,6 минг католик яшаган. 1911 йилда ушбу кўрсаткич 76,8 минг кишига етади. Бу даврга келиб ўта фаол миссионерлик билан шуғуллана бошлаган протестант ташкилотлари ҳаракати натижасида эса уларга эргашувчиларнинг сони 116,1 минг кишини ташкил этади. 2001 йилга келиб, 47 миллиондан ортиқ жанубий корейликларнинг 12 миллиони ёки 25 фоиздан ортиғи христианлаштириб бўлингани ҳам бу йўналишда олиб борилган ҳаракатлар кўлами ва уларнинг натижасини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

Тайваннинг ҳар қандай йўл билан Хитойга қўшилиб кетишининг олдини олишга қаратилган сиёсий стратегия доирасида фаолият олиб борган миссионерлар барча восита ва услубларни ишга солган ҳолда орол аҳолисининг деярли 100 фоизга христианлаштиришига эришдилар.

Бугунги кунда ҳам, қайд этилган мамлакатлар миссионерлар фаолиятининг асосий объекти бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, бошқа бир сифатий ҳолат ҳам содир бўлаётганини таъкидлаш зарур. Эндиликда ушбу

худудлар халқаро миссияларнинг субъектига ҳам айланиб улгурди. Узоқ Шарқ, Марказий, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидаги миссионерларнинг аксариятини корейслар ташкил этаётгани ҳам бунга мисол бўла олади.

***Нима учун миссионерлар «10/40 ОЙНА» худудига қизиқишларини диний омил билан асослашга уринишади?***

Дарҳақиқат, шундай. Хусусан, уларнинг фикрича, ушбу худудда «Библия»даги кўплаб воқеалар содир бўлган. Худо илк инсонлар Одам ва Ҳаввони шу худудга туширгани, Исо Масих туғилиб ўсиб, ўз хаворийлари билан фаблият олиб боргани ҳамда илк христиан черкови шу ерда пайдо бўлгани ҳақидаги фикрлар шулар жумласидандир. Бу худуд курукликнинг 1/3 қисмини ташкил қилиши, 4 миллиард аҳоли истиқомат қилиши, инжиллаштириш зарур, деб ҳисобланаётган давлатларнинг асосий қисми шу худудда жойлашгани ҳам бу халқларга «Нажот келтирувчи Хушхабар»ни етказиш зарурлигига «асос» сифатида келтирилади.

Бу гаплар асл мақсадни яшириш учун бир ниқоб, холос. Аслида асосий мақсад ушбу худудлардаги халқларни инжиллаштириш йўли билан уларнинг бирдамлигига путур етказиш, яъни низоларни келтириб чиқариш орқали уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан қарам ва тобе қилишдан иборат.

***Христиан миссионерлигида маҳаллий руҳонийларни тарбиялашга алоҳида эътибор берилишининг сабаби нимада?***

Тажриба оша боргани ва фаолият худуди кеңайгани сари миссионерлар христианликни қабул қилган аҳоли ичидан маҳаллий руҳоний кадрлар тайёрлашга эътибор бера бошлаганлар. 2005 йилда Рим Папасини

сайлаш учун йиғилган Католик черковининг энг юқори даражадаги руҳонийлари – кардиналларининг кенгаши ҳисобланган конклавларда Африкадан 8 кардинал, Осиёдан 7 кардинал иштирок этгани ана шу ҳаракатнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Миссионерлар ўз таъсир доираларини сақлаб қолиш ва муайян ҳудудда «таянч нуқтани» юзага келтириш мақсадида ҳам маҳаллий миллатлар вакилларида руҳонийларни тарбиялашга алоҳида эътибор берадилар. Масалан, маркази АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида жойлашган «Тўлиқ Инжил ҳристианлари»нинг «Благодать» черкови минтақамизда «Лидерлар тайёрлаш маркази»ни ташкил этиш ва «Марказий Осиё аҳолиси онгини ўзгартириш» стратегиясини эълон қилди. Ушбу стратегия доирасида Марказий Осиё халқларининг «Инжил»ни тўлиқ қабул қилишларига эришиш яқин истиқболдаги вазифа қилиб белгиланди.

Бугунги кунда ушбу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун миссионерлар прозелитлар ичидан руҳонийларни тайёрловчи тегишли ўқув марказларини Қирғизистон, Қозоғистон, Россия ва, ҳатто, Хитойда ташкил этиш йўлида ҳаракатлар олиб бормокдалар.

Шу билан бирга, қайд этилган стратегия доирасида прозелитлар ичидан аҳолининг муайян қатламлари, масалан, ёшлар, ногиронлар билан ишлай оладиган, соқовлар учун сурдотаржимонлик қила оладиган руҳонийларни тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилаётганини қайд этиш лозим.

*Диний ташкилотлар сонини оширишга ҳам миссионерлик стратегиясининг энг муҳим таркибий қисми деб қаралади.*

*Шундай эмасми?*

Дарҳақиқат, шундай. Хусусан, «DAWN» («Кун чиқиши») миссионерлик ҳаракати раҳбари

Д.Монтгоммери фикрича: «Черковларни кўпайтириш стратегияси – халқларни масихийликка ўтказишнинг энг тўғри йўлидир». Бундай стратегиянинг ўз мантиқи бор, албатта. Зеро, черковлар миссионерликни амалга оширишда ҳамиша таянч нуқта вазифасини ўтаб келган.

Бунинг исботини Қирғизистон ҳукумати ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг маълумотларидан ҳам кўриш мумкин. Унга кўра, ҳозирги кунда Қирғизистонда 216 протестант диний ташкилоти, шу жумладан, 20 та хорижий конфессияларнинг миссиялари фаолият юритмоқда. 2000-2003 йиллар оралиғида мамлакатга 830 та миссионер келган, уларнинг асосий улуши Жанубий Корея, АҚШ, Германия каби давлатлардан келган даъватчиларга тўғри келади.

Миссионерлар томонидан «Грейс черкови», «Исо Масих черкови», «Янги Ҳаёт», «Сунн Багим» каби черковлар тузилиб, «Еттинчи кун адвентистлари», баптистлар, «Тўлиқ инжил христианлари», «Иегово шоҳидлари» фаолияти янада жонлантирилган.

Қозоғистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича кенгаш маълумотларига кўра, 2005 йилда Қозоғистонда 22 мамлакатдан келган 336 хорижий миссионер фаолият юритган. Уларнинг асосий қисми протестантлардир. Янги диний ташкилотларнинг асосий қисми мусулмонлар орасида христианликни тарғиб қилиш билан шуғулланмоқда.

Қозоғистондаги протестантликда юз бераётган янги ходисалардан бири бу ушбу конфессияларга мансуб турли ташкилотлар орасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланишидир. Хусусан, 1999 йилда диний ташкилотларнинг манфаат ва ҳуқуқларини ҳамоя қилиш мақсадида 200 га яқин диний ташкилотни ўзида бирлаштирган «Қозоғистон диний ташкилотлар ассоциацияси» тузилди. Бугунги кунда ушбу ташкилот Қозоғистондаги барча аъзо черковларнинг манфаатларини ҳамоя қилиб, уларни мамлакатнинг юқори органлари билан алоқасини

таъминлашга хизмат қилмоқда. Бундай ҳаракатлар миссионерлик фаолиятини янада самарали олиб бориш учун хизмат қилишини пайқаш қийин эмас.

### *Миссионерликнинг миллий ҳаётга таҳдиди нималарда кўринади?*

Дин миллий маънавиятнинг таркибий қисми, миллатни бирлаштириб турувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бир тилда гаплашадиган, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо турли динларга ёки диний йўналишларга эътиқод қиладиган миллатлар ҳамон ички миллий бирликни таъминлай олмаётгани, кичкина бир сабаб қайта-қайта низоли вазиятлар ва фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратаётгани ва мамлакатлар уз тараққиётида ушлаб йилларга орқада қолиб кетаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Ливан аҳолисининг 90 фоиздан ортигини араблар ташкил этади. Расмий тил араб тили ҳисобланади. Аммо ливанликларнинг бир қисми исломга (сунний, шиа, друз), қолган қисми христианликка (мароний, православ, католик) эътиқод қилиши натижасида миллий бирликни таъминлаш қийин кечмоқда. Мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида давлат бошқарув идораларининг диний белгилар асосида шакллантирилиши мустаҳкамлаб қўйилгани эса, кўпгина ҳолларда хилма-хил омиллар таъсирида унинг тўлақонли фаолиятига тўсиқ бўлмоқда. Мусулмонлар ва христианлар ўртасида вақти-вақти билан келиб чиқаётган фуқаролар уруши эса бу бирликни таъминлашни янада мушкиллаштираётгани фикримизнинг исботи бўла олади.

Турли миллат ва дин вакиллари истиқомат қилиб келган Югославиянинг Сербия, Словения, Хорватия, Македония, Черногория, Босния ва Герцеговина каби давлатларга парчаланиб кетгани ҳам этноконфессионал зиддиятлар қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигининг ҳаётий-амалий ифодасидир.

Масаланинг ана шу жиҳатига эътибор берилса, миссионерлик ҳаракатлари ортида диний заминда миллатни ичидан бўлиб ташлашга қаратилган ғаразли сиёсий мақсадлар ётганини ва у келтириб чиқарадиган фожиаларни англаб етиш мумкин.

Бу, миссионерлар ўз олдларига қўйган мақсадларга эришадиган бўлсалар улар фаолият олиб бораётган мамлакатда ҳам халқнинг парокандаликка юз тутиши ва маънавий таназзулнинг келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Миссионерларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳеч бир минтақа, ҳеч бир давлат бундай таҳдиддан ҳоли эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса миссионерликнинг моҳиятини тўғри ва чуқурроқ англаш, уни бартараф этиш йўлида мақсадли, тизимли ва тадрижий фаолият олиб бориш зарур бўлади.

***Миссионерлар ўз фаолиятларини амалга оширишда қандай молиявий манбаларга таянадилар?***

Дунёнинг турли ҳудудларида фаолият олиб бориш, ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, миллионлаб ададда газета, журнал ва китоблар нашр этиш, радио ва теледастурларни йўлга қўйиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Хусусан, «Еттинчи кун адвентистлари»нинг ҳар бир аъзоси, ўз ойлик даромадининг ўндан бирини черков ҳисобига ўтказиши шарт ҳисобланади. Уларнинг ақидаларига кўра, Исонинг тезроқ қайтиши барча инсонлар адвентистлар тарғиботини қанча тез эшитишларига боғлиқ.

Бошқа протестант жамоалари ҳам ўз аъзолари даромадларининг маълум қисмини черков ҳисобига ўтказишни талаб қиладилар. Баъзи черковларда бу нарса мажбурий бўлмаса-да, хайр-эҳсон қилиш кенг тарғиб қилинади. Тадрижий ва агрессив тарғибот олиб борилиши натижасида кишилар «ўз хоҳишлари билан» борбўдларини черковга топширадилар.

Мамлакатимиздаги бир қатор черковларда ҳам хайр-эҳсон йиғиш яхши йўлга қўйилган. Черковларга келадиганлар орасида ўзига тўқ одамлар жуда камчиликни ташкил қилса-да, ҳар бир иштирокчи камида 3000-4000 сўмдан хайрия қилиши табиий ҳол ҳисобланади.

Бугунги кунда миссионерлик билан шуғулланаётган диний ташкилотлар молиявий аҳволларини яхшилаш ва ўз ҳаракатларини моддий таъминлаш мақсадида черковнинг ишончли ва садоқатли вакиллари орқали турли цехлар, фирмалар ва босмаҳоналарга эғалик қилишни ҳам йўлга қўйишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Бақувват хорижлик ҳомийлари бўлган ва ишончли вакиллари орқали юқоридаги каби корхоналарга эғалик қиладиган миссионерлар ўз тарафдорларига ҳар бир янги олиб келинган одам учун сезиларли миқдордаги пул мукофотларини бериш имкониятига эга бўлмоқда. Бундан ташқари ушбу корхоналар ишсизларни иш билан таъминлаш ва шу йўл билан миссионерлик амалиётини давом эттиришнинг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилмоқда.

Черковларнинг молиявий имкониятлари ҳақида гап кетар экан, яна бир ҳақиқатни қайд этиш лозим. Оддий диндорлар, жумладан, янги прозелитлар ҳам камтарона, ташкилот раҳбарлари эса ҳашаматли офисларда ўтириб шоҳона ҳаёт кечирадилар.

Бунинг исботи сифатида қуйидаги мисолни келтириш мумкин. 2007 йили Россияда «Церковь Богоматери» номли секта устидан бўлиб ўтган суд жараёнларида ушбу секта раҳбарлари ўз издошларидан уйларини Худо йўлида ўз раҳнамоларига ҳадя қилишга даъват қилганликлари ва шу йўсинда бир неча фуқаро ўз уйини сохта раҳбарларга ҳадя қилиб юборгани эълон қилинди.

Юқоридаги мулоҳазалар замонавий миссионерлик сиёсий мақсадларга эришиш, у ёки бу минтақага таъсир ўтказишнинг ўзига хос воситаси ва ниҳоят, сердаромад соҳага айланиб қолгани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Олтунчи сурбат  
МИССИОНЕРЛИК УСУЛЛАРИ ВА  
ВОСИТАЛАРИ

**Тарих илк миссионерлар ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмай, кишлокма-кишлоқ, шаҳарма-шаҳар юриб одамларга «Хушxabар» ни етказишга ҳаракат қилганликларидан гувоҳлик беради. Илк миссионерлар асосан уша даврларда ҳам анчагина ноёб касб ҳисобланган ва юқори кадрланган табиблик фаолияти билан шуғулланиб, инсонларни даволаш билан бир қаторда динни тарғиб қилар эдилар. Бу уз даври учун энг самарали усуллардан бири эди. Зеро, айнан табиблар купчилик инсонларнинг христианликни қабул қилишлариға сабаб бўлганлар. «Инжил» да ҳам Исо Масихнинг купчилик издошлари унинг Узи даволаган инсонлар бўлгани ҳам ушбу усулнинг ахамияти ва самардорлигининг еркин мисоли бўла олади.**

Бундан ташқари хайрия ёрдамларини курсатиш амалиётидан ҳам фойдаланилган. «Санта Клаус» атамасининг келиб чиқиши боладарға хайрия ёрдамларини улашгани билан шуҳрат қозонган жула бой ва, айни пайтда, ўта сажий инсон бўлган Николай номи билан боғлиқлиги ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Шундай бўлса-да, илк миссионерларнинг қўлларида қатта имконият ва жулай воситалар ҳади йўқ эди. Аммо христиандик пайдо бўлгандан бери ўтган 2000 йилдан ортик вақт давомида миссионерлик йирик бир тармоққа айланиб улгурди.

.....



*Ҳозирги кунда миссионерликни амалга оширишда  
тиббий соҳадаги фаолият қандай ўринни  
эгаллайди?*

Юқорида таъкидланганидек, бундай усул энг қадимий усуллардан бири ҳисобланади. Бугун ҳам бир қатор миссионерлик жамоалари ушбу усулдан самарали фойдаланмоқдалар. Жумладан, маълумотларга кўра, «Еттинчи кун Адвентистлари» жамоаси дунёнинг турли чеккаларида 400 дан ортиқ бепул шифохоналарга эга.

1992 йил 20 июлда миссионер Сергей Рахуба томонидан ташкил этилган «Руҳий тикланиш» миссионерлик ассоциациясининг минтақавий миссионерлик марказларини ривожлантириш концепциясида тиббий миссияларнинг асосий вазифаси: «Янги черковларни тузиш ва инжиллаштириш», деб белгилангани ҳам бу соҳага бўлган эътиборнинг мақсадини яққол ифодалайди, дейиш мумкин. Ушбу ассоциация томонидан ўтган йилларда МДХ мамлакатларида фаолият олиб борадиган 1000 дан ортиқ миссионернинг «малакаси» оширилгани эса ушбу мақсадга эришиш йўлида олиб борилаётган ишлар кўлампидан кичик бир нишона, холос.

Ўрганиш бугунги кунда тиббий соҳа имкониятларидан фойдаланган ҳолда миссионерлик амалиётини ташкил этишда:

- ибодатга келувчиларнинг ахборотларига таянган ҳолда конкрет-адресли ёндашув асосида касалларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга дори-дармонларни харид қилишда кўмаклашиш;

- наркоманларни даволаш билан шуғулланиш;

- Халқаро ногиронлар куни муносабати билан қулоғи паст эшитадиган фуқароларга қулоқ учун мўлжалланган овоз кучайтиргич аппаратлари ва ўзи юролмайдиган ногиронлар учун аравачалар харид қилиш ҳамда ногиронлар уйларига турли, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари шаклида ёрдам кўрсатиш;

- шифохоналарга ҳомийлик қилиш, уларга чойшаблар, ёстик жилдлари, тиббий ходимлар кийимлари каби зарур нарсаларни етказиб бериш;

- алкоголик, наркоман ва собиқ маҳбусларни «меҳнат тарбияси» ва «Хушxabар»ни англатиш ва йўли билан «даволаш» ва «соғлом турмуш тарзига қайтариш»;

- иглотерапия ва массаж йўли билан беморларни даволаш каби йўналишларга алоҳида эътибор берилётганини кўрсатади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, қайд этилган йўналишларнинг ҳар бири эътиқодий тарбия объекти сифатида танлаб олинганларга таъсир ўтказишнинг ўзига хос имкониятларини беради.

Умуман олганда, тиббиёт соҳасидан миссионерлик йўлида фойдаланишга интилишнинг бир қатор афзалликлари бор. Гап шундаки, врач бемор билан бевосита, аксарият ҳолларда бегоналарнинг иштирокисиз мулоқот қилиш имкониятига эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, бундай шаклда амалга оширилган миссионерлик ташқи кузатув ва назоратдан холи бўлади ҳамда ноқонуний фаолиятнинг фош бўлиш эҳтимолини кескин даражада пасайтиради.

Айни пайтда, бемор одамда ташқи таъсирга мойиллик, ширин ва юпатувчи сўзга, оддий инсоний қўллаб-қувватлашга ташналик кучли бўлади. Бундай маънавий-руҳий ҳолат ҳам эътиқодий босим ва тазйиқ ўтказиш учун қулай шароит яратади.

Шу билан бирга, кўпгина ҳолларда врачнинг мунтазам назорати остида даволанишга эҳтиёжнинг мавжуд бўлишини ҳам унутмаслик керак. Бу эса, ўз навбатида, врачга беморни муайян вақт давомида психологик таъсир доирасида ушлаб туриш, миссионерлик тарғиботини босқичма-босқич амалга ошириш имкониятини беради. Беморни даволашнинг муваффақиятли кечиши эса миссионерлик тарғиботининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

*Хайрия ёрдамлари кўрсатиш ҳам  
миссионерликдаги жуда қадимий усуллардан бири  
ҳисобланади. Шундай эмасми?*

Миссионерлар ҳар қандай киши ва жамият ҳаётида учрайдиган ижтимоий-иқтисодий муаммолардан ўзларининг мақсадларида йўлида фойдаланиб қолишга доимий эътибор бериб келганлар. Улар бугунги кунда ҳам моддий-молиявий ёрдам кўрсатишнинг турли шаклларида усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг «Кўзи ожизлар жамияти», «Меҳрибонлик уйи» каби ташкилотларга хайрия сифатида молиявий кўмак беришга, «Қариялар уйларига» ташкилий ва моддий (озик-овқат олиб бориш, муҳтож кексаларни овқатлантириш) шаклида ёрдам беришга интилаётганлари ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Шу билан бирга, ҳафтанинг муайян, аксарият ҳолларда пайшанба ва якшанба кунлари ташкил этиладиган хайрия тушликларини ҳам эътиқодий босим ўтказиш учун объектларни - бўлажак прозелитларни танлаб олишга хизмат қиладиган амалиёт шаклларида бири сифатида қараш лозим.

Умуман олганда, миссионерлар турли хил ижтимоий-маърифий тадбирларни тез-тез ўтказишдан ижтимоий онгда ўз фаолиятлари ҳақида ижобий тасаввурни шакллантириш, ўзаро муносабатлар ўрнатиш ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллари билан алоқаларни яхшилашдек мақсадларни кўзлайдилар.

Бундай тадбирларга аҳолининг турли қатламлари, жумладан, ёшлар кенг жалб этилади. Иштирокчиларга христиан адабиётларини ҳам ўз ичига олган совғалар улашилади, тадбир сўнгида албатта ибодат ва «Библия» ўқиш ҳам бўлади.

Зилзила, тошқин, очарчилик каби турли офатларнинг содир бўлиши миссионерлар учун айтилган муд-

дао хисобланади. Қаерда юқоридагидек ҳолатлар юз берса, ўша ерга биринчи бўлиб миссионерлар етиб боради. Дастлаб улар ўзларини беғараз ёрдам кўрсатаётганларини кўз-кўз қилиб, аста-секин асл мақсадларини намоёиш этадилар. Аслида эса миссионерлар ҳеч қачон, ҳеч кимга беғараз ёрдам кўрсатмаганликларини ва кўрсатмасликларини унутмаслик лозим. Бунга далил сифатида куйидаги мисолни келтириш мумкин. 2003 йили Қирғизистон Бош вазири билан учрашув чоғида, АҚШнинг Юта штати делегацияси раҳбари Рассел Нельсон ўз штатидан Қирғизистонга инсонпарварлик ёрдамининг кўпайтирилиши Қирғизистон худудида Мормон черкови фаолияти нечоғлиқ тез қонунийлаштирилиши билан боғлиқ эканини қайд қилган. Россия Федерациясининг Федерал Хавфсизлик Хизмати маълумотларига кўра эса, Мормон черковлари раҳбарияти НАТОга кирувчи мамлакатлар махсус хизматлари вакилларидан иборатдир.

Ёки бошқа бир мисол. Қозоғистоннинг Қарағанда шаҳрида жойлашган 5 та Баптист ва Меннонит жомаларидан иборат миссионерлик қўмитаси 1990-1998 йиллар орасида Қозоғистонга ҳар бири 15-20 тонналик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал, дори-дармонларни ўз ичига олган инсонпарварлик ёрдамлари ортилган 398 та транспорт жўнатган. Бундан ташқари миссионерлар учун 208 та автомобиль, 2818 нусха диний адабиётлар тақдим этилиб, умумий қиймати 4 миллион немис маркасига тенг ёрдам кўрсатилган.

Мутахассислар пятидесятникликлар инсонларнинг қайғу-аламлари, муаммолари ва жамиятда ўз ўринларини йўқотиб қўйишлари билан боғлиқ масалаларга алоҳида урғу бериши ва хайрия ёрдамлари кўрсатишдан усталик билан фойдаланишлари туфайли ўзларига эргашувчилар сонини тез суратда ўстириб

бораётганларини қайд этмоқдалар. Мазкур мисол ҳам хайрия ёрдамлари ортида ётган туб мақсадларни чуқурроқ англашга хизмат қилади.

*Уйма-уй юриб «Хушxabар» этказиш усулининг ўзига хос хусусиятлари нимада?*

Бу усул миссионерларга одамлар билан куннинг долзарб муаммолари ҳақида суҳбатлашиш, уларнинг дардларига қизиқиш билдириш ва ушбу муаммолардан чиқиш йўлларини кўрсатиб беришни таклиф қилиб, ўз ташкилотларига жалб қилишга асосланади. Бу миссионерликни амалга оширишда энг яхши самара берадиган ва катта маблағ талаб қилмайдиган усуллардан бири ҳисобланади. Масалан, ушбу усулдан фаол фойдалаётган «Иегово шоҳидлари» йўналиши аъзолари, ўзларини Исо Масих ўз ҳаворийларига буюрган йўлдан фойдаланаётганларини таъкидлашади.

Шу билан бирга, «Иегово шоҳидлари» асосан аёллардан фойдаланган ҳолда савдо марказлари, деҳқон бозорлари ҳудудларида даъватчилик билан шуғулланишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар муайян ҳудудда «таянч нуқта»ни шакллантириш ва унга таянган ҳолда яқин қўшнилар орасида уйма-уй юриб адабиётларни тарқатишга ҳам алоҳида эътибор бераётганликларини таъкидлаш зарур.

*Миссионерларнинг таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор беришларининг сабаблари нимада?*

Замонавий миссионерлар турли соҳаларда узвий бирликда, тизимли ва тадрижий иш олиб борилгандагина кишилар онги ва қалбини эгаллаш мумкинлигини яхши тушунадилар. Зеро, ҳар бир соҳа кишилар онгига таъсир ўтказишнинг ўзига хос ва бетакрор усулларига эга. Айни пайтда, тизимли иш олиб борилганда бу

усуллар ва ўзига хосликлар бир-бирини тўлдиради ҳамда инсонни бутун ҳаёти давомида мунтазам таъсир остида сақлаш имконини беради.

Инсоннинг ҳаётда ким бўлиб етишиши ижтимоий қарашлар ва қадриятларни сингдириш, мустаҳкамлашга хизмат қиладиган таълим-тарбия тизимига боғлиқ. Зеро, муайян билимлар таълим жараёнининг ўзида бевосита ва тўғридан-тўғри, илмий асосда ва тизимли тарзда ўзлаштирилади. Таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли гоё ва қарашларни сингдиришдаги тадрижийлик таъминланади. Шу билан бирга, таълим жараёнида амалга оширилган тарғибот натижаларини бевосита текшириб кўриш ва уни такомиллаштириб бориш имконияти ҳам мавжуд.

Юқоридаги каби хусусиятлар миссионерларнинг таълим тизимига алоҳида эътибор билан қарашини келтириб чиқармоқда. Адвентистларнинг дунё бўйича 5000 дан ортиқ ўқув марказларига, пятидесятникликнинг энг йирик йўналишларидан бири - «Худо Ассамблеялари» черковлари бир неча коллеж ва Библия мактабларига эгалик қилаётгани ҳам айнан шу билан изоҳланади.

Миссионерлик билан шуғулланишга ҳаракат қилаётган айрим диний ташкилотларнинг у ёки бу ўрта мактабга янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун таъмирлаш материаллари олиб бериш, ибодатга қатнайдиغانларнинг бевосита таъмир ишларида қатнашиши шаклида ёрдам беришга ҳаракат қилишлари ортида ҳам ғараз мақсадлар ётишини англаш қийин эмас.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 1-синфга борадиган болаларга ўқув сумкалари, зарур дарсликлар, дафтар ва ручкалар бепул тақдим этилади. Миссионерлар давлатимиз сиёсатига хос бундай инсонпарварлик ҳаракатига ҳам мослашишга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг ибодатга келувчилар-

нинг ахборотларига таяниб, конкрет-адресли ёндашув асосида янги ўқув йили арафасида муҳтож оилаларнинг 1-синфга борадиган болаларига дафтар, қалам ва бошқа канцелярия моллари, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига эса, унга қўшимча тарзда болалар кийим-бошлари ва ўйинчоқлар совга қилишга уринаётгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Миссионерлар тил ва компьютер ўргатиш марказлари, ҳатто мактаб ёшигача бўлган болалар учун шу йўналишдаги ихтисослашган боғчалар очиб орқали ҳам ёшлар орасида тегишли тарғиботни ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда ота-оналарнинг ўз фарзандларини ёшлиқдан бир неча тилга ўргатиш, компьютер саводхонлигини оширишга бўлган интилиши ва ёшларда бундай соҳаларга булган қизиқишлардан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилинаётганини кўриш мумкин. Миссионерлар бундай марказлар ва боғчаларда тил ва компьютер ўргатишни яхши йўлга қўйиб, пул тўловларини нисбатан арзон қилишга алоҳида эътибор берадилар. Аҳоли ўртасида ўз фаолиятлари ҳақида ижобий тасаввурни шакллантириш эса миссионерликни амалга ошириш учун никоб бўлиб хизмат қилади.

*Маҳаллий тилларда христианликни тарғиб қилувчи адабиётларни чоп қилиш ва тарқатиш ҳам миссионерликда энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири ҳисобланади.*

*Шундай эмасми?*

Дарҳақиқат, шундай. Кичик ҳажмдаги қўлланмалар юқори дид билан тайёрланади, жуда ҳам таъсирчан қилиб ёзилади ва одамларнинг эътиборини жалб қилиш учун чиройли суратларга бой бўлади. Уларда динни қабул қилиш очиқ-ойдин таклиф қилинмайди. Аммо адабиёт охирида қўшимча маълумот олиш учун таш-

килот манзили ёки телефони келтириладики, рисолаи ўқиган ва диний билими саёз бўлган инсон бу нарсага учиши мумкин. Масалан, «Иегово шоҳидлари» тарқатган китобчаларнинг бирида шундай фикрларни ўқиш мумкин: «Албатта, Иегово шоҳидларининг бутун таълимотини ушбу кичик китобга қамраб олишнинг иложи йўқ, лекин биз сизга қўшимча маълумотга эга бўлишингиз учун турар жойингизда иетиқомат қилувчи Иегованинг шоҳидларига мурожаат қилишингизни таклиф этамиз».

Бундай усуддан миссионерлик билан шуғулланадиган кўплаб йўналишлар ва ташкилотлар усталик билан фойдаланмоқда.

Юзаки қараганда, бундай усул яхши натижа бермайдигандек туюлади. Аслидачи? Маълумотларга кўра, дунёдаги 200 дан ортиқ мамлакатда «Тўлиқ Инжил христианлари»га қарашли 120 дан ортиқ «Библия» жамиятлари фаолият юритади. Ушбу йўналишга кирган янги вакилларнинг ярмидан кўпи динни қабул қилишларини христиан адабиётлари таъсири билан боғлашлари эса юқоридаги услубнинг нечоғлиқ самарали эканини кўрсатади.

Адвентистларнинг 184 мамлакатда 50 наشريётга эгалиги, 170 дан ортиқ тилда миссионерлик адабиётларини чоп этиши ҳам бу усулга катта эътибор билан қаралишининг ёрқин исботидир.

Адабиётларни олиб кириш ва тарқатиш эса кўпинча мавжуд қонунларга зид равишда амалга оширилади. Масалан, Тожикистонда протестант диний адабиётларини тарқатиш билан «Дин сўзи» номли Украинадан келган ташкилот шуғулланади. Ушбу ташкилот 2001 йилда Тожикистонда «Библия йили»ни эълон қилгани ва ҳар бир протестантга камида битта бошқа дин вакилини «Библия» билан таништиришни вазифа қилиб қўйгани бу йўлдаги ҳаракатлар аниқ мақсадларга қаратилган ҳолда ташкил этилаётганини кўрсатади.



## *Газета ва журналларнинг миссионерликни амалга оширишдаги ўрни ҳақида нима дейиш мумкин?*

Ахборот йўналиши ҳажман кенг, мазмунан ранг-баранг, узатилишга кўра тезкор бўлган бугунги кунда газета ва журналлар, уларга хос хусусиятлардан усталик билан фойдаланишга интилиш миссионерликни амалга оширишнинг муҳим бўғинига айланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Оммавийлик, даврийлик, ўқувчилар аудиториясининг кенглиги туфайли газета ва журналлар муайян қараш ёки ғояларни сингдириш, кишилар онгида барқарор тасаввурлар, образлар, қадриятларни шакллантиришнинг муҳим қуроли ҳисобланади. Содда қилиб айтганда, газета ва журналлар ижтимоий фикрга доимий ва изчил таъсир ўтказиш имкониятини яратади.

Шунингдек, газета ва журналлар саҳифаларида кишиларни қийнаётган, ўйлантираётган муаммоларга қайта-қайта мурожаат қилиш, уларнинг маънавий-руҳий ва эътиқодий асосларини манфаатдорлик нуқтаи назаридан батафсил таҳлил ва талқин қилиш мумкинлигини ҳам ёддан чиқармаслик лозим.

Имкониятга қараб хоҳлаган жойда ва исталган пайтда тарқатиш мумкинлиги ҳам миссионерларнинг газета ва журналларни турли тилларда ва мунтазам асосда нашр этишларига замин яратмоқда.

Маълумотларга кўра, 30 минутдан кейин ахборотнинг 60 фоизи, кун охирига келиб 40 фоизи, ҳафта охирига келиб бор йўғи 10 фоизи эсда қолади. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий фикрга таъсир ўтказишга қаратилган, турли ғоявий мазмун билан суғорилган маълумотлар вақти-вақти билан такрорлаб турилади. Масалан, «Иегово шоҳидлари» ойига икки марта 195 тилда, 42 миллиондан ортиқ нусхада чоп этадиган «Қўриқчи минораси», ойига бир марта 82 тилда, 41 миллион ададда нашр этиладиган «Уйғонинглар!» журналлари саҳифаларида му-

айян масалалар ўқувчи томонидан беихтиёр такрорланишига эришишга алоҳида эътибор берадилар. Бунинг учун матнда саволлар қўйиш, матн остида эса изоҳини бериш услубидан самарали фойдаланиб келмоқдалар.

Пятидесятникликнинг энг йирик йўналишларидан бири - «Худо Ассамблеялари» черковлари 98 мамлакатда 16 нашрга, жумладан, аёллар ва болалар учун журналларга эгалик қилмоқда. «Новоапостоль» черковининг «Бизнинг оила» («Наша семья») ойлик журнали эса 60 тилда нашр этилмоқда. Қайд этилган нашрларнинг аксарияти миссионерлик мақсадларига хизмат қилишини алоҳида қайд этиш лозим.

2006 йилдан «Қўриқчи минораси» журнали ўзбек тилида ҳам чоп этила бошлагани, неговочилар уни ноқонуний равишда юртимизга олиб кириш йўлида доимий ҳаракатлар олиб бораётгани ҳам бундай хулосанинг ўринли эканини тасдиқлайди.

### ***Миссионерлик гояларини тарғиб қилишда радио ва теледастурларнинг ўрнини қандай баҳолаш мумкин?***

Муайян қарашлар ва қадриятларни яшин тезлигида оммалаштириш, тарқата олиш имкониятига эгаллиги туфайли радио ва телевидение кишилар онги ва қалбига таъсир ўтказишнинг тезкор ва катта шиддат билан кечишига замин яратмоқда. Радио ва телевидение имкониятларидан фойдаланишга интилиш эса миссионерлар фаолиятининг худудий жиҳатдан жуда кенг қамров касб этишига олиб келди. Шу билан бирга, аниқ белгиланган мақсадларга эришиш йўлида ҳар томонлама ва пухта ишланган режа асосида иш олиб бориш аҳолининг турли қатламларига доимий асосда эътиқодий босим ва таъйиқ ўтказишга йўл очмоқда.

Миссионерлик руҳи билан суғорилган радио ва теледастурлар мазмунини ўрганиш уларнинг эътиқодий

таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда ташкил этилаётганини кўрсатади. Бундай йўл тутилиши бежиз эмас, албатта. Зеро, шундай йўл тутилгандагина кишилар онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатиш, шаклланган кадриятларни ўзгартириш, уларнинг регуляторлик ролини камайтириш ёки бутунлай йўққа чиқариш имконияти яратилади.

Радио ва теледастурлар орқали миссионерликни амалга ошириш ҳақида гап кетар экан, Европа ва Америка қитъаларида миссионер даъватчилар машхурлилик борасида шоу-бизнес ва кино юлдузларидан асло қолишмасликларини алоҳида қайд этиш лозим. Ўз фаолиятлари самарадорлигини оширини мақсадида миссионерлар бой издошларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Масалан, Украинадаги «Худо элчихонаси» сектаси «Миллионерлар клуби»ни ташкил қилган. Киев шаҳрининг бугунги кундаги раҳбари Леонид Черновецкий ҳам ушбу сектанинг собиқ пастори ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда адвентистлар ва «Тўлик Инжил христианлари» жамоалари телевидение орқали даъват қилишдан энг кўп ва фаол фойдаланмоқдалар. Хусусан, МДХ давлатлари ҳудудида ҳам бир қатор миссионерлик дастурлари эфирга узатилмоқда. Жумладан, Россиянинг ТВ-3 канали орқали бутун МДХ мамлакатларига узатиладиган «Кеннет Коупленд миссияси»га қарашли «Имонли кишининг баралла овози» дастури, «Джойс Майер» миссиясининг «Имон овози», «CNL», «LIFE TV», «ТНБ» каби телеканаллар мавжуд.

21 та агентликни ўзида бирлаштирган «Глобал Рекордингс» тармоғи энг йирик ташкилотлардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда 5750 тил ва шевада аудио ва видео кассеталарни тайёрлаш ва тарқатиш билан шуғулланмоқда. Компания томонидан ҳозирда

Ўзбек тилида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш устида иш кетаётгани, ташкилотнинг расмий сайтида маълум қилинганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Радио ва телевидение орқали жонли эшиттиришларни уюштириш ҳам христианликни тарғиб қилишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Масалан, Россиялик мутахассислар маълумотларига кўра, 13 та йирик агентлик 211 тилда христианликни тарғиб қилувчи эшиттиришларни олиб бормоқда. Биргина «Голос Евангелие» радиоканали 100 дан ортиқ мамлакатга 120 дан ортиқ тил ва шевада христианликни тарғиб қилади.

Қайд этилган далиллар ҳам, миссионерлик фаолиятида радио ва теледастурлар нечоғлик катта аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

### ***Миссионерликни амалга оширишда кино маҳсулотлари қандай ўринни эгаллайди?***

Театр, ракс, кўшиқ, мусиқа санъати каби бир қатор санъат турларини ўзида мужасамлаштирган санъат тури сифатида кино эътиқодий тажовузкорликни амалга оширишда ўзига хос ўрин эгаллайди. Кўпчилик учун тушунарли экани кинoning оммавий ғоявий таъсир ўтказиш имконияти кенглигини белгилаб беради.

Кино инсон онги ва хулқига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос услублари ва имкониятларига эгаллигини кишиларнинг машҳур киноқаҳрамонларга тақлид қилишларида, уларнинг хатти-ҳаракатлари, қилиқлари ва, ҳатто, кийинишларини такрорлашга интилишларида кўришимиз мумкин. Киноқаҳрамонлар айтган ва машҳур бўлиб кетган сўзлар, иборалар ва гапларни ҳам кинoning кишилар хулқига таъсирини кўрсатувчи ҳаётий мисоллар сифатида қараш мумкин.

Маълумотларга кўра, масалан, 2006 йилда миссионерлик ғоялари билан суғорилган 118 та кинофильм ишлаб чиқарилган бўлиб, улар Голливудда яратилган барча фильмларнинг 41 фоизини ташкил этади.

Мутахассислар фикрича христианлик руҳи билан суғорилган фильмлар жангари ва фантастик фильмлардан ҳам кўпроқ даромад келтирмоқда.

Қайд этилган мисоллар яқин истиқболда кино инсон онгига эътиқодий босим ўтказиш ва христианлик ғояларини тарғиби қилишнинг асосий бўғинига айланишидан далолат беради.

*Миссионерликни амалга оширишда интернетдан  
фоол фойдаланиш аётганини нималарда кўриши  
мумкин?*

Жамият тараққий этиб, юксалиб борган сари миссионерлик ҳам унга мос равишда замонавий фан-техника ва технологиялардан усталик билан фойдаланган ҳолда ўз услуб ва воситаларини такомиллаштириб бормоқда.

Бугунги кунда интернет оммавий ахборот ва коммуникация тизимининг энг тез ривожланиб бораётган бўғини ҳисобланади. Ҳозирда интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки космик алоқа йўлдошлари, радиосигнал, кабел телевидениеси, телефон, уяли алоқа орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Бу интернет кишилар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётганини кўрсатади. Бугунги кунда тахминан бир ярим миллиарддан ортиқ киши у ёки бу даражада ундан фойдаланаётгани ва ушбу рақам доимий равишда ўсиб бораётгани ҳам фикрларимизнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Айнан мана шу ҳолат интернетнинг ғоявий кураш ва тарғибот, жумладан, эътиқодий тарғибот ва тажовузни амалга оширишнинг асосий майдонларидан бирига айланишига замин яратмоқда.

Интернетдаги миссионерлик мазмунидаги сайтлар таҳлили ундаги маълумотлар, тезкор ахборотлар ва янгиликларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча тилда ва миссионерлар учун фойдали бўлган йўналишда бериб борилишини кўрсатади. Бундай сайтларда эътиқодий тарғиботга хизмат қиладиган қўшиқлар, клиплар-

нинг бериб борилиши эса уларнинг эмоционал таъсир кувватини оширишга хизмат қилади.

Юқоридаги мулоҳазалар ҳам миссионерлар ва уларнинг орқасида турган кучлар у ёки бу мамлакатдаги диний мувозанатни издан чиқариш, инсонпарварлик байроғи остида ўз таъсир доираларини кенгайтиришга интилишда ҳеч нарсадан қайтмасликларини кўрсатади. Масалан, интернетдаги [www.calebproject.com](http://www.calebproject.com) сайтида «10/40 ОЙНА» худудида миссионерлик фаолиятини ташкил этиш тўғрисида кўрсатмалар берилиб, ушбу ҳудуд харитаси ҳам келтирилган. Тожикистондаги миссионерларнинг сайтида ([www.hirte.narod.ru](http://www.hirte.narod.ru)) эса мусулмонларни протестантликка ўтказиш ҳақида тегишли кўрсатмалар берилган. Ушбу сайтларда миссионерларга турли маслаҳатлар, миссиология бўйича ўқув курслари ҳам бериб борилади. Ўқув курслари бир неча босқичдан иборат бўлиб, минтақавий нуқтаи назардан бўлиб чиқилган. Жумладан, [www.mission5.narod.ru](http://www.mission5.narod.ru) веб-саҳифаси МДХ худудидаги миссионерларга мўлжалланган бўлиб, унда ҳудудга кирувчи мамлакатлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бир қарашда миссионерларнинг дастурлари инсоният равнақи, дунёда тинчлик ўрнатиш, муҳтожу бечораларга бегараз кўмак кўрсатишга қаратилгандай туюлади. Аммо чуқурроқ назар ташланса, уларнинг барчаеидан маълум, аксарият ҳолларда ғаразли мақсадлар кўзланаётгани аён бўлади. Аввал улар ўзларини сахий ва инсонпарвар кўрсатиб, кейинчалик асл қиёфаларини ошкор қиладилар. Баъзи ҳолларда «шунча яхшиликлар эвазига» христианликни қабул қилиш талаб ҳам қилинади.

---

## *Еттинчи суҳбат*

### **МИССИОНЕРЛИК: ТАКОМИЛЛАШУВ ЙЎЛИДА**

#### *Миссионерлик фаолияти такомиллашиб бораётгани нималарда кўринади?*

Олиб борилаётган ишлар, кўрилаётган чоралар миссионерларнинг кўплаб фож бўлишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида уларни янгидан-янги йўллارни қидиришга, ўз фаолиятларини вазиятга мослашган ҳолда такомиллаштириб боришга мажбур этмоқда. Хусусан, баҳойлар бугунги кунда кўпроқ одамларни ўз сафларига жалб қилиш, бунда ҳокимият вакиллари диққатини ортиқча жалб қилмаслик ва шубҳа уйғонишининг олдини олиш мақсадида жамоа бўлиб тўпланишни камайтириш, «ҳалқа-ҳалқа» бўлиб фаолият кўрсатиш, навбат билан йўналиш тарафдорларининг уйларида, унда ҳам «кичик ҳалқалар» доирасида йиғилиб туриш йўлидан бормоқда.

Миссионерлик билан шуғулланаётган айрим диний ташкилотлар эса, ибодатга қатнайдиган маҳаллий миллатлар вакиллариининг ҳақиқий сонини ошкор этмаслик мақсадида махфий йиғилишлар ўтказишни йўлга қўяётганини ва черковнинг ўзига хос филиалларини шакллантиришга уринаётганини эътироф этиш лозим. Баъзи шундай ташкилотлар масофанинг узоқлиги туфайли черковга қатнайдиганларга енгиллик яратиш, уларни ортиқча транспорт харажатларидан озод қилиш байроғи остида ибодатларни фуқаролар хонадонларида ўтказишга интилмоқдаки, бундай ҳаракатларни ҳам черковнинг реал фаолияти, уларга қатнайдиганларнинг

этник таркибини яширишга интилишнинг кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

Иеговочилар эса ўз тарафдорларини саёхатчилар байроғи остида тўплаш, экскурсияларга олиб чиқиш ва ўша ерда ўз йиғилишларини ўтказишга интилмоқдалар. Улар ўз тарғиботида расмий фаолият кўрсатишга рухсат этилмаётганига алоҳида урғу берган ҳолда, ўзларини жабрдийдалар сифатида кўрсатишга уринаётганини ҳам қайд этиш лозим.

Шунингдек, миссионерликнинг олдини олишга қаратилган ишлар тизимли олиб борилаётган бир пайтда уларнинг ўз фаолиятини вилоят ва туман марказларидан узоқроқ жойларда амалга оширишга ва асосий объект сифатида маҳаллий миллатлар вакиллари яшайдиган худудларни танлашга ҳаракат қилишлари кузатилмоқда. Айрим миссионерлик ҳаракатлари томонидан амалга оширилган «тарғибот рейдлари» ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

***Миссионерликни илмий асосда олиб боришга хизмат қиладиган махсус тадқиқот марказлари фаолияти ҳақида нима дейиш мумкин?***

Дарҳақиқат, миссионерлар ўзлари фаолият юритмоқчи бўлган худуд аҳолиси диний эътиқоди, уларнинг ижтимоий муаммолари ҳақида маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва тегишли тарғибот-ташвиқот ишларини тизимли асосда ташкил этиш учун ўз тадқиқот марказларини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор берадилар.

Миссионерлик илмий марказлари фаолияти ҳақида гап кетар экан, улар томонидан маълум минтақадаги реал воқелик таҳлил қилиб борилиши баробарида, диний вазиятни зарур йўналишда ўзгартириш мақсадида миссионерларнинг самарали фаолият юритишига илмий асос бўлиб хизмат қиладиган махсус қўлланмалар



ишлаб чиқилганини ва бундай ишлар хануз давом этаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Бунда прозелитлар номидан унумли фойдаланиб, улар мансуб бўлган халққа мос адабиётлар чиқарилади. Юқорида номлари зикр этилган «Уиклифф», «Дунё операцияси» ҳамда «Жошуа лойиҳаси», «Калепрожект» («Calebproject») каби марказлар ҳам асосан шу йўналишда фаолият олиб бормокда.

Миссионерлар иш олиб боришни мўлжаллаётган мамлакатларда руҳонийларнинг маъқеи, ижтимоий ҳаётдаги ўрни каби масалаларни ўрганиб, таҳлил қилиб боришни ҳам миссионерлик илмий марказлари фаолиятининг ўзига ҳос хусусиятлари қаторида санаш мумкин.

Бундай тадқиқотлар натижасида миссиялар фаолият юритадиган мамлакатларда маҳаллий руҳонийлар билан баҳслашиш учун махсус қўлланмалар ишлаб чиқилади.

Миссионерлик фаолиятига мумкин қадар кўплаб кишилар, ташкилотлар ва катта маблағларни жалб қилиш ҳам юқоридаги каби илмий-тадқиқот марказларнинг муҳим вазибаларидан бири ҳисобланади. Тожикистонда миссионерликни амалга ошириш бўйича иш олиб бориб «Калепрожект» («Calebproject») марказининг «Тожикистон учун умид қилинг» («Hope for Tadjikistan») номли махсус лойиҳаси бу йўналишдаги ишларга мисол бўла олади. Марказ сайтида, Тожикистонда фаолият олиб бораётган миссионерлар фаолиятини ривожлантириш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш учун хайрия қилишга даъват этувчи маълумотлар шундай усталик билан жойлаштирилганки, у билан танишган ва ўзини христиан деб ҳисоблайдиган ҳар инсон ўзи истаган-истамаган ҳолда ушбу лойиҳанинг қўллаб-қувватловчисига айланишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

*Миссионерлар ўз динини ўзгартирганлар турли муаммоларга учрашлари ҳақида олдиндан огоҳлантиради дейишади. Бундан қандай мақсад кўзланади?*

Дарҳақиқат, миссионерликда прозелитларни ўз эътиқодларини ўзгартирганларнинг инъикоси сифатида кундалик турмушда турли муаммоларга дуч келишлари ҳақида олдиндан огоҳлантириш амалиёти йўлга қўйилган.

Бундай огоҳлантириш чуқур психологик билимларга асосланади. Энг аввало, огоҳликка даъват этилган инсон беихтиёр, ўзи англамаган ҳолда ана шу муаммоларга дуч келишга руҳан тайёргарлик кўради ва ғайришуурий тарзда танлаган йўлининг тўғри эканига ўзини-ўзи ишонтириб боради. Мана шундай вазиятда ўз даврида Исо ва ҳаворийлар ҳам кўплаб қийинчиликларга дуч келгани, одамлар уларнинг ҳақ йўлда эканини тушунмагани ва кейинчалик ўз хатоларини англаб, Халоскор кўрсатган тўғри йўлни қабул қилганлари ҳақидаги тушунтириш ишлари изчил давом эттирилади. Ҳозирда ҳам Исо давридагидан кам бўлмаган қийинчиликлар мавжудлиги, эътиқодда мустаҳкам қолиш осон эмаслиги тўғрисида биродарларча, хайрихоҳлик ва куёнчаклик билан билдириладиган мулоҳазалар эса шахснинг ўз танлаган йўлида қолиш учун бутун кучи ва иродасини сафарбар қилишга замин яратади.

Айни пайтда, яқинлар, қариндош-уруғлар, маҳалла фаоллари томонидан прозелитни хато йўлдан қайтариш йўлидаги ҳаракатлар унга башорат қилинган «муаммо» бўлиб кўринади, миссионерларнинг «авлиёлигини» тасдиқлайди ва танлаган йўлининг «тўғрилигига» ишончни мустаҳкамлайди.

Миссионерлар томонидан бу дунёда моддий-маънавий кўмак, охиратда эса абадий роҳат ваъдасини олган

прозелитлар ҳам «қарздор» бўлиб қолмайди. Миссионерлар онглари етарлича ўзгартирилган прозелитларга черковга хайр-эҳсон қилишни таклиф қиладилар. Оила аъзоларидан бири янги конфессияга аъзо бўлгач, уйдаги жиҳозларни сотиб, черков ҳисобига ўтказгани, ҳатто хайр-эҳсон учун уйдаги пулларни ўғирлашгача ҳам борганини исботловчи ҳаётий мисолларни истаганча топиш мумкин.

Тасаввур қилинг хоналарига кулф илмайдиган ўзбек оиласида юқоридагидек ҳолат юзага келди. Ўзбек оиласи учун бундан ҳам катта фожеа борми? Бу нарса аввало оилада, сўнгра бутун жамиятда ўзаро ишончининг йўқолишига олиб келмайдими?..

*Миссионерлар ўз зояларини сингдирар экан, унга қатъий содиқ бўлишни ҳам талаб қиладилар. Шундай эмасми?*

Ҳақиқатан ҳам шундай. Масалан, баҳойлар «Ватан» тушунчасини умуман инкор қиладилар. Зеро, улар учун Ер юзининг баҳойлик тарқалган ҳар қандай жойи Ватан ҳисобланади.

Баҳойликнинг бундай ғоялари ўз моҳиятига кўра фуқароларда Ватандан бегоналашиш, унинг тақдирига нисбатан лоқайдлик ва бефарқлик кайфиятининг шаклланишига йўл очишини англаш қийин эмас.

Иеговочилар ва баҳойлар ўз аъзоларига ҳарбий хизматга бориш, умуман қўлларига қурол ушлашни ҳам тақиқлайдилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи, қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ эса мажбурий ҳисобланади. Бу, қонунга мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштириш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, ҳеч ким

диний эътиқодини рўқач қилиб конституциявий мажбуриятларини бажаришдан бош тортишга ҳақли эмаслигини кўрсатади. Демак, юқоридаги каби ғояларга қатъий садоқатнинг талаб этилиши ўз моҳиятига кўра, миллий хавфсизликка тўғридан-тўғри таҳдид тугдиради.

Иеговочилар «Библия»даги айрим кўрсатмаларни гайриинсоний мазмунда талқин қилиш бўйича устаси фаранг ҳисобланадилар. Ушбу секта томонидан 1952 йили бекор қилинган бўлса-да, 1930 йилдан (22 йил давомида!) ўз тарафдорларига касалликларнинг олдини олишга қаратилган вакцинацияларни олишни, 1967 йилдан (1980 йилгача, 23 йил давомида!) тери ва органларни кўчириб ўтказишни тақиқлаб келгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Аммо 1944 йилда қабул қилинган бировнинг қонини қуйдирмаслик бўйича тақиқ ҳозиргача амал қилиб келмоқда. Зеро, иеговочилар фикрича, бир инсоннинг қонини бошқасига қуйиш гуноҳ ҳисобланади. Бу билан улар «Библия»даги қонни истеъмол қилмаслик тўғрисидаги буйруқни бажараётганларини даъво қиладилар. Инсон ҳаёти учун қутилмаган вазиятларда қон қуйиш ҳал қилувчи аҳамият касб этишини инobatга оладиган бўлсак, бундай ғоявий тарғиботнинг фоживий оқибатини тасаввур қилиш қийин эмас. Афсуски, шундай бўлмоқда ҳам.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида иеговочиларнинг танқидчилари томонидан «Иегово шоҳидлари қурбонлари мемориали» ташкил қилинган эди. Унда рўйхатда 1995 йилгача қон қуйилмагани учун қурбон бўлганлар 3 315 кишини қайд этилган. Ўтган 13 йил давомида бу рўйхат ўзларини одамлар тақдири устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга, деб билувчи иеговочи раҳнамоларнинг айби билан яна неча юзлаб беғуноҳ одамларнинг рўйхати билан тўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Қайд этилган ҳолатлар ҳам юқоридаги каби ғояларга садоқатнинг мудҳиш оқибатларини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

*Миссионерлар аҳолининг қандай қатламлари  
билан ишлашга алоҳида эътибор  
бермоқдалар?*

Миссионерлар макон ва замонга мослашган ҳолда ўз услуб ва воситаларини доимий такомиллаштириб келганлар. Хусусан, сўнгги вақтларда улар маълум бир ижтимоий қатламни ажратиб олиб, ушбу қатлам билан мақсадли иш олиб боришга интиломоқдалар. Жумладан, миссионерлар асосий эътиборни аралаш миллат вакилларида иборат оилаларнинг аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътикод қилмаган, оғир хасталикка, жудоликка, моддий қийинчиликка дуч келган, ахлоқ тузатиш муассасаларидан чиқиб келган, яъни моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга қаратмоқдалар.

Шу билан бирга, миссионерлар саноат корхоналари жойлашган ҳудудларда ишчилар ва вақтинча ишсизлар ҳамда хусусий тадбиркорлар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор бера бошлаганларини таъкидлаш зарур.

Айни пайтда, зиёлиларнинг турли қатламлари ичида санъат соҳаси ходимлари, кутубхоначилар, ўрта мактаб ўқитувчилари, турли идоралар хизматчилари фаол миссионерлик тарғиботи объекти сифатида танланаётганини ҳам қайд этиш лозим. Бундай ёндашувда албатта, ўзига хос мантиқ бор. Масалан, прозелит санъаткор санъатнинг ҳиссий-эмоционал таъсир қувватидан фойдаланиб, эътиқодий босим ўтказишда юқори самардорликка эришиши мумкин бўлса, прозелит кутубхоначида эса «ўлжа» сифатида танланганлар билан яқка тартибда ишлаш имконияти мавжуд бўлади.

Қайд этилган мисоллар ҳам миссионерлик объекти сифатида танланаётган қатламлар доираси мунтазам равишда кенгайиб бораётганини кўрсатади.

*Миссионерлар болалар орасида ҳам иш олиб бормоқда дейишади. Бу нималарда кўринади?*

Миссионерлар ўзлари ҳақида ижобий тасаввурни шакллантириш ва шу аснода ўз фаолиятларини кенгайтириш мақсадида мактаб ёшидаги болалар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Жумладан, болалар учун ёзги оромгоҳлар ташкил этиш орқали тегишли эътиқодий таълим-тарбияни амалга оширишдан кенг фойдаланилаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, бугунги кунда «Халқаро христиан лагерлари» ассоциациясининг МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг 7 тасида, жумладан, Россияда – 96, Латвияда – 10, Беларусь Республикасида – 5, Эстонияда – 3, Қирғизистон, Литва ва Финляндияда – 1 тадан лагери иш олиб бормоқда. Фаолияти тугатилган Нукусдаги «Эмануэль» черкови томонидан тузилган лагер мисолида бундай йўналишдаги ҳаракат Ўзбекистонда ҳам кузатилганини қайд этиш лозим.

Шу нарса эътиборга лойиқки, Қозоғистондаги «Ҳосил ўриб олиш черкови» нинг «Нива» оромгоҳида сўнгги 5 йил давомида кўпчилиги ота-онаси йўқ ёки кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган 3 мингдан ортиқ бола дам олган. Оромгоҳдаги дастур ва режалар шундай ишлаб чиқилганки, мавсум охирига бориб унда дам олган бола христианликни қабул қилади.

Ёзги таътил даврида болаларни дам олиш жойларига қисқа муддатга олиб чиқиш, черков худудида бир неча сменали, камида 2 маҳал овқат бериладиган кундузги дам олиш лагерлари ташкил этиш ҳам миссионерлар фаол фойдаланадиган усуллардан ҳисобланади. Одатда, бундай амалиёт черковга қатнайдиган фуқароларнинг болалари учун ташкил этилгани ҳақида ҳамма жойда очиқ-ошкор эълон қилинади ҳам. Аммо аслида бундай ҳаракатлар «эътиқодий тарбиядан четда қолаётган болалар» учун мўлжаллангани ҳеч кимга сир эмас.

Черковга ибодатга келадиганлар орқали маҳалла ва мактабларда болалар лагерларига бепул йўлланма борлиги, дам олиш даврида турли тўгараклар фаолият кўрсатиши, болаларнинг дам олиши мазмунли ўтиши, қадимий жойларга экскурсиялар ташкил этилиши ҳақидаги эълон-даъватларнинг тарқатилиши ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

1-июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ҳам миссионерларга болалар ва уларнинг ота-оналари орасида тегишли тарғибот ва ташвиқот олиб бориш учун қулай имкониятлардан бири ҳисобланади. Бундай пайтда, миссионерлар болалар учун истироҳат боғларида махсус дам олиш дастурларини ташкил этиш, ширинликлар тарқатиш, муҳтож оилалар фарзандларига «қайрия» ёрдами кўрсатишга алоҳида эътибор берадилар. Тарқатилаётган китоблар ичида болалар учун мўлжалланган «Инжил»нинг бўлиши эса ташқаридан қараган одам учун кичик бир тасодиф, аммо миссионерлар тактикасидаги табиий-қонуний ҳол ҳисобланади.

Черковларда болалар учун мўлжалланган «якшанба» мактаблари ташкил этиш, бундай мактабларга жалб қилинганлар иштирокида турли тадбирлар ўтказиш, христианлик руҳи билан йўғрилган спектакллар кўйиш ва муайян тайёргарликдан ўтган тарбияланувчилардан масихийликка даъват қилувчи турли адабиётларни тарқатишда фаол фойдаланишга интилиши ҳам болалар орасида олиб борилаётган миссионерликнинг ўзига хос кўриниши сифатида қайд этиш мумкин.

Миссионерлар шунингдек, жамиятимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ақли заиф болалар, касаллар учун «инклюзив таълим»ни ташкил этиш, ўсмирларни наркотиклардан ҳимоя қилишдек йўналишларда турли шакл ва мазмунда амалга оширилаётган лойиҳалар руҳига мослашишга ва шу йўл билан гўёки, уларнинг фаолияти мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар-

га ҳамоҳанглигини кўрсатишга интилоқдалар. Бундай ҳаракатлар аслида фуқароларнинг хушёрлигини йўқотиш ва шу йўл билан ғараз мақсадларга эришишга қаратилгани ҳеч кимга сир эмас.

### *Миссионерликда нима учун ёшларга алоҳида эътибор берилади?*

Ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг турли мафкуравий таъсир ва таъйиқларнинг бош объектига айланишига олиб келди. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез берилувчан ва, айни пайтда, энг ҳаракатчан қатлами экани инобатга олинмоқда.

«Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, мен сенга кейинги авлоднинг табиати қандай бўлишини айтиб бераман», – деб ёзган эди инглиз сиёсий арбоби Эдмунд Берк. Шу нуқтаи назардан қараганда, миссионерларнинг жамиятнинг эртанги кунини белгилаб берадиган авлод онгини эгаллаш, назорат қилишни кўзлаб иш юритаётганини қайд этиш лозим.

Қайд этилган мулоҳазалар нега ёшлар миссионерлик фаолиятининг асосий объектига айланганини муайян даражада тушуниш имконини беради. Миссионерликнинг таникли назарийчиси П. Джонстоун талаба ёшларни миссионерлик фаолиятининг асосий объекти деб қараб, ўзининг «Дунё операцияси» китобида жумладан, шундай ёзади: «Бутун дунёда университет ва коллежларда 37 миллион талаба таҳсил олади. Уларнинг кўплари 20 йилдан сўнг йирик мансабларни эгаллашади».

Тасаввур қилинг эртага ана шундай прозелитлардан бири, юқори давлат мансабларидан бирига кўтарилди. Ўша мансабдор энди давлат манфаати учун



хизмат қилармикин ёки ўз раҳнамолари нағмасига ўйнармикан? Афсуски, ёшларимиз орасида ҳам бундайлар йўқ эмас. Уларнинг тилларидан Ватан танқиди ва Европа тақлиди тушмайди. Ўзларини «лидер», «юқори сиёсий онг эгаси» деб билган ҳолда улар хориждан келган айғоқчи миссионерларни ўзларига идеал қилиб олганлар.

«Зарғалдоқ» инқилоблар, турли диний экстремистик ҳаракатлар, террорчилик хуружларининг асосий иштирокчилари ёшлар экани эса юқоридаги каби эътиқодий ва ғоявий таъсир ва таъйиқлар қандай оқибатларга олиб келишини, ўсиб келаётган авлодга хос фаоллик ва социал энергиядан ғайриинсоний мақсадлар йўлида нечоғлик усталик билан фойдаланиш мумкинлигини яққол намоён этиди.

***Миссионерларнинг аёллар орасида иш олиб боришга алоҳида эътибор бераётганининг сабаблари нимада?***

Маълумки, аёллар ўз табиатига кўра, ишонувчан, ташқи таъсирга мойил бўладилар. Айни пайтда, улар ҳаётда сабр-бардошли ва фидоий бўлиш билан бир қаторда ҳамиша маънавий-руҳий кўмакка, қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезадилар. Миссионерларга ўз мақсадларига эришишда аёлларга хос мана шундай маънавий-руҳий хусусиятлар айниқса кўл келади.

Оила – мўъжаз бир жамият. Миллатнинг бирлиги ва жипслиги, мамлакатдаги барқарорлик ва тараққиёт ана шу кичик жамият – оиладаги яқдиллик ва аҳиллика боғлиқ. Бу прозелит аёлни тарбиялашга интилиш ортида жамиятда беқарорликни келтириб чиқариш, ижтимоий ва миллий тотувлик асосларига раҳна солишдек мақсад-муддаолар ётганини кўрсатади.

Оила – миллат ва мамлакатнинг келажаги бўлган ёшлар тарбияси амалга ошириладиган қутлуғ макан. «Илк тарбия ҳамма нарсадан ҳам муҳим бўлиб,

у шубҳасиз аёллар зиммасидадир», – деб ёзган эди француз файласуфи Ж.Ж.Руссо. Шу нуқтаи назардан қараганда, миссионерларнинг аёлларга бўлган эътибори уларнинг эътиқодини ўзгартириш орқали фарзандлари дунёқарашини ҳам тегишли йўналишда шакллантириш, миллат, жамиятнинг эртанги кунини муайян йўсинга солишга бўлган интилиш билан белгиланишини ҳам таъкидлаш зарур.

Аёлларнинг улуши баптистлар ва пятидесятниклар черковларига қатнайдиغانлар орасида 70, адвентистлар ва «Иегово шоҳидлари» орасида 80, пресвитериан черковларига қатнайдиغانлар таркибида 90 фоизгача бориши эса миссионерларнинг ана шу мақсадлар йўлидаги хатти-ҳаракатларининг ҳаётий-амалий натижасдир.

***Миссионерларнинг пенсионерларга бўлган эътиборини нима билан изоҳлаш мумкин?***

Пенсионерлар бўш вақт ресурсига эга бўлган қатлам ҳисобланади. Муайян ҳолларда, уларда бу вақтни банд қилиш муаммоси ҳам бор. Шу билан бирга, пенсионерлар буви ва бува сифатида набиралар тарбиясида ҳам фаол иштирок этишларини инобатга оладиган бўлсак, миссионерларнинг уларга бўлган эътиборининг туб моҳиятини англаб етиш мумкин.

«Тўлиқ Инжил христианлари», пресвитериан, «Еттинчи кун адвентистлари», баптистлар черковларига қатнайдиغانларнинг ижтимоий таркибида пенсионерларнинг улуши 30-80 фоизни ташкил этиши ана шу эътиборнинг самарасидир.

Миссионерларнинг ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, хўжалик ва уй ишларида кўмаклашиш, уларга турли озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олган совғаларни тақдим этиш амалиётини йўлга қўйгани эса бундай самарадорликка эришишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

*Нима учун миссионерлар кам сонли бўлган  
ногиронлар қатламига ҳам алоҳида  
этибор билан қарайдилар?*

Дарҳиқат, воқелик миссионерлар ногиронларга ҳам алоҳида этибор билан қараётганини кўрсатмоқда. Албатта, бундай этиборда ҳам психологик омилнинг ўрни бор. У ёки бу сабабга кўра ногирон бўлган одам бошқаларнинг кўмагига, маънавий-руҳий қўллаб-қувватлашига доимий эҳтиёжманд бўлади. Айнан мана шуни инобатга олган миссионерлар ногиронлар, жумладан, кар-соқовлар орасида иш олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу билан бирга, яна бир ҳолатни унутмаслик лозим. ~~Айрим касалликлар билан боғлиқ ҳолатларни истисно~~ этганда, ногиронлар, кўзи ожизлар, кар-соқовлардан ҳам соғлом фарзанд туғилади. Бунда миссионерларнинг стратегик мақсади ногирон ота-оанлар орқали ана шу соғлом болаларнинг келажагига эгалик қилишдек манфур ният ётганини англаш қийин эмас. Хусусан, «Тўлиқ Инжил христианлари», баптистлик йўналишларига мансуб айрим-чирковлар кар-соқовлар билан ишлашга алоҳида этибор бераётгани, ибодат пайтларида сурдо таржимани йўлга қўйганини, баъзи ҳолларда махсус ибодат хоналари ташкил этганини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин.

Таҷриба аксарият ҳолларда жойлардаги соҳага мутасадди ташкилотлар ва раҳбарларнинг ногиронларнинг мавжуд муаммоларини ҳал қилишга масъулиятсизлик билан ёндашиши, эҳтиёж, қизиқиш ва интилишларига бефарқлиги ҳам бу қатлам вакилларининг миссионерларнинг осон ўлжасига айланишига олиб келишини кўрсатади.

---

## *Саккизинчи суҳбат*

### **МИССИОНЕРЛИК: МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАР**

#### ***Марказий Осиёда миссионерликни амалга оширишга қаратилган махсус дастурларнинг мазмун-моҳияти нимада?***

Муайян ҳудудларни эътиқодий таъсир ва таъйик ўтказиш объекти сифатида танлаб олиш ва улар билан мақсадли ишлаш миссионерлик стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Миссионерликнинг машхур назарийётчиси Ж. Монтгомери фикрича, христианлик ўз тарихида бир авлод ҳаёт даврининг ўзида амалга ошириш учун 700 дан ортиқ Бутунжаҳон инжиллаштириш режаларига эга бўлган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда Марказий Осиё христиан миссияларининг асосий ҳаракат нуқтасига айланган ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Миссиялар томонидан ушбу ҳудудни ўзлаштириш учун бир қатор режалар ишлаб чиқилган. 2000 йилга бориб дунёдаги черковлар сонини 7 миллионга етказиш кўзда тутилган «Тонг-2000» дастури доирасида минтақамизда ҳам черковларни кескин кўпайтириш, уларнинг сонини бир неча баробарга ошириш назарда тутилгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Марказий Осиёни христианлаштиришга қаратилган «Марказий Осиё-300» лойиҳасида ҳам юқоридаги каби мақсадлар белгиланган. Жумладан, лойиҳада 2009 йилгача минтақада 300 та янги черков ташкил этилиши режалаштирилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Фаол миссионерлик билан шуғулланаётган «Еттинчи кун адвентистлари» жамоаси томонидан Марказий Оси-

ёда ўз фаолиятларини кучайтириш мақсадида махсус бўлим тузилгани ҳам яқин истиқболда минтақамизда «чин эътиқодни» тарғиб қилиш йўлидаги ҳаракатлар янада кенгроқ кўлам касб этиши мумкинлигидан да-лолат беради.

*Меҳнат миграциясига хос хусусиятлардан  
миссионерлик йўлида фойдаланишга интилиш  
нималарда кўринади?*

Глобаллашув чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда меҳнат миграцияси табиий ҳолат ҳисобланади. Мутахассислар маълумотларига кўра, Ер юзидаги ҳар 6 одамнинг 1 таси меҳнат мигранти ҳисобланади. Бошқача айтганда, тахминан 1 миллиарддан ортиқ одам кўпроқ тул топиш, яшаш шароитини янада яхшилаш мақсадида мамлакат ичида бир жойдан иккинчи жойга ёки бир давлатдан бошқасига ишлаш учун боради. Глобал характер касб этган мазкур ҳолатдан ҳам миссионерлар усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Мавсумий меҳнат мигрантларига яхши иш топишда маслаҳат бериш, иш топишда кўмаклашиш, уйда қолаётган оила аъзолари ва яқинларига кўмаклашиш байроғи остида миссионерлик ҳаракатлари олиб борилаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Шу билан бирга, миссионерлар психологик тазйикқа учраган меҳнат мигрантларини улар бораётган мамлакат ёки ҳудуддаги ҳамкасблари кўлига тутқазадилар. Шу тариқа, улар бошлаган маънавий-руҳий таъсир эътиқодий тарбия билан алмашади. Тадрижий ва тизимли эътиқодий босим остида қолган инсон охи-роқибатда ўз динини ўзгартиради. Ана шу тариқа христианликни қабул қилиш ҳоллари бугунги кунда масалан, Қозоғистон, Жанубий Корея ёки Россияда ишлаб келаётган меҳнат мигрантлари орасида кўплаб уч-

раётгани миссионерлар ўз мақсадлари йўлида халқаро ҳамкорликни ҳам яхши ташкил қилганликларини кўрсатади.

Юқоридаги каби тактикани чет элда таълим олиш учун ҳаракат қилаётган ёшларга, хорижлик фуқарога турмушга чиқиб, ўз бахтини топишга интилаётган аёл-қизларга нисбатан қуллаш ҳоллари учраётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур ҳолат ҳам уларнинг конкрет вазиятга мослашган ҳолда ишлашга ҳаракат қилаётганини яна бир бор исботлайди.

**Миссионерлар маълум соҳаларда меҳнат қилишдан ҳам ўз мақсадлари йулида фойдаланишмоқда, деишади. Буни қандай изохлаш мумкин?**

Очиқ-ошқора миссионерлик ҳаракатларини олиб бора олмаслик миссионерларни янги йўللارни қидириб топишга ундамоқда. Хусусан, муайян корхона ёки ташкилотда бундай фаолият билан шугулланиш имконининг йўқлиги миссионерларни одамларнинг диққатини тортмайдиган соҳаларга ишга жойланиш орқали ўз ҳаракатларини давом эттиришга ундамоқда. Сўнги пайтда, масалан, негочилар шаҳар ободончилиги тизимида фаррош ва ўзига тўқ фуқароларнинг уйда хизматкор сифатида ишлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бундай йул ўзига хоё самарадорликка эга, албатта. Масалан, кўча супураётган фаррош утиб кетаётган ҳар бир одам билан эркин ва бемалол мулоқотга киришган ҳолда уни қийнаётган муаммолар ҳақида гаплашиш, уларни ечишга ердам бера оладиган кишилар борлигини баён этиш ва «тўғри йўлни» топишга таклиф этиш имконига эга бўлади.

Уйда хизматкорлик қилаётган, ўзининг хушмуомалалиги, тўғрисузлиги, меҳнатгашилиги, боз устига диний билимлардан хабардорлиги билан ишонч қозонган

миссионер эса, ўзига тўқ оиланинг уй бекаси, фарзандларига аста-секинлик билан бўлса-да, эътиқодий босим ўтказиш йўлидан боради. Тажриба, афсуски, аксарият ҳолларда улар ўз кўзлаган натижаларига эришишларини кўрсатмоқда.

***Миссионерлар мамлакатимизга хос хусусиятлардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишаётганини нималарда кўриш мумкин?***

Миссионерлар ўзлари фаолият олиб борадиган мамлакатга хос хусусиятларни ҳамиша эътиборга олганлар. Масалан, 2007 йил мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилинган эди. Ушбу йилда ижтимоий мазмунга эга кўплаб тадбирлар амалга оширилди, муҳтож оилаларга турли шаклларда ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, бундай оилаларни қорамол билан таъминлаш бўйича аниқ дастурий ишлар амалга оширилди. Миссионерлар томонидан бундай хайрли ишга «ўз улушларини қўшишга» ва айрим муҳтож оилаларга эчки ва сигир олиб беришга, ўзларининг беғаразлигини иддао қилган ҳолда муҳтож оилалар болаларининг суннат тўйларини ўтказишга ҳаракат қилганликлари ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Айни пайтда, миссионерлар ҳудудий ўзига хосликларини инобатга ҳолда фаолият олиб боришга ҳаракат қилишини ҳам таъкидлаш зарур. Чунончи, Қорақалпоғистон ва Хоразм минтақаларидаги умумий экологик вазиятни ҳисобга олиб, миссионерлар ўз ҳамкорлари бўлган хорижий халқаро ташкилотлар билан биргаликда «ичимлик сувининг сифатини яхшилаш», «экологик вазиятни барқарорлаштириш», «болалар ва оналар саломатлигини мустаҳкамлаш», «қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни

оқилона ташкил этиш» деган шиорлар ва тамойиллар остида иш олиб боришга ҳаракат қилганликлари маълум. Бугун бутунлай тўхтатилган бундай «гуманитар лойиҳаларни» ўз вақтида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширишга ҳаракат қилинган эди.

***Мамлакатимизда нишонланадиган байрамлар, уларга хос хусусиятлардан ҳам миссионерлик йўлида фойдаланишмоқда, дейишади. Шу тўғрими?***

Дарҳақиқат, шундай. Улар миллий байрамларимиз ва шу билан боғлиқ ҳолда кишиларимиздаги бир-бирига кўмаклашиш, меҳр-мурувват кўрсатиш, ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, эҳтиёжмандларни кўллаб-қувватлаш, оғирини енгил қилишдек оддий инсоний фазилатлар устуворлигидан ҳам усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бундай ҳаракатлар айниқса, «Тўлиқ Инжил христианлари», «Инжилчи христианлар», «Тўлиқ инжил христианлари (пятидесятниклар)», пресвитерианлар, баптистлар ва «Еттинчи кун адвентистлари» йўналишларига мансуб черковлар томонидан доимий равишда амалга оширишга уринилишини таъкидлаш зарур.

Беғараз дея тақдим этилаётган, аслида жамиятнинг ёрдамга муҳтож қатламларини аниқлаш ва сўнгра улар билан мақсадли иш олиб боришни кўзлайдиган бундай ҳаракатлар «Янги йил», «Наврўз», «Хотира ва қадрлаш куни» байрамлари билан боғлиқ ҳолда айниқса кўп амалга оширилади. Миссионерлар ўзлари кўрсатаётган «ёрдамни» шу байрамлар руҳига мослаштиришга ҳам ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, «Янги йил» байрами муносабати билан болалар учун турли ширинликлар, ўйинчоқлар ва янги йил руҳини акс эттирувчи ҳар хил



тўпламларни совға қилиш, тансиқ мева-чеваларни ўз ичига оладиган озиқ-овқат пакетларини тақдим этиш, мухтож оилалар фарзандлари учун кўйлак, шим ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни ўз ичига олган комплексларни тарқатишга алоҳида эътибор берилмоқда.

«Наврўз» – халқимизнинг азалий байрами. Унда баҳорнинг тансиқ таомларини ўзида мужассам этган дастурхонлар ясаиб, кўпчилик бўлиб ўйин-кулгу қилишимиз одатий ҳол ҳисобланади. Бундай анъанамиздан фойдаланган миссионерлар байрам дастурхонини ташкил қилиш, унда «ўз улушлари» билан иштирок этишга ҳаракат қилмоқдалар. Хусусан, уларнинг турли минтақаларимизда жойлашган кўзи ожизлар жамиятлари, меҳрибонлик уйларида шундай ҳаракатларни амалга оширишга интиланликлари фикримизнинг исботи бўла олади.

«Наврўз»ни сумалаксиз ва катта қозонларда дамланган опсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мазкур ҳолатни инобатга олган миссионерлар муайян миқдордаги ун ва гуручни ўз ичига олган озиқ-овқат пакетларини уйма-уй юриб тарқатиш ёки уни харид қилиш учун муайян миқдордаги нақд пул маблағларини таклиф этиш амалиётини йўлга қўйишга уринаётганликларини ҳам таъкидлаш зарур.

«Наврўз» меҳр-мурувват байрами ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, миссионерлар турли хайрия тадбирларига маблағ ажратиш, черковга ибодатга келувчиларнинг ўз фарзандларига кичик бўлиб қолган, кийилган уст-бошларни ювиб, мухтож оилалар фарзандларига тарқатишга ҳам ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Миссионерлар «Хотира ва кадрлаш куни»да уруш қатнашчилари учун ташкил этиладиган оммавий маданий-маърифий тадбирларнинг «ҳомий»ларидан бири сифатида иштирок этиш, очиқ эшиклар кунини эълон қилиб, ош дамлаш ва кишиларни черковга оммавий жалб қилишга уринаётганини ҳам қайд этиш лозим.

Миссионерлар байрам вазиятидан фойдаланган ҳолда ўзларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатларини содир этишга интилаётганларини ҳам таъкидлаш зарур. 1 октябрь – «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»ни нишонлаш байроғи остида айрим протестант йўналишидаги ташкилотларнинг гайриқонуний йиғинлар ўтказишга уринишларининг олди олингани бунга мисол бўла олади.

Миссионерлар ўз мақсадлари йўлида бадий адабиётдан ҳам унумли фойдаланаётганини нималарда қўриш мумкин?

Кишилар фаолиятига ғоявий мазмун бахш этиш, эътиқодий тарбияни амалга ошириш, инсон тафаккури ва дунёқарашини ўстириш ва ўзгартиришда бадий адабиёт ўзига хос ўринни эгаллайди.

«Адабиёт – атомдан кучли», – деб ёзган эди Абдулла Қаҳҳор. Ҳақиқатан ҳам шундай. Агар адабиёт эзгулик руҳи билан суғорилган бўлса баркамол шахсни тарбиялайди, жамият юксалишига хизмат қилади. У ёвузлик ва жаҳолатни тарғиб қилганда маънавий қашшоқликни келтириб чиқаради ва мажруҳ авлодни шакллантиради.

Адабиётнинг ҳар бир йўналиши эътиқодий тарбияни амалга ошириш, у ёки бу ғоянинг тўғрилиги ва ҳаётийлигини асослашда ўзига хос имкониятларга эга. Шеър қисқа ва оҳангдор ифода орқали кишилар ҳиссиётларини жумбушга келтирса, романлар, қиссаларда муайян ғоялар аста – секин сингдириб борилади.

Айнан мана шу хусусиятлар миссионерларнинг бадий адабиётдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга интилишини келтириб чиқармоқда.

Шу билан бирга, миссионерлар ўз мақсадлари йўлида бадий адабиёт намуналари мазмунини бузиб талқин қилишдан ҳам тоймаётганини қайд этиш лозим. Айрим миссионерлар республикамизда масиҳийликни

тарғиб қилишда Алишер Навоий шеърларидаги муайян мисралардан фойдаланишга интилаётгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Масалан:

*Бир қадах берсанг, қўярмен бутқа юз, эй пири дайр,  
Иккисин олиб, бошимга ҳасбатан лиллоҳ, кел.  
Гарчи келмай-келмай ўлтурдинг Навоийни валек,  
Эй Масиҳ, онинг мазори бошига гоҳ-гоҳ кел.*

Мазмуни: Эй дайр пири – «Тарсолар ибодатхонаси бошлиғи» агар менга бир қадах берсанг бутга сиғинаман. Сен иккитасини олиб, Аллоҳ учун ёнимга кел.

Эй Масиҳ, сен Навоийни ёнига келмай ўлдирдинг, ~~эди унинг мазори бошига гоҳ-гоҳ кел~~ (Алишер Навоий. Қора кўзим – Т., 1988. – Б. 412).

Бу мисраларда бадиий тасвир воситаси сифатида «қадах», «бут», «пири дайр», «Масиҳ» сўзлари ишлатилган.

*Лаълини севдим, кўзининг қатлидин қайгурмоғум,  
Не гам ўлмакдин киши бўлса Масиҳо бирла дўст.*

Мазмуни: Мен ёрнинг лаълини (лабларини) севдим. Жаллод кўзларининг қатл этишидан қайгурмайман, чунки Масиҳо билан дўст бўлган кишининг ўлмоқдан гами бўлмайди (Алишер Навоий. Қора кўзим – Т., 1988. – Б. 74).

Юқоридаги мисралар «талмех санъати»нинг, яъни жой, тарихий шахслар, пайғамбарлар, авлиёлар номларини ўз фикрини ифода этиши учун бадиий тасвир воситаси сифатида ишлатишнинг ёрқин намунасидир. Алишер Навоий асарларида шундай руҳда ёзилган ҳамда Исо ва Масиҳ номлари истифода этилган мисраларни кўплаб топиш мумкин.

Талмех шеърий санъати Навоийгача, унинг устозлари ижодида ҳам кўплаб учрайди. Бундан асло улар

христиан (насоний) динига эътиқод кўйганлар деган хулоса келиб чиқмайди. Зеро, Алишер Навоий ислом дини ва шариат аҳкомларининг пешвоси ва ҳомийси бўлган. Барча пайғамбарлар қатори Исо Масихни ҳам эҳтиром билан тилга олган. Чунки уларнинг номлари ва фаолияти Қуръони каримда қайд этилиб, тегишли баҳо берилган.

Бадий адабиётимизга хос юқоридаги каби нозик жиҳатлардан хабардор бўлган миссионерлар улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар. Жумладан, Алишер Навоийнинг христианликни тарғиб қилгани ҳақида гапирмоқдалар. Ушбу мисол ҳам миссионерларнинг ўз ниятларига эришиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмасликларини яна бир бор тасдиқлайди.

*Миссионерлар ўз мақсадларига эришиш учун ҳатто «Қуръон»даги айрим оятлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилишар экан. Шу тўғрими?*

Тўғри. Масалан, иеговочилар мусулмонларга «Иегово» Аллоҳнинг 99 исмидан бири, деган фикрни сингдиришга интилиш баробарида ўз эътиқодларининг тўғрилигини асослашда жумладан «Қуръон»нинг куйидаги оятидан фойдаланадилар:

«Яна, улар Сизга ва Сиздан илгари (ўтган пайғамбарларга) нозил қилинган нарсаларга (илоҳий китоб ва саҳифаларга) имон келтирадиган ҳамда охиратга (қиёмат кунига) қатъий ишонадиганлардир» (Бақара сураси, 4-оят).

Иеговочилар таъкидига кўра, оятдаги «сендан олдин нозил қилинган нарсага», деган сўзларда «Таврот» ва «Инжил» назарда тутилган. Уларнинг фикрича, ушбу оят «Библия»нинг муқаддас китоб эканини тасдиқлайди. Муфассирлар қайд қилганларидек, ушбу

сўзлар ҳақиқатан ҳам «Таврот» ва «Инжил»га ишора қилади. Аммо ислом ақидасига биноан «Қуръон»да зикр этилган «Таврот» ва «Инжил» ҳозирда мавжуд эмас. Зеро, бугунги кунда шу ном остида истифода қилинаётган китоблар ўзгартишларга учраган.

Шунингдек, иеговочилар ўзларининг гўёки, ҳақ эканини асослаш учун «Қуръон»даги қуйидаги оятдан ҳам фойдаланишга ҳаракат қиладилар:

**«Агар улар Таврот, Инжил ва уларга Парвардигорлари томонидан уларга нозил қилинган нарса (Қуръон)га риоя қилишганида, тепаларидан (маънавий), оёқлари остидан (моддий) таъминланган бўлур эдилар...»** (Моида сураси, 66-оят).

Қайд этилган оятни ўзларининг манфаатларига мос тарзда талқин қилиб, улар мусулмонлар онгига «Қуръон» ҳам «Таврот» ва «Инжил»га амал қилишни буюрмоқда, деган ғояни сингдиришга ҳаракат қиладилар. Аммо уларнинг бундай даъволари мутлақо асоссиздир.

Миссионерлар ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмасликларини юқорида ҳам кўрган эдик. Мазкур ҳолатда ҳам шундай йўл тутилаётганини қайд этиш лозим. Чунки иеговочилар ўз манфаатларига хизмат қилмагани учун ушбу оятнинг бир қисмини «унутиб кўядилар». Эътибор берилса, оят ўзининг тўлиқ шаклида ва мусулмон уламолари тафсирида мутлақо бошқача мазмун касб этади:

**«Агар улар Таврот, Инжил ва уларга Парвардигорлари томонидан уларга нозил қилинган нарса (Қуръон)га риоя қилишганида, тепаларидан (маънавий), оёқлари остидан (моддий) таъминланган бўлур эдилар. (Дарвоқе), улар ичида мўътадил (имонли) тоифа ҳам бор. (Лекин) улардан кўпчилигининг қилаётган ишлари ўта ёмондир»** (Моида сураси, 66-оят).

Муфассирлар ушбу оятни шарҳлар эканлар, ундан мурод Аллоҳ томонидан нозил қилинган «Таврот» ва «Инжил»даги охирзамон пайғамбари келиши ва барча унга эргашиши лозимлиги ҳақидаги буйруққа амал қилишдир, деганлар. Ислом эътиқодига биноан, «Таврот» ва «Инжил»нинг асл нусхалари мавжуд бўлган тақдирда ҳам, барибир юқоридаги буйруқдан бошқасига амал қилиш бекор қилинарди.

«Қуръон»нинг муқаддаслигини инкор этиш, унда изчиллик ва давомийлик йўқлигини таъкидлаш, унда НОТУҒРИ МАЪЛУМОТЛАР ВА ЗИДДИЯТЛАР КЎПЛИГИНИ «ЁРИТИШ» ҳам иеговочилар тарғибот йўлининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, улар «Ислом таназзулга юз тутмоқда ва насронийлик барча миллатлар орасига кириб бормоқда», деган қарашларни тарқатишга алоҳида эътибор бераётганини ҳам қайд этиш лозим

Айни пайтда, «Иегово шоҳидлари» ўз «тушунтириш» ишларида кишилар кундалик ҳаётда дуч келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кўпчилигини гўёки, бугунги жамиятда оташпарастлик, бутпарастлик элементлари кўпайиб бораётгани билан боғламоқдалар. Уларнинг фикрича, кишиларнинг «Иегово шоҳидлари» таълимотини қабул қилиши юзага келган вазиятдан чиқиб кетишнинг ягона ва энг тўғри йўли ҳисобланади.

*Миссионерлик билан шуғулланаётган айрим ташкилотлар нафақат мусулмонлар, балки православлар орасида ҳам фаол ҳаракатлар олиб боришмоқда. Шундай эмасми?*

Дарҳақиқат, шундай. Хусусан, протестант миссионерлари мақсадли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни устомонларча ташкил қилиш йўли билан православликка эътиқод қиладиган фуқароларни ҳам

ўз томонларига оғдириб олиш йўлидаги ҳаракатларни олиб бормоқдалар.

Хусусан, иеговочилар православликнинг ақидавий асосларини хато, «иблисона» деб билган ҳолда, у билан шу жумладан, Марказий Осиёда курашишни ўзининг устувор йўналишларидан бири сифатида эълон қилганини таъкидлаш зарур. 2007 йилнинг июнида улар томонидан Чирчиқ шаҳридаги Рус православ черковининг «Святой Георгий победоносец» эркаклар монастири ҳудудида ибодатга келганлар орасида ўз адабиётларини тарқатишга уринганларини ҳам бу йўлдаги амалий ҳаракатлар жумласига киритиш мумкин.

Натижада миссионерлар фаолияти устидан Ўзбекистонда эътиқод қилувчиларнинг сони бўйича мусулмонлардан кейин иккинчи ўринда турадиган православлик вакилларидан ҳам кўплаб шикоятлар тушмоқда. Православ руҳонийлари, уларнинг таъбири билан айтганда, бундай «сектантлар»га қарши курашиш лозимлигини тобора қатъий ва астойдил талаб қилмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қайси ташкилотга мансуб бўлишидан қатъи назар, миссионерлар бундай фаолиятлари билан фуқаролар орасида ўзларига нисбатан салбий фикр ҳосил қилмоқдалар. Одамлар орасида миссионерларни душманлар сифатида кўрадиганлар пайдо бўлмоқда.

Миссионерларнинг православлар орасида олиб бораётган фаолиятининг оқибатлари ҳақида гап кетар экан, у конфессиялараро алоқаларга ҳам салбий таъсир кўрсатаётганини қайд этиш лозим. Хусусан, католикларнинг православлик анъанавий равишда устувор бўлиб келган ҳудудларда ва ушбу конфессияга эътиқод қилувчилар орасида фаол миссионерлик билан шуғулланаётгани Рим Папаси ва Рус православ черкови патриархати орасидаги тўлақонли мулоқотнинг юзага келишига тўсқинлик қилаётгани фикримизнинг исботи бўла олади.

*Бугунги кунда минтақамизда миссионерлик билан шуғулланаётган диний секталарнинг фаолияти ҳақида нима дейиш мумкин?*

Дарҳақиқат, бугунги кунда турли диний секталар ҳам ўз тарафдорлари сонини кўпайтириш мақсадида миссионерлик билан шуғуланмоқдалар. Хусусан, минтақамизда янгича насронийлик йўналишидаги диний-мистик ҳаракат ҳисобланган «**Пастор Мун черкови**» бирлашмаси фаолият олиб боргани фикримизнинг исботи бўла олади. Айни пайтда, бу ташкилот тарафдорлари «Тошкент аёлларининг бутун дунёда тинчлик уюшмаси» ва «Қийналган ёшларнинг уйғун ривожланиши» номли жамоат ташкилотлари ниқобида ҳам фаолият кўрсатган. Бир неча бор қонун талабларини бузган ва очиқ миссионерлик ҳаракатларини намойиш этгани учун 1994 йилда тегишли тартибда расмий диний ташкилотлар рўйхатидан чиқарилган. Мазкур ташкилот раҳбарлари мамлакатдан чиқариб юборилди.

АҚШда юзага келган ва фаол миссионерлик билан шуғилланишга уринаётган ташкилотлардан бири «Мормон» ёки бошқа номи «Исо Масеҳнинг Охириги Кун Азизлари черкови»дир. Мазкур оқимга 1830 йили Нью-Йорк (АҚШ) шаҳрида Жозеф Смит (1805-1844) исмли шахс томонидан асос солинган.

Смит 1823 йилда Вермонт шаҳридаги Шерон ўрмонида камбағал ва бечора тарафдорларига Морони номли бир фариштанинг ўзига ваҳий олиб келганини даъво қилади. Унга кўра Морони, Смитга Нью-Йоркдаги Кумора тепалигига кўмилган, қадимги Миср тилида ёзилган олтин лавҳлар ва уларни таржима қилиш учун Урим ва Тҳуммин тошларини келтириб берган.

Жозеф Смит матнларни ўқигани ва фаришта ёрдамида таржима қилганини эълон қилади ва уни нашр эттиради. Шундай қилиб, 1830 йилда «Мормон кито-



би» босиб чиқарилган. Китобдаги буйруққа биноан янги бир черков қурилган. Бу черков, «Исо Масихнинг Охирги Кун Азизлари черкови» деб номланган. Унинг тарафдорлари эса шундан сўнг «Мормонлар» дейила бошланган.

Мормонлар эътиқодига кўра, америкаликлар исроил қабилаларидан келиб чиққан ва қизил ҳамда оқ танлилардан ташкил топган. Исо тирилганидан кейин оқ танлилар орасида фаолият олиб борган, лекин унинг черкови қизил танлилар томонидан вайрон қилинган. Охирги оқ танлилар XV асрда яшаган Мормон билан унинг ўғли Моронидир. Лавҳларни ана ўшалар кўмган ва уларни Смит топиб олган.

Смит 1831 йилда янги Қуддуснинг Киртланд шаҳрида (Огайо штати, АҚШ) қурилишига доир ваҳий олганини айтган. Тарафдорлар сонини орттириш мақсадида мормонлар фаол равишда миссионерлик билан шуғулланганлар.

Омадли кечган бир-икки йилдан кейин Смит «Мормон китоби»да акси ёзилган бўлишига қарамасдан, янги бир «ваҳий»га асосланиб, кўпхотинлилиқни тарғиб қилган ва ўзи бу ишни бошлаб берган. Унинг бу фикрига жиддий қаршилиқлар бўлган, натижада Смит укаси ва тарафорлари билан қамоқхонага ташланган. Қисқа бир муддатдан кейин улар маҳкумлар томонидан ўлдирилган.

Смитдан кейин мормонларга Брижман Янг бошчилик қилди. У ўлими ортидан 178 та хотин ва 49 та болани қолдириб кетди.

Мормонлар миссионерлик фаолиятини олиб бордилар ва ушбу фаолият бутун дунёга тарқалганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мормонлар наздида ҳар бир аъзо икки йил миссонерлик қилиши керак. Миссионерлик фаолияти бугунги кунда 4000 дан ортиқ аёл ва эркак мормон томонидан олиб борилмоқда. Улар-

нинг аксариятини ёшлар ташкил қилади ва улар ўз ҳаётларини миссионерлик учун бағишлаганлар.

Бугунги кунда мормонлар дунёнинг 160 мамлакатада фаолият олиб бориб, тахминан 30 минг черков ва 12 миллион издошларига эга. Расмий христианлик мормонларни «адашган оқим» сифатида эътироф этади.

1960-йилларнинг ўрталарида жаҳонда диний эътиқод борасида қутилмаган ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, АҚШда қабул қилинган қонун-қоидалар, шунингдек, Вьетнамдаги урушга қарши ҳаракат шиори остида ёшларнинг «Сатанистлар» - «шайтон малайлар» деб номланувчи йўналиши шаклланди. Уларнинг таълимотига кўра, шайтоннинг Худодан фарқи унинг инсонга бу дунёда яхшига қарши ёмон борлигини билдирувчи ва Ер юзида фаҳш, алкоголь, наркотик каби дунё лаззатлари борлигини ўргатувчи эканидир.

Россияда бу йўналиш вакиллари қабр ва муқаддас саналган обидаларни бузиш каби турли номақбул ишларни амалга оширганлар.

Ўзбекистонда сатанистлар фаолияти аниқ ҳолатларда кузатилмаган. Аммо, айрим ҳолларда «сатанистлар» каби кийиниб олган 5-6 кишидан иборат ёшлар гуруҳи фуқаролар тарафидан кузатилгани аниқланган.

***Минтақамизда пайдо бўлган «Қуёшга топинувчилар» сектаси ҳам ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда, дейишади. Шу тўғрими?***

Дарҳақиқат, Қозоғистонда пайдо бўлган ва баъзан «Қуёшга топинувчилар» («Солнцеклонники») деб аталаётган секта ҳам Ўзбекистонда фаолият юритишга ҳаракат қилмоқда. Кўпчилик ҳолларда «Фархат Ата» (ёки «Алла ота») сектаси, деб аталадиган ушбу сектага Фархот Мухаммадович Абдуллаев ва унинг турмуш ўртоғи Нина Абдуллаевалар томонидан асос солинган.

Қозоғистоннинг Олма-ота вилояти Чунджа уйғур туманида туғилган Фархот Абдуллаев узоқ вақт давомида тракторчи бўлиб ишлаган. Нафақага чикқач, турли йўллар, асосан гипноз ва гўёки, ўзи ўйлаб топган «Қуёш формуласи» ёрдамида одамларни даволаш билан шуғулланган. Тиббий фаолиятидан «шифо топганлар» сони кўпая борган Ф.Абдуллаев ўзини «борлиқнинг яратувчиси» деб эълон қилади.

Секта барча динларни инкор қилиб, фақат Фархот ота ва унинг аёлига ибодат қилиш керак, деган ғояни олға суради. Секта асосчилари томонидан ишлаб чиқилган «даволаш» жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Қуйидаги «Ҳаёт формуласи»ни ёдлаш ва тез-тез ўқиб туриш.

«Алла Нина она Яратувчи Фархот ота

Алла Оят 37 40 6 8 10

Алла Борлиқ Лаззати

Алла Уйғур Оят Алла».

Бу ерда Алла – гўдак, оят – «Яратувчи» томонидан бошқариладиган Қуёш энергияси, лаззат – севги, уйғур – «янги онг», «янги цивилизация» маъноларида ишлатилади.

Формулада келтирилган 37 рақами Ф.Абдуллаевнинг (1937), 40 рақами унинг турмуш ўртоғи Нина Абдуллаеванинг (1940) туғилган йилларини билдирса, 6 рақами уларнинг фарзандлари, 8 чексизликни ҳамда Фархот ота оила аъзолари (Фархот ота, Нина она ва 6 фарзанд) сонини ифодалайди. 10 рақами эса «Яратувчи» кучининг ифодаси, деб талқин қилинади. Бунда 1 рақами Фархот отанинг, ноль эса Қуёшнинг ифодаси деб билинади.

2. Қунига камида 3 дақиқа Қуёшга узлуксиз тикилиб туриш.

3. Эткен – чой истеъмол қилиш (байха чойига сут ва туз солинади).

Секта издошлари орасида гипноз кўп ишлатилади. Қозоғистонда секта издошлари орасида руҳий касалликка чалиниш ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари учрагач, жамоа фаолияти тақиқланган.

Жамоа раҳбари, «борлиқнинг яратувчиси» Фархот Абдуллаев 2007 йил 17 июнда вафот этган.

Ушбу секта тарафдорларининг фаолияти Қорақалпоғистон худудида кузатилган. Кўрилган тезкор тадбирлар натижасида бундай ҳаракатларнинг олди олинган.

Умуман олганда, юқоридаги каби секталар, миссионерлик ташкилотлари фаолиятига чек қўйиш минтақа мамлакатлари олдида турган долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолаётганини таъкидлаш зарур.

***Нима учун бизга кўшни мамлакатларда диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш бўйича олиб борилаётган ҳаракатлар миссионерлар томонидан нодемократик, деб баҳоланмоқда?***

Миссионерлик келтириб чиқараётган таҳдидларнинг моҳияти бизга кўшни бўлган мамлакатларда ҳам тобора чуқурроқ анланмоқда. Натижада, ҳамма вақт ҳам самарали бўлмаса-да, муайян чоралар кўрилмоқда. Хусусан, Қозоғистонда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун 1992 йил 15 январда қабул қилинган эди. 2001 йилда қонуннинг янги таҳрири тайёрланган, у парламентнинг қуйи ва юқори палаталарида маъқулланиб, Президентга имзолаш учун тақдим этилган эди.

Кўшлаб халқаро ташкилотлар мазкур қонуннинг янги таҳрири Қозоғистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишига олиб келади, деб айҳаннос солганларидан сўнг давлат бошлиғи уни кўриб чиқишни Конституциявий кенгашга ҳавола этган, у эса ўз навбатида қонунни тасдиқламаган эди.

Шу тариқа, миссионерлар диний адабиётларни хоҳлаган жойда тарқатиш, уйма-уй юриб тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, ўқув юртлари, жазони ижро этиш муассасаларида бемалол фаолият олиб бориш имкониятини сақлаб қолдилар. «Иегово шоҳидлари» каби ташкилотлар вакилларининг давлат мадҳиясини ижро этишдан, ушбу йўналишга мансуб юзлаб ёшларнинг армияда хизмат қилишдан ва сайловларда қатнашишдан бош тортиши табиий бир ҳолга айланди. Иеговачиларнинг қон қуйишга қаршилик кўрсатишлари натижасида эса болалар ўлимининг содир бўлиши давом этди.

Диний ташкилотларнинг турли жойларда, жумладан, ҳар хил жамғармалар, меҳр-мурувват ишлари, ижтимоий реабилитация марказларида фаолият олиб боришлари ижобий баҳоланиб, улар шаънига мақтовлар ёғдирилди. Акиматлар (ҳокимиятлар) тизимида аккредитациядан ўтган миссионерлардан ташқари, бошқа мамлакатлардан 1-2 ҳафтага келиб кетадиган «даъватчилар» сонининг кўпайиб бориши эса, уларнинг фаолиятини қандайдир даражада бўлса-да, назорат қилиш имкониятини бутунлай йўққа чиқарди.

Юқоридаги каби омиллар таъсирида юзага келган вазиятни қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда Қозоғистонда 49 диний конфессиянинг, жумладан, мусулмонларнинг 2200 та, Рус православ черковининг 280 та диний ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, мамлакат аҳолиси таркибидаги улуши 1 фоиздан ҳам кам бўлган протестантларнинг 1300 та диний ташкилоти эмин-эркин иш олиб бораётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Маълумотларга кўра, улар АҚШ, Корея ва бошқа мамлакатлардаги миссионерлик ташкилотларидан доимий равишда моливий кўмак олиб келмоқдалар.

Қозоғистонлик мутахассислар ва олимлар фикрича, миссионерлик фаолиятига бундай кенг йўл очиб берилгани миллий бирлик ва хавфсизликка таҳдид туғдирмоқда. Зеро, уларнинг қайд қилишича, 1990 йилларнинг бошларида фуқароларнинг турли динларга, шу жумладан, ноанъанавий динларга бўлган қизиқиши маънавий-руҳий омиллар билан белгиланган бўлса, бугунги кунда диний қарашлар одамлар онгига миссионерлар томонидан зўрлаб сингдирилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Қозоғистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасида мавжуд ҳолатни инобатга олган ҳолда, миссионерлик ҳаракатларини муайян даражада чеклаши мумкин бўлган бир қатор меъёрлар белгиланган. Хусусан, махсус рухсатномага эга бўлмаган шахсларнинг миссионерлик билан шуғулланиши ман этилади. Шунингдек, ҳукумат маҳаллий ҳокимиятлар тавсиясига асосан Дин ишлари бўйича қўмита тақдимномаси асосида ҳар йили мамлакат вилоятларида фаолият олиб бориши мумкин бўлган миссионерлар квотасини белгилаши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Айни пайтда, Қонун лойиҳасида вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ёзма розилиги билангина амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Шу билан бирга, диний адабиётларни ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш, жумладан, ишлаб чиқарилаётган ёки мамлакатга олиб кирилаётган диний адабиётларни экспертизадан ўтказиш амалиёти ҳам жорий этилади.

Умуман олганда, янги қонун диний фаолият соҳасидаги ишларни муайян даражада тартибга солади. Миссионерлик ҳаракатларига бутунлай барҳам бера

олмайдиган шундай ўзгартишлар ҳам миссионерлар томонидан найза билан кутиб олинмоқда. Улар бундай ўзгартишларнинг демократик тамойилларга зидлиги, ўзлари кечагина демократия намунаси деб билган Қозоғистонда инсон ҳуқуқларини поймол қилиш учун йўл очилаётгани ҳақида чиқишлар қилмоқда.

Шу ўринда яна бир ҳолатни қайд этиш зарур. Тожикистон ва Қирғизистон давлатларида ҳам диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш, кишиларнинг виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонунларни қайта кўриб чиқиш ва янги таҳрирда қабул қилиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Демак, яқин истиқболда ушбу мамлакатларда ҳам демократик қадриятлар поймол қилинаётгани ҳақидаги даъволар янграй бошлашига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

---

## *Тўққизинчи суҳбат*

### **МИССИОНЕРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

*Мамлакатимизда виждон эркинлигини  
таъминлашнинг конституциявий асослари  
хақида нима дейиш мумкин?*

Виждон эркинлиги – фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқидир. У инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Конституциямизда инсоннинг бундай ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга, жумладан, эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги, дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги ҳақидаги қоида уларнинг асосини ташкил этади.

Қайд этилган тамойилларнинг мантиқий давоми сифатида Конституциямизнинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», – деган қоида мустаҳкамлаб қўйилганини ҳам таъкидлаш зарур.

Ушбу қоида инсоннинг эътиқоди билан боғлиқ ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатлаши билан бир қаторда унинг танлови давлат томонидан муҳофаза қилинишини ҳам эътироф этади. Бошқача айтганда, фуқаро динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка



ўз муносабатини белгилаётган пайтда ҳамда виждон эркинлиги билан боғлиқ бошқа ҳолларда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги фақат хавфсизлик ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин. Бу, демократиянинг ёрқин белгиси ва, аynи пайтда, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилidir.

Таъкидлаш жоизки, бу тартибдаги чеклаш халқаро ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»нинг 29-моддаси 2-бандида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тан олинishi ва ҳурмат қилинishi ҳамда ахлоқ-одоб талабларидан келиб чиқиб, қонунда белгилаб қўйилган тартибда чекланиши мумкинлиги қайд этилган.

Аynи пайтда, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт»нинг 18-моддаси 3-бандида ҳам «Дин ёки эътиқодга сиғиниш эрки қонунда белгилаб қўйилган ва жамоат хавфсизлигини сақлаш, тартиб, сиҳат-саломатлик ва ахлоқ-одобни сақлаш учун, аynи вақтда бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини сақлаш учун зарур бўлган чеклашларгагина нозил бўлади», — деган қонунда мустаҳкамлаб қўйилганини таъкидлаш зарур.

Конституциямизда Ўзбекистон Республикасида диний адоватни тарғиб қилувчи бирлашмалар, диний руҳдаги сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Бу эса мамлакатда эътиқодий бўлиниш ҳамда диндан бир ниқоб сифатида фойдаланиб, ҳокимиятга интилиш ва ғараз ниятларни амалга оширишни режалаштирган турли гуруҳ ва йўналишлар фаолиятининг олдини олишга хизмат қилади.

Конституциямизнинг 61-моддасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган яна бир қоида мустақкамлаб қўйилган: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди».

Мазкур қоида қайси конфессияга мансублигидан қатъи назар, диний ташкилотларнинг бир хил ҳуқуқий мақомда фаолият олиб боришини белгилайди, уларнинг ҳеч қайсисига нисбатан бирор-бир имтиёз ёки чеклашларга йўл қўймайди. Бу қоиданинг аҳамияти яна шундаки, у давлатнинг диний ёки даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятни қўллаб-қувватламаслигини белгилаб беради.

Шу билан бирга, қайд этилган қоидага кўра, давлат диний ташкилотларнинг соф диний масалалари, ибодат ва расм-русумларга, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа турдаги фаолиятига аралашмайди, бу уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холи ҳисобланади. Бу ўз навбатида давлатга турли динларга эътиқод қилувчи фуқаролар, ҳар хил диний конфессияларга мансуб ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат, ҳамжихатлик ва тотувликни қарор топтириш имконини беради.

*Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида нима дейиш мумкин?*

Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон эркинлигини рўёбга чиқариш, диний вазиятни тартибга солиш учун тизимли ҳаракатлар олиб борилди ва борилмоқда. Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида илк қадам сифатида 1991 йил 14 июнда Ўзбекистоннинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни

қабул қилинди. Қонуннинг ижросини таъминлаш ва тегишли назоратни олиб боришнинг амалий механизми сифатида 1992 йил 7 мартда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилди. Бундай Қонун ва қўмита Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда пайдо бўлди.

Айни пайтда, шу йўл билан виждон эркинлиги билан боглиқ ҳуқуқларни суиистеъмол қилаётган турли диний йўналишларнинг ўзбошимча фаолиятига маълум даражада чек қўйилди. Аммо бу ҳам кўпгина йўналишларнинг ғаразли фаолиятини тўхтата олмади. Турли конфессияларга мансуб ташкилотлар қонунан рўйхатдан ўтиб, унга қатъий риоя қилган бўлсалар, айрим диний ташкилотлар қонунни бузишга ёки четлаб ўтишга ҳаракат қилишда давом этдилар. Шу билан бирга, норасмий фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар сони кўпая бошлади. Янги шароитдан келиб чиқиб, амалдаги қонунга ўзгартиришлар киритиш, виждон эркинлиги билан боглиқ ҳуқуқлар доирасини янада аниқ қилиб белгилаш зарурати туғилди. Шу мақсадда 1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

***«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда миссионерликка қандай муносабат билдирилади?***

Умуман олганда, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) кишиларнинг виждон эркинлигини ҳуқуқий кафолатлаш билан бирга диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қиладиган ҳамда давлат ва дин муносабатларини тартибга соладиган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Қонунга биноан «Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар».

Маълумки, Қонуннинг янги таҳрири қабул қилингунгача бўлган даврда юртимизда кўплаб хорижлик фуқаролар ҳам диний фаолият билан шуғулландилар. Улар яратиб берилган имкониятлардан очикдан-очик миссионерлик мақсадида фойдалана бошладилар. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш зарур эди. Шунини инобатга олган ҳолда, Қонуннинг янги таҳририда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланишлари билан бир қаторда амалдаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун муайян тартибда жавобгарликка тортилишлари белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, ўша пайтда хорижлик фуқароларнинг диний ташкилотларга раҳбарлик қилиши ҳам кенг тарқала бошлади. Шундай ҳолатлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида Қонунда тегишли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари бўлиши мумкинлиги, диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди эса Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олиниши зарурлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди.

Юқоридаги қайд этилган қоидалар ҳам ўз моҳиятига кўра, юртимизда миссионерлик ҳаракатлари содир этилишининг олдини олишга қаратилган.

*Миссионерликнинг олдини олиш бўйича  
«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий  
жавобгарлик тўғрисидаги кодексига»да қандай  
қоидалар мавжуд?*

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши ва унинг амалда қатъий қўлланишини таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига»га ҳам бир қатор, хусусан, ноқонуний диний хатти-ҳаракатлар, миссионерликнинг олдини олиш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан:

- диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш;

- диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш;

- Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, йўналишлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш;

- нолегал диний фаолият билан шуғулланиш;

- диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши;

- диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти;

- махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатсиз

диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда белгиланган энг кам иш ҳақининг тегишли миқдоридаги жазима солинишига ёки белгиланган муддатга маъмурий қамоққа олинишга сабаб бўлиши ҳақидаги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди.

***«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси»да миссионерликнинг олдини олиш юзасидан қандай қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган?***

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, муайян ҳолларда биринчи марта қонунни бузган шахс ёки ташкилотга маъмурий жазо қўлланилади. Агарда ўша шахс ёки ташкилот шундан кейин ҳам қонунни бузишда давом этса, унга энди жиноят кодексидаги чоралар қўлланилади. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси» нормаларига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»нинг юқорида қайд этилган бандларидаги ҳаракатлар маъмурий жазо қўллангандан кейин яна содир этилса, бу «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»да белгиланганидан кўра оғирроқ жазолар қўлланишига олиб келади.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси»да «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»да назарда тутилмаган бир қатор ҳаракатлар учун ҳам жазолар белгиланганини қайд этиш зарур. Жумладан:

- вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш;

- вояга етмаган болаларни уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш;

- диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш;

- диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш;

- ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш;

- ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки ташкилотлари фаолиятида фаол қатнашиш билан боғлиқ ҳаракатлар белгиланган энг кам иш ҳақининг тегишли миқдорида жарима солинишига ёки белгиланган муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, ёки қамоқ ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан ҳам «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси»даги чоралар, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»дагидан анча жиддийроқ мазмун касб этганини англаб етиш мумкин.

***Миссионерлик руҳидаги адабиётларнинг республикамизга олиб кирилишига йўл қўймаслик борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?***

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини республикамиз қонунларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақли экани белгилаб қўйилган. Чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб ке-

лиш ва тарқатиш эса уларнинг мазмуни тегишли экспертизадан ўтказилгандан кейин амалга оширилиши мумкин. Диний мазмундаги адабиёт, аудио ва видео маҳсулотларни экспертизадан ўтказиш Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмига юклатилган.

Бугунги кунда Дин ишлари бўйича қўмига ходимлари томонидан республикамизда нашр этилаётган ва хориждан олиб кирилаётган диний мавзудаги адабиёт ва бошқа маҳсулотларни экспертизадан ўтказиш, улар савиясини назорат қилиш бўйича ишлар тизимли олиб борилмоқда. Жумладан, 2006 йил ва 2007 йилнинг биринчи чорагида ноисломий диний конфессияларга тааллуқли 710 номдаги диний материаллар ўрганиб чиқилиб, шундан 359 номдаги материалдан миссионерлик йўлида фойдаланиш мумкинлиги сабабли, уларнинг республикамиз ҳудудига олиб кирилиши мақсадга мувофиқ эмас, деб топилди.

Навоий шаҳар «Христиан баптистлар черкови» мутасаддилари томонидан вилоятга ноқонуний равишда диний адабиётларни олиб кириш йўлидаги бир неча ҳаракатларнинг олди олингани ҳам мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларга мисол бўла олади.

***Миссионерлик билан шуғулланаётган  
ташкилотларга нисбатан қандай чоралар  
кўрилмоқда?***

Диний ташкилотларни рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармалари тарафидан амалга оширилади. Бу ўз навбатида диний ташкилотларнинг республикамизда қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида фаолият юритишини тартибга солади.



Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳририда диний ташкилотлар томонидан миссионерлик ҳаракатлари содир этилиши мумкинлиги инобатга олиниб, уларнинг олдини олиш билан боғлиқ қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, яширин диний фаолият билан шуғулланиш тақиқланган, диний ташкилотлар эса амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт ҳисобланади.

Шундай экан, миссионерлик билан шуғулланаётган ташкилотларга нисбатан тегишли амалий чоралар кўрилиши табиий, албатта. Масалан, миссионерлик билан шуғулланган Самарқанд шаҳар «Есфирь» христиан-протестант черкови тугатилиб, 2008 йилда давлат реестридан чиқарилди.

Маълумки, 1994 йилда Тошкент ва Фарғона вилоятларида «Иегово шоҳидлари»нинг 2 ташкилоти расмий рўйхатдан ўтган эди. Бу иккала ташкилот 1999 йилда қайтадан рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатган бўлса-да, ғайриқонуний ҳаракатлари учун, уларнинг фаолияти тугатилди.

Ҳозирда республикамызда битта «Иегово шоҳидлари» черкови – Чирчиқ шаҳрида расмий фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан ҳам миссионерлик даъватини амалга ошириш ҳолатлари учраб турибди. Мутасадди ташкилотлар томонидан бундай ҳолатларга барҳам бериш чоралари кўрилмоқда. Масалан, 2007 йилнинг ўзида иеговочиларнинг Самарқанд ва Қарши шаҳридаги 12 нафар аъзоси маъмурий, 3 нафар аъзоси эса жиноий жавобгарликка тортилди.

Ёки бошқа бир мисол. 2008 йилнинг ўзида бир неча марта Қарши шаҳрида расмий рўйхатдан ўтмаган ҳолда фаолият кўрсатишга ҳаракат қилаётган «Тўлиқ инжил христианлари (пятидесятниклар)» жамоаси томонидан ноқонуний равишда ибодат уюштириш йўлидаги

ҳаракатларининг олди олинди. 2008 йилнинг мартида ушбу гуруҳ фаолияти судда ҳам кўриб чиқилди.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида фуқароларо ва миллатларо тотувликка раҳна солиш эҳтимоли бўлган диний ташкилотларнинг рўйхатдан ўтишларининг ҳам олди олинмоқда.

Шу билан бирга, Адлия вазирлиги ва Дин ишлари бўйича қўмита томонидан диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларнинг фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳамда диний ташкилотларнинг раҳбарлари ва аъзолари томонидан амалдаги қонунчиликни чуқур ўрганиш ва унга оғишмай амал қилишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

***Миссионерликнинг олдини олиш бўйича бугунги кунда олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида нима дейиш мумкин?***

Энг аввало, мамлакатимиздаги барқарор ижтимоий-иқтисодий вазият, олиб борилаётган кучли ва тизимли ижтимоий муҳофаза сиёсати, миллий ғоя концепциясининг ишлаб чиқилгани ва унга асосланган ҳолда олиб борилаётган мафкуравий тарбия ва маънавий-маърифий тарғибот ишлари, халқимизнинг ўз эътиқодида мустаҳкамлиги миссионерлик ҳаракатлари йўлида жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш зарур.

Бизга кўшни бўлган айрим давлатлардан фарқли равишда, жумладан, меҳрибонлик уйлари давлат қарамоғида ва ҳимоясида экани, ёш авлодни жисмонан бақувват ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш йўлида олиб борилаётган тизимли ишлар ҳам бундай ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Бундай ҳаракатлар Конституциямизнинг 64-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган

болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, деган қоидаларнинг ҳаётий-амалий ифодасидир.

Аммо миссионерлар ўз ишларини мамлакатимиздаги вазиятга мослашган ҳолда ташкил қилишга уринаётганликларини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Жумладан, айрим христиан диний ташкилотларида ибодатларни ўзбек ва бошқа маҳаллий тилларда олиб бориш йўлидаги ҳаракатлар батамом тўхтади, деб бўлмайди. Хусусан, пятидесятниклар йўналиши вакиллари кўпгина огоҳлантириш ва маъмурий чораларга қарамай юртимизда ўзларининг миссионерлик фаолиятини давом эттиришга интилмоқда. Жумладан, якшанба кунлари ўзбек тилида маърузалар, кўшимча «Библия» ўқиш дарслари ташкил қилиш йўлидаги ҳаракатлар, «Ҳосил йиғиш куни» деб аталадиган ва ҳар бир аъзо черковга янги одам олиб келишини рағбатлантиришга қаратилган амалиётнинг мавжудлиги ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Шу билан бирга, махсус диний адабиётларни ноқонуний равишда республикаимизда чоп қилиш ёки мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш ва тарқатиш йўлидаги уринишлар ҳам, афсуски, тўхтагани йўқ. Мазкур ҳолат ҳам, ушбу йўналишдаги ишлар янада изчил давом эттирилиши зарурлигини кўрсатади.

***Миссионерларнинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунимизни нодемократик деб даъво қилишлари ҳақида нима дейиш мумкин?***

Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасиданок уни ишлаб чиқишда демократик тамойилларга асослангани қайд этилган. Айни пайтда, ҳар бир холис фикрлайдиган, тафаккури соғлом, дунёқараши ғараз мақсадлардан холи инсон мазкур қонуннинг мазмун-

мохияти «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси» ҳамда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт» каби халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган ҳужжатлари руҳига тўла мос келишини ушбу ҳужжатлар матнини қиёслаб ҳам билиб олиши мумкин.

Шу ўринда яна бир ҳолатга диққатни қаратиш лозим. Ҳозирги кунда республикамизда расман рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган ноисломий диний конфессияларга мансуб жамоалар сонини мамлакатимизнинг 14 худуди (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)га нисбатан олсак, ҳар бир худудга ўртача 12 та ташкилот тўғри келади. Биргина Тошкент шаҳрининг 11 туманида 30 дан ортиқ ноисломий диний ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Теран ақл билан бир ўйлаб кўрайлик, бундан ортиқ яна қандай эркинлик бўлиши мумкин? Умумий аҳоли сонининг 3-4 фоизини ташкил қиладиган фуқаролар учун шунча имкониятлар яратиб берган мамлакат ва унинг қонунчилигини нодемократик деб бўлармикин?..

Қайд этилган фикрлар ҳам турли нашрлар ва интернет орқали янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунимизнинг гўёки, нодемократик характери ҳамда Ўзбекистонда черковлар ноқонуний равишда ёпиб қўйилаётгани ҳақида жар солаётган миссионерларнинг даъволари асоссиз эканини кўрсатади.

*Айрим миссионерлик ҳаракатларининг  
Ўзбекистонда фуқароларнинг халқаро нормаларда  
қайд этилган эътиқод эркинлиги билан боғлиқ  
ҳуқуқлари чекланаётгани ҳақидаги фикрлари  
тўғрисида нима дейиш мумкин?*

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларининг устунлиги ҳақидаги тамой-

ил мустаҳкамлаб қўйилган. Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунимизнинг халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари билан ҳамоҳанглиги юртимизда умумбашарий қадриятларнинг миллий анъаналар билан маълум нуқтада кесишишини кўрсатади.

Аммо замонавий миссионерлар дунё бўйича демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари устувор аҳамият касб этиб бораётганидан ҳам ўз мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланишга интиломқдалар. Масалан, миссионерлар кўпинча «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси» ҳамда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт»ларда мустаҳкамлаб қўйилган айрим қоидаларни рўкач қиладилар. Бунда ҳар бир инсон виждон эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги, ушбу ҳуқуқ жумладан, ўз динини ўзгартириш, тоат-ибодат қилиш, диний расм-русум ва маросимларни адо этиш эркинлигини ўз ичига олиши ҳақидаги қоидаларни келтирган ҳолда ўз фаолиятларининг қонуний эканини асослашга ҳаракат қиладилар. Аммо миссионерларнинг бундай даъволари, турли шакллар, даража ва мақомларда айҳаннос солишлари мутлақо асоссиздир.

Тўғри, юқоридаги ҳужжатларда қайд этилган, хусусан, ўз динини ўзгартириш эркинлиги ҳақидаги, қоидалар мавжуд. Бироқ масаланинг моҳиятини тушуниш учун қуйидаги жиҳатга эътибор бериш лозим. Миссионерлар тизимли тарғибот-ташвиқот босимини амалга ошириш, тадрижий психологик тазйиқ ўтказиш орқали кишиларни ўз эътиқодини ўзгартиришга мажбур қиладилар. Уларнинг бундай ҳаракатлари охиروқибатда инсонлараро ва конфессиялараро душманлик кайфиятининг шаклланишига замин яратади. Уларнинг мақсадларига хизмат қилмагани учун миссионерлар ўз даъволарида масаланинг бу жиҳатига эътибор бермасликка ҳаракат қиладилар. Ваҳоланки, улар бот-бот тилга олишни яхши кўрадиган «Фуқаролик ва сиёсий

хукуклар тўғрисида халқаро Пакт»нинг 18-моддаси 2-бандида эътиқодни ўзгартириш мажбурий хатти-харакатлар билан боғлиқ бўлмаслиги, 20-моддаси 2-бандида эса душманлик ва диний ғанимлиқни келтириб чиқарадиган ҳаракатлар қонун билан тақиқлаб қўйилиши зарурлиги ҳақидаги қондалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Умуман олганда, миссионерларнинг фаолияти қайси давлатда тақиқланса, халқаро ҳужжатлар бузилаётгани, юқорида қайд этилган инсон ҳукуклари билан боғлиқ қондалар поймол этилаётгани ҳақида жар солиши одатга айланиб қолганини қайд этиш лозим.

***Ўзбекистондан бошқа давлатларда, хусусан  
Европа мамлакатларида ҳам миссионерликка  
қарши кураш ишлари олиб бориладими?***

Аслида, сектачиликка қарши кураш демократия бешиги бўлмиш Европа қитъасида бошланди ва илк анти-секта жамоалари ҳам айнан шу ерда пайдо бўлган. Бу борада умумевропа ва муайян давлатлар даражасидаги ҳужжатлар мавжуд. Биринчи турдаги ҳужжатлардан энг аҳамиятлиси 1999 йил 22 июнда Европа Кенгаши Парламент ассамблеяси томонидан қабул қилинган 1412 рақамли тавсиядир. Унда, секта деб номланадиган гуруҳлар фаолияти натижасида келиб чиқаётган салбий оқибатлар жиддий ташвиш уйғотаётгани эътироф этилиб, Европа иттифоқи таркибига кирувчи давлатлар томонидан мазкур оқимлар фаолияти ҳақида ҳудудий марказлар тузиш, ёшларни анъанавий динлар таълимоти билан яқиндан таништириш, секталар томонидан амалга оширилаётган жиноий ишларга қарши қатъий чоралар кўриш ҳамда сектачилик қурбонларини асраш учун нодавлат ташкилотлар тузиш лозимлиги ҳақидаги тавсиялар берилган.

Европа қитъасида сектачиликка қарши кураш доирасида 1994 йилдан бошлаб «Сектантликни ўрганиш

ва маълумот йиғиш марказлари Европа федерацияси» (инг. European Federation of Centers of Research and Information on Sectarianism – фр. FECRIS) фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугун мазкур федерацияга 28 мамлакатнинг 43 та ташкилоти аъзо бўлган. 2002 йилнинг май ойида Федерация томонидан «Болалар ва секталар» мавзуида конференция ўтказилиб, унда аъзо мамлакатларни секталар таъсиридан болаларни қутқариб қолиш масаласига янада жиддийроқ ёндашиш тавсия қилинган.

Давлатлар миқёсида таҳлил қилинар экан, бу бо-рада Франция етакчи ўринда экани кузатилади. Республикада Бош Вазир ҳузуридаги Секталарга қарши кураш бўйича вазирликлараро комиссия, Секталарнинг ҳалокатли таъсиридан оилалар ва шахсларни ҳимоя қилиш Ассоциацияси (Union Nationale des Associations de Defense des Familles et de L'Individu – UNADFI) ва ихтисослашган бир неча нодавлат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Комиссиялар томонидан 1995 ва 1999 йилларда Франциядаги диний вазиятнинг ўрганилиши натижасида мамлакат хавфсизлигига раҳна солувчи 173 та секта рўйхатга олинган ва эълон қилинган.

2001 йил 30 майда Франция парламенти томонидан секталарга қарши кураш бўйича Қонун қабул қилинган. Мазкур қонунда дунёда биринчи бор «инсон онгини манипуляция қилиш» жиноят сифатида эътироф этилди ва унга амал қилишни истамаганлар тахминан 40-70 минг АҚШ доллари миқдорида жарима тўлаши ёки 3 йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиниши, мазкур ҳолат такрорланса секта бутунлай тарқатиб юборилиши белгилаб қўйилди.

Германия Федератив Республикасида ҳам сектачиликка қарши курашга катта аҳамият берилади. Бугунги кунда Республикада секта ва культлар бўйича вазирликлараро комиссия, ГФР Бундестаги (парламенти) ҳузуридаги Секталар ва психогурӯҳлар фаолиятини

тафтиш қилиш комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия томонидан мактаб ўқувчилари учун секталарнинг 17 белгиси ақс этган тарғибот буклетлари чоп этиб тарқатилган.

Швейцариянинг Базел кантонлиги парламенти қабул қилган Қонунга мувофиқ секталарнинг ахлоққа зид ҳар қандай тарғибот услублари тақиқланади. Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришга кўра, мазкур қондан бузишда айбланганлар жарима ёки қамоқ жазосига тортиладилар. Шунга ўхшаш ҳужжат Женева кантонлиги парламенти томонидан қабул қилиниб, унга кўра киниларнинг танқидий ва мустақил фикрлашларига йўл қўймаслик мақсадида уларга нисбатан доимий психологик ва жисмоний босим ўтказиш қамоқ билан жазоланади. Шунингдек, мазкур қонунда секта қурбонларининг қариндошларини ҳимоя қилиш масалалари ҳам белгилаб берилган.

Австрияда ҳам деструктив секталар зарарларини олдини олиш масаласига жиддий эътибор берилади. Жумладан, 1998 йил 9 январида мамлакатда «Диний жамоаларнинг юридик ҳолати» ҳақида қонун қабул қилиниб, унда қандай ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтиши мумкинлиги ва юридик шахс мақомини олиши масаласи қатъий регламентлаштирилган.

Европа давлатларининг турли секталарга қарши қўллаётган амалий чоралари ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, АҚШлик Рон Хаббард томонидан тузилган саентология черкови Дания, Италия, Германия, Франция, Греция каби давлатларда бутунлай тақиқланган ёки диний эътикод мақомидан маҳрум этилган; Италияда уларнинг 29 нафари қамоққа ҳукм этилиб ташкилотнинг ўзи жиноий уюшма деб эълон қилинган. Германия ва Францияда мазкур секта раҳбарлари фирибгарлик, шунингдек ўз жонига қасд қилишга олиб боришда айбланиб судланган. Грецияда эса 1997 йилдан мазкур черков фаолияти бутунлай тақиқланган. Шунингдек,



«Бирлашиш Черкови» (Сен Мун тарафдорлари – мунчилар) ташкилоти асосчиси Сан Мен Мун исмли шахс Буюк Британия ва Германияда «persona non grata» (рад этилга одам) сифатида эълон қилинган бўлса, халқаро Кришнани англаш жамияти сектаси Буюк Британия ва Юнонистонда бутунлай тақиқланган. Шунингдек, мазкур диний уюшма қатор давлатларда фирибгарлик, қотиллик, ноқонуний наркотик моддалар ва қурол-яроғ савдосида айбланиб жазоланган.

Умуман олганда, аста-секин Европанинг барча давлатларида секталар, культлар ва «ёшлар динлари»ни ўрганиш бўйича комиссиялар тузилмоқда. Бунинг асосий сабаби эса, юқорида қайд этилганидек, ғарб давлатларининг секталар фаолиятининг салбий оқибатларини тотиб кўрганликларидадир.

Юқоридаги маълумотлар деструктив секталарнинг глобал миқёсдаги муаммога айланганини кўрсатмоқда. Шундай экан, баъзи «инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари»нинг асоссиз равишда секталарнинг инсон ҳаётига зарарли бўлган фаолиятини назорат қилишни нодемократик ҳаракат ёки фаолият деб аташи мутлақо ноўриндир. Мазкур «ҳимоячилар»нинг аксарияти секталарга қарши курашишнинг «ватани» ҳисобланмиш ғарб давлатларида тузилгани баъзи кучларнинг ташқи сиёсатда иккиюзламачилик стандартларини қўллаётганидан далолат беради.

## *Ўнинчи суҳбат*

### **ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК - КОНФЕССИЯЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ**

*Юртимизда азалдан диний бағрикенгликка  
асосланган қадриятлар устувор бўлиб келган.  
Шундай эмасми?*

Дарҳақиқат, шундай. Ўлкамизда қадим замонларданок зардуштийлик, буддавийлик, яҳудийлик, насронийлик каби динлар вакиллари тинчлик-тотувликда яшаб келганлар. Йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогалар фаолият кўрсатгани, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида ҳам улар ўртасида келишмовчилик ва можаролар бўлмагани бунинг тасдиғидир. Бу Ўзбекистон заминида диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтказиб келинаётган нуфузли халқаро анжуманлар иштирокчилари ҳам Ўзбекистонда дин соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда бошқа давлатларга намуна бўла оладиган диний бағрикенгликни эътироф этган ҳолда ҳукуматимиз сиёсати, Ўзбекистонда барча дин вакилларига яратилган эркинликлар ва диний соҳадаги катта ўзгаришлардан зўр таассурот олганларини таъкидлаб келмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда диний бағрикенглик соҳасидаги давлат сиёсати бошқаларга намуна бўла оладиган даражада десак муболаға бўлмайди. Респу-

бликамизда ЮНЕСКО раҳнамолигида «Жаҳон динлари – тинчлик маданияти йўлида» мавзуида динлараро мулоқот халқаро Конгресси, мусулмон ва христиан илоҳиётчилари иштирокида «Бир само остида» халқаро христиан-мусулмон конференцияси ўтказилгани, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 ва 130 йиллиги, Евангель-Лютеран жамоасининг 100 йиллиги, Рим-католик черковининг 100 йиллиги, Арман апостоллик черковининг 100 йиллиги нишонлангани ҳам буни тасдиқлайди.

Шундай экан, юртимизда қарор топган диний бағрикенглик муҳитини янада мустақкамлаш ва миссионерликнинг олдини олишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

### ***Миссионерликнинг олдини олишда диний маърифатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шундай эмасми?***

Дин, унинг моҳияти, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида чуқур маълумотга эга бўлмаган одамлар фикрини ўзгартириш, уларга бир динни ёмон кўрсатиб, бошқасини яхши, деб талқин қилиш ҳамиша осон кечган.

Миссионерлар ўзларининг хушмуомалалиги, ёрқин ва таъсирчан ваъзлари орқали айнан юқоридаги каби кишиларни чалғитишга, ўз «ўлжа»ларининг қизиқишлари ва заиф томонларини ҳисобга олиб, бўлажак прозелитлар билан дўстона муносабатга кириб олишга ва охир-оқибат уларни таклиф этилаётган динни қабул қилишга даъват этадилар.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда жуда кенг миқёс ва кўлам касб этган, инсон ва жамиятнинг тинч ва осуда ҳаёти ҳамда тараққиётига таҳдид туғдираётган миссионерликка қарши кураш, унинг

олдини олиш ўзларининг асрлар давомида шаклланган диний-миллий қадриятларига эга мамлакатлар учун энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада тизимли ишлар, миссионерлик ҳаракатларини содир этмоқчи бўлганларга қарши қатъий кураш олиб боришмоқда. Бу курашнинг моҳияти фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Хўш, жаҳолатнинг ўзи нима? Жаҳолат – арабча «жаҳила» феълнинг ўзаги бўлиб, билмаслик маъносини англатади. Бугунги кунда жаҳолат турли кўринишларда ўзлигини намоён қилмоқда. Диннинг асл моҳиятини тушунмаслик, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини тўғри баҳолай олмаслик шундай билимсизлик кўринишидир. Миссионерликнинг мазмуни, у билан шуғулланаётган йўналишлар ва секталарнинг мақсад-муддаолари, бундай ҳаракатлар келтириб чиқарадиган оқибатларни билмаслик ҳам унинг ўзига хос шакллари билан бири ҳисобланади.

Қайд этилган йўналишларда фуқароларимизнинг чуқур билимларга эга бўлишларига эришиш, таълим муассасаларида ёшларга дин ҳақида илмий асосланган билимлар бериш, диний қадриятлардан маънавий-маърифий мақсадларда фойдаланиш миссионерликнинг олдини олишга мустаҳкам замин яратади. Воқелик бу борадаги ишларни мунтазам асосда такомиллаштириб боришни талаб этаётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Миссионерликнинг асл моҳиятини очиб ташлаш, унинг олдини олишга қаратилган ишлар ҳақида гап кетар экан, бунда доимий ва узлуксиз тарғибот учун замин яратадиган маънавий-маърифий тадбирлар ўзига хос ўринни эгаллайди. Уларни ташкил этишда тадрижийлик ва таъсирчанликни таъминлаш баробарида

масалага комплекс ёндашувга эътибор бериш, яъни бирор-бир ижтимоий қатлам ёки ташкилот, муассаса жамоасининг бундай тадбирлардан четда қолмаслигига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тажриба айнан эътибордан четда қолган ижтимоий гуруҳлар ва жамоалар фаол миссионерлик ҳаракатларининг объектига айланишини кўрсатади.

Одамлар онги ва қалбида маърифатнинг мутлақ устувор бўлишига эришиш кишилар тафаккурини бойитиш, уларда соғлом ва собит эътиқодни шакллантириш, бу йўлдаги назарий ва амалий ишларнинг ҳозиржавоблигини таъминлаш, таъсирчанлигини оширишни ҳам тақозо этмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, одамнинг ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятлар, шакланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлиши турли шаклларда, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишда содир этиладиган тазйикларига бардош беришининг асосий шарти ҳисобланади.

***Миссионерликнинг олдини олишда маҳалланинг ўрни ҳақида нима дейиш мумкин?***

Миссионерлик билан шуғулланишга интилаётган диний ташкилотлар муайян маҳалла ҳудудида жойлашган черков, ибодат уйлари каби ўз масканларига эга. Ноқонуний диний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар ҳам муайян маҳаллада истиқомат қиладилар. Шундай экан, улар маҳалла аҳолиси орасида ўз фаолиятлари ҳақида ижобий тасаввурларни шакллантиришга интилишлари табиий, албатта.

Миссионерлар томонидан:

- муҳтож оилаларнинг уйларни таъмирлаш, ёнгин ёки бошқа сабабга кўра зарар кўрган хонадонлар соҳибларига ёрдам бериш;

- маҳалла ҳудудидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, сув таъминотини яхшилаш, йўлларни таъмирлаш ишларига моддий ва амалий кўмаклашиш;

- ибодатга қатнайдиған фуқароларнинг пахта йиғим-теримида қатнашишини таъминлаш, пахта йиғим-терими қатнашаётганларга турли кийим-бошлар тарқатишга уринишдек ҳаракатлар содир этилаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Таҳлил инсон онги ва қалби учун кураш ана шундай нозик шаклларда олиб борилаётган бир шароитда маҳаллаларимизда раис, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида меҳнат қилаётган айрим фуқароларимизнинг миссионерликнинг асл моҳияти ҳақидаги билимлари ҳамма вақт ҳам етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Натижада, муайян ҳолларда, улар ўзлари билмаган ҳолда уларнинг фаолиятига йўл очиб беришлари, прозелитлар билан ишлашда диний-маърифий ишлар ва тегишли тарғибот-тушунтириш тадбирларидан кўра маъмурий услубларга урғу беришлари кузатилмоқда. Бундай ҳаракатлар эса одатда тескари натижа беради. Хусусан, эътиқодда адашганларнинг ўзларини «жабрдийдалар» сифатида ҳис қилишига, нотўғри қарашлари ва фаолиятидан қайтишдан кўра, ушбу йўлда мустаҳкам қолишларига замин яратиши мумкин.

Умуман олганда, бугунги кунда маҳаллаларимизда раис ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида фаол ва фидойи, куюнчак ва жонкуяр инсонлар меҳнат қилаётганини очиқ юз ва тоза қалб билан эътироф этиш лозим. Уларни диннинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ билимлар билан қуроллантириш, тегишли тажриба ва малакага эга бўлишларига кўмаклашиш мутахассис олимлар ва соҳа учун мута-

садди раҳбарларимиз олдида турган энг долзарб вази-  
фалардан биридир.

*Ёшлар орасида миссионерлик тарғиботининг  
олдини олишга қаратилган ишларнинг қандай  
устувор йўналишларини ажратиш мумкин?*

Миссионерлар ўз фаолиятида миллат ва жамиятнинг  
келажаги бўлган ёшларга алоҳида эътибор бермоқдалар.  
Ёшларга бундай интилишларнинг оқибатларини ту-  
шунтиришда маънавий-маърифий тарбиянинг барча  
восита ва услубларидан самарали фойдаланиш, бунда  
баландпарвоз шиорларни такрорлаш ва дабдабозлик-  
дан қочиш, миссионерликнинг реал таҳдидини ҳаётий  
мисоллар орқали ёритиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

«Бугунги кунда, – деб ёзади Ислом Каримов, –  
ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки ра-  
дио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар  
орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни  
олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб  
бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг  
онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма,  
деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атро-  
фини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз,  
замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-  
муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди».

Шу нуқтаи назардан қараганда, олиб борилаётган  
маънавий-маърифий ва ғоявий-тарбиявий ишлар ёш-  
ларнинг қизиқиши ва интилишларидан келиб чиқиб  
ташқил этилгандагина ўзининг таъсир қувватига эга  
бўлишини ва аниқ амалий натижаларга эришишга за-  
мин яратишини таъкидлаш зарур.

Бекорчилик ҳар қандай истеъдод учқунини ўчириб,  
бошланган ҳар қандай эзгу ният ва интилишларни йўққа  
чиқаради, қўлга киритилган муваффақиятларнинг  
бой берилишига олиб келади. Бекорчилик оқибатида

инсон ўз ҳаётида ҳаёлдан ва хоҳиш-истакдан нарига ўта олмайди. «Кимда-ким ёшлигида ўзини улуг ва ажойиб ишлар билан ёки лоқал оддий, лекин ҳалол ва фойдали меҳнат билан мустаҳкам боғламаган экан, у ёшлиги қанчалик хушчақчақ ўтган ва қанчалик ёрқин хотиралар қолдирган бўлмасин, уни ҳайф кетган, деб ҳисоблайвериши мумкин», деб ёзган эди донишмандлардан бири.

Шундай экан, ёшларимизнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, касб-ҳунар, фойдали меҳнатга ўргатиш, турли тўғараклар фаолиятини жонлантириш, спорт клубларида қулай имкониятлар яратиб бериш ҳам кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарт ҳисобланади.

Ёшларни миссионерлик таҳдидларидан ҳимоя қилиш ҳақида гап кетар экан, яна бир жиҳатга алоҳида эътибор бериш лозим. Ёшларимизда ўз кучига ва билимига ишонч кучли. Бундай ишонч кўзланган мақсадларга эришиш ва ҳаётий-амалий фаолиятдаги собитликнинг асосидир. Аммо бу хушёрликни йўқотиб қўйишга, замонавий фан ютуқларига таянган ҳолда ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб бораётган миссионерларни менсимасликка замин яратмаслиги лозим. Бундай менсимаслик, хушёрликни йўқотиш ҳамиша оғир оқибатларга олиб келади.

Бизда бир болага етти маҳалла тарбия беради. Фарзанд ноқобил чикса етти маҳалла иснодга қолади. Халқимиз қиз олиб, қиз беришда нафақат келин ёки куёвнинг ўзига, балки унинг етти пуштига аҳамият беради.

Ўзбеклар фарзандлари бошқа динга ўтиб кетса, ҳеч қачон «ўзинг биласан, билганингни қил», демайди.

Ўзбеклар бағрикенг халқ, бошқа дин вакиллари хурмат қилиб, ғайридин қўшнилари билан яхши алоқа қилади. Буни ўзининг юксак инсонийлик бурчи, деб



билади. Фақат ўз фарзандининг ғайридин кўшниси томонидан эътиқоди ўзгартирилишига чидай олмайди.

Шундай вазиятда миссионерлар ҳаракати натижа-сида бир оила вакили ёки вакиласининг бошқа динни қабул қилиши жамиятнинг илк ва энг муҳим бўлаги бўлмиш оиланинг жанжал ва низолар домига торти-лишига олиб келади. Ота-она, қавму қариндошлар маҳалла-кўйда бош кўтара олмай қолади. Оила маҳалладан ва ўз яқинларидан узилиб қолади.

Шундай экан, ота-оналаримизнинг ўз фарзандларида соғлом эътиқодни шакллантириш, хулқи ва фаолияти-даги ўзгаришларни назоратсиз қолдирмаслик, онги ва руҳиятини заҳарли мафкуралар таъсиридан қатъият билан ҳимоя қилишдек масалаларга алоҳида эъти-бор билан қарашлари уларнинг эртанги куни порлоқ бўлишини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бундай эътибор эзгулик ва ёвузлик ўртасида азалдан давом этиб келаётган кураш, инсон маънавияти ва эътиқодига қарши қаратилган ҳаракатлар глобаллашув таъсирида ўзига хос шаклу шамойил касб этаётган бир даврда айниқса муҳимдир. Зеро, бугунги кунда ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Озгина бе-парволик, кичкина бир лоқайдлик фарзандларимизнинг миссионерлар таъсирига тушиб қолишига, зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келишига замин яратиши мумкинлигини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик лозим.

*Хотин-қизларни миссионерлик таъсиридан ҳимоя қилишда нималарга эътибор бериш керак?*

Республикамызда хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу

борада етарли хукуқий-меъёрий аеослар яратилиб, улар доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда, мазкур йўналишда махсус дастурлар қабул қилиниб, изчил ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Жумладан, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларни давр тақозо этаётган мутахассисликларга ўқитиш ишлари тубдан яхшиланмоқда.

Мамлакатимизда ўзига хос институт – фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари лавозими жорий қилинди. Ушбу лавозимларда обрў-этиборли, миллий-диний анъана ва урф-одатларимизни яхши биладиган ҳамда катта ҳаётий-амалий тажрибага эга фаол аёллар меҳнат қилмоқда.

Шундай бўлса-да, миссионерларнинг аёллар орасида фаол тарғибот олиб боришга интилаётгани хотин-қизларимизни турли зарарли диний йўналишлар, шу жумладан, миссионерлик таъсиридан ҳимоя қилиш, бу борадаги муаммоларни тизимли ўрганиб бориш, баҳолаш ва тегишли чора-тадбирлар белгилашни тақозо этмоқда.

Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда аёлларимизни ҳозирги даврда мамлакатимизда дин соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар, яратилган имкониятлар билан мунтазам асосда таништириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, қизиқишлари, билим даражаларини инобатга олган ва дифференциал ёндашган ҳолда хотин-қизларимизнинг дин, шу жумладан, халқимиз асрлар давомида эътиқод қилиб келган ислом дини, ҳақидаги билимларни ва миллий-диний анъаналар асосларини соғлом асосда эгаллашларига кўмаклашиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бундай билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши ва ўз моҳиятига

кўра, Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Фуқароларимизнинг миссионерликнинг моҳияти ҳақида ҳолис ва етарли билимга эга бўлишлари унга қарши иммунитетни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Эгалланган билимлар қанчалик ҳолис ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келадиган баҳолар, қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Шаклланган қадриятлар тизими эса турли таҳдидлар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

**«Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар», – деб ёзади Президентимиз.**

Шундай экан, маънавий-маърифий тадбирларнинг энг тасирчан услубларидан фойдаланган ҳолда халқимизнинг миллий-диний анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларини кўпоришга қаратилган миссионерликнинг аксилмиллий моҳиятини кенг тушунтириш ва бундай ҳаракатларнинг олдини олиш борасида аёлларимизнинг фаол курашчанлик позициясини шакллантириш ҳам ҳаётий-амалий аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

*Мамлакатимиздаги диний бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш ва миссионерликнинг олдини олиш ҳар биримиздан ижтимоий фаоллик ва фидойиликни талаб қилади. Шундай эмасми?*

Дарҳақиқат, шундай. Республикамизда конфессиялараро тотувлик ва бағрикенглик устуворлик қилмоқда. Ҳар бир фуқаромизнинг миссионерликнинг моҳиятини

чукур англаб етиши, бeфapқлик ва лoқайдликка йўл кўймаган ҳолда, унинг олдини олиш бўйича ишларда фаол иштирок этиши ана шу барқарорлик муҳитини сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бeфapқлик ижтимоий иллат сифатида оғир оқибатларни келтириб чиқариши ҳаётий тажрибадан маълум. Машҳур файласуфлардан бири бeфapқлик оқибатларига тўхталиб шундай деб ёзган эди: «Душманлардан кўркма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўркма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бeфapқ одамлардан кўрк – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бeпapво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».

Миссионерлар фаолиятига нисбатан бeфapқлик ҳақида гап кетар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш зарур. Биринчидан, бундай бeфapқлик ва лoқайдлик диннинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақидаги билимларнинг ниҳоят даражада саёзлигининг, иккинчидан, «чин эътиқод» байроғи остида тақдим этилаётган гоялар, қарашлар ва қадриятларнинг моҳиятини, келтириб чиқарадиган оқибатларини чукур англаб етмасликнинг натижасидир.

Шу билан бирга, юқоридаги каби бeфapқлик муайян ҳолларда диннинг давлатдан ажратилгани, қандай эътиқодни танлаш фуқаронинг шахсий ҳуқуқи экани ҳақидаги конституциявий тамойилларнинг туб мазмун-моҳиятини тўғри тушунмаслик, баъзи ҳолларда эса миссионерликнинг олдини олиш ҳуқуқ-тартибот органларининг иши деган бир ёқлама ва нотўғри тасаввурнинг мавжудлиги билан ҳам изоҳланади.

Шундай экан, ҳар бир кишида халқимизнинг эртанги куни, жамиятимиз истиқболи ва Ватанимиз тақдири учун дахлдорлик туйғусини, ўз билим ва малакаси, продаси ва кудратини эл-юрт манфаатлари, унинг бир-

лиги ва таракқиёти йўлида сафарбар этишда намоён бўладиган фидойиликни тарбиялаш ҳаётий-амалий аҳамият касб этади. Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, «...ҳар куни, ҳар соатда фидойий бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш»гина озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашимизга мустаҳкам замин яратади.

## ЛУҒАТ

**Автокефаль черковлар** (юнонча - «ўз-ўзини бошқариш») – православликдаги мустақил бошқарувга эга бўлган черковлар тузилмаси. Маълум бир ташкилот «автокефаль» мақомини олиши учун миро мойини мустақил равишда тайёрлай олиш имкониятига эга бўлиши керак.

**Автоном черковлар** (юнонча – «мустақил») – бирор-бир автокефаль черковдан ички тартиб-қоидаларни мустақил бажариш ҳуқуқини олган черков. Автоном черков раҳбари автокефаль черков патриархи томонидан тасдиқланади.

**Апостол** (юнонча – «элчи») – христиан таълимотига биноан Исонинг энг яқин ёрдамчиларининг унвони. Уларнинг асосийлари 12 та: Пётр (Симон Ионин), Андрей, Иоанн, Иаков Зеведеев, Филипп, Варфоломей, Матфей, Фома, Иаков Алфеев, Фаддей, Симон Кананит, Иуда Искариот (Исони сотган хаворий), **Матфий** (Иудадан сўнг унинг ўрнини эгаллаган). Булардан ташқари яна 70 нафар хаворийлар мавжуд бўлгани христиан адабиётларида қайд этилади.

**«Библия»** (юнонча – «китоблар») – яҳудийлик ва христианлик динларининг асосий муқаддас манбаи. Яҳудийлар «Библия»си «Китве кадеш» ва «Танах» ҳам деб номланади. Христианлар томонидан тан олиндиган «Библия» «Қадимги Аҳд» ва «Янги Аҳд»дан иборат бўлиб, умумий ҳисобда 66 китобдан иборат.

**«Библия» жамияти** – «Библия»нинг алоҳида қисмларини ёки тўлалигича дунё тилларига таржима қилиш билан шуғулланадиган жамиятлар номи. Бундай жамиятлар бирор бир диний конфессияга қарашли бўлмай, буюртма асосида ишлайди. Илк «Библия» жа-

мияти 1804 йилда Британияда тузилган. Ҳозирда дунё бўйича 140 дан ортиқ шундай жамиятлар мавжуд.

**Бутунжаҳон соборлари** – христиан черкови епископларининг маълум диний масалаларни ҳал қилиш мақсадида ўтказиладиган йиғилиши. Илк собор милодий 325 йилда Никея шаҳрида бўлиб ўтган. Ҳозиргача 21 марта Бутунжаҳон соборлари ўтказилган.

«**Ваҳийнома**» – рус ва бошқа тилларда Апокалипсис. «Янги Аҳд»нинг таркибий қисми бўлиб, уни «Инжил» муаллифларидан бири Иоанн илоҳий илҳом орқали ёзган, деб эътиқод қилинади. Ушбу китобда қиёмат ва Исонинг иккинчи қайтиши билан боғлиқ ҳодисалар баён қилинган.

«**Веда**»лар (*véda* – «билим», «таълимот») – ҳиндуийлик динининг санскрит тилида ёзилган қадимий муқаддас ёзувлари тўплами..

**Диакон** (юнонча – *хизматчи*) – христиан черковларидаги энг куйи руҳонийлик даражаси.

**Дин арконлари** – маълум бир диндаги асосий ибодатлар мажмуи.

**Епископ** (юнонча – «назоратчи») – христиан черковидаги руҳонийлик унвони. Епископлар ҳаворийларнинг издошлари, деб ҳисобланади.

«**Забур**» – Довуд пайғамбарга туширилган китоб. «Қадимги Аҳд» таркибига киритилган бўлиб, турли қўшиқ ва мадҳиялардан иборат.

«**Инжил**» - (юнонча - «Евангелие») «Янги Аҳд»даги Марк, Матто, Луқо ва Юҳаннолардан ривоят қилинган китоблар назарда тутилади. Уларда Исо Масихнинг ҳаёт йўли ва мўъжизалари баён қилинган.

«**Канжур**» (*тибетча* – «Будда ўғитлари») – буддавийликнинг асосий ақидавий масалалари баён қилинган китоб. Милодий XIV асрда тўпланган. 7 бўлим, 108 жилд, 84 000 ўғитдан иборат.

**Кардиналлар коллегияси** – Рим католик черковидаги олий кенгаш. Папа ўрни бўнаб қолганда унинг

вазифасини бажариш ва янги Папани сайлаш вазифаларини бажаради.

**Кирха** (*немисча – «черков»*) – лютеран черковларининг номи.

**Костел** (*полякча, чехча. – «черков»*) – Рим католик черковига қарашли ибодатхоналарга нисбатан ишлатиладиган атама. Ушбу атама православ ёки протестант черковларига нисбатан қўлланилмайди.

**Луқо** (*Лука*) – «Инжил» муаллифларидан бири. Христианлик тарихида Биби Марямнинг суратини чизган биринчи инсон сифатида танилган. Исо Масихнинг 70 ҳаворийлари қаторига киради.

**Марк** – «Инжил» муаллифларидан бири. Ҳаворийлардан Пётрнинг шогирди бўлган. Александрияда черков тузиб, ўзи биринчи епископ бўлган.

**Матто** (*Матфей*) – «Инжил» муаллифларидан бири, Исо Масихнинг 12 асосий ҳаворийларидан бири. «Инжил»да Левий Матфей ва Левий Алфеев номлари билан ҳам тилга олинади.

**Миро мойи** (*юнонча – «хушбўй мой»*) – христианликнинг етти сирли маросимларидан бирида танага суриладиган хушбўй мой. Ушбу мой черков епископи томонидан олий навли зайтун мойига оқ узум виноси, атиргул япроқлари, бинафша, занжабил илдизлари, мускат, атиргул, чиннигул ва лимон мойлари каби маҳсулотларни қўшиб қайнатиш орқали тайёрланади.

**Монастырь** (*юнонча – «монахлар маскани»*) – христианликда руҳонийлар жамиятдан ажралиб, фақат ибодат билан шуғулланадиган жой, муассаса. Аёллар ва эркаклар учун мўлжалланган монастырлар мавжуд.

**Монофизитлар** (*юнонча – «якка, ягона», «табиат»*) – руҳоний Евтихий томонидан асос солинган христианликдаги илк йўналишлардан бири бўлиб, милодий V асрларда пайдо бўлган. Исо Масих худо ва инсон табиатида пайдо бўлган бўлса-да, кейинчалик



унинг фақат худолик табиати сақланиб қолган деган гоёни олға сурган. Ушбу йўналиш вакиллари 451 йилда Халкидонияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон соборида куфрда айбланганлар.

«Муқаддас ёзув», «Хушхабар» – христианликнинг муқаддас китоби «Инжил»га нисбатан ишлатиладиган номлар.

«Муқаддас китоб» – «Библия» ва унинг таркибига кирувчи китоблар номи.

«Муқаддас ривоятлар» – «Библия» таркибига кирмаган, черков авлиёлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ва номалар.

Муқаддас Рух – христианликда Худонинг уч кўринишидан бири. Муқаддас Рух дунёнинг яралишида иштирок этган, Биби Марям ҳам у орқали Исога хомиладор бўлган.

Необуддизм – («нео» – янги). XIX-XX асрларда буддавийликда пайдо бўлган йўналиш. Турли давлатларда турлича шакл касб этган. Необуддизм таълимотида миллий озодлик ҳаракатлари доирасида будда роҳибларининг сиёсатга аралашшига рухсат берилган.

Нирвана (санскритча – «куч-қувватдан қолиш», «интиҳо») – буддавийликда азоб-уқубатлардан кутилиш ҳолати. Нирванага эришиш ҳар бир буддавийнинг асосий мақсади бўлиб, шу йўл билан у қайта туғилиш занжири - «сансара» дан озод бўлади.

Ота Худо - Христианликда Худонинг уч кўринишидан бири ва асосийси. Бу таълимотга кўра, Ота Худо дунёни яратган бўлиб, ушликнинг қолган кўринишлари (Ўғил Худо ва Муқаддас Рух) ундан келиб чиққан.

«Оқ» ва «қора» руҳонийлар – православ руҳонийлари қатлами. «Оқ» руҳонийлар оила куриш

хукукига эга, «қора» руҳонийлар эса оила куришлари мумкин эмас.

**Пастор** (лотинча – «чўпон») – протестантликдаги черков раҳбари. Пасторлар оммавий ибодатларда маърузалар ўқиш ва черковнинг ички фаолиятини бошқариш билан шуғулланади.

**Пасха** (юнонча, ивритча – «ёнидан ўтиш») – христианликдаги асосий диний байрамлардан бири. Исо Масихнинг қайта тирилган куни шарафига нишонланади. Ҳозирги кунда Пасха куни Ой-Қуёш календари асосида ҳисобланиб, ҳар йили ўзгариб туради.

**Пятидесятниклар** – протестантликдаги энг йирик йўналишлардан бири. Ўзларини Исо вафотидан 50 кун ўтгач Муқаддас Рух инъомига эга бўлиб, турли нотаниш тилларда гапира бошлаган ҳаворийларнинг издошлари, деб ҳисоблаганлари учун шу номни қабул қилганлар.

**Пресвитер** (юнонча, лотинча – «оқсоқол, жамоа бошлиғи») – христиан руҳонийлик иерархиясида юқори ўринни эгалловчи диний лавозим. Қадимда епископлар ҳам пресвитер деб аталганлар.

**Рим папасининг қарорлари** – турли даврларда Папа томонидан чиқарилган дин соҳасидаги қарорлар. Рим-католик черкови ақидасига биноан Папанинг қарорлари ҳам муқаддас аҳамиятга эга.

**Рождество** – Христианликнинг асосий байрамларидан бири. Исо Масихнинг одам танасида мужассам бўлиб туғилиши куни муносабати билан ўтказилади. Ушбу байрам ҳақидаги илк маълумотлар IV асрга тегишли христиан манбаларида қайд қилинган.

**Роҳиб** (юнонча – «монах», «зоҳид») – христианликда дунёвий лаззатлардан таркидунёчилик қилиб, фақат ибодат билан шуғулланувчи шахс.

«Таврот», «Тора» (ивритча – «таълимот, қонун») – яхудийлик ва христианлик динларида тан оли-

надиган ва «Библия» таркибига кирувчи муқаддас манба. «Таврот»нинг муаллифи сифатида Мусо пайгамбар кўрсатилади. «Таврот» беш китоб: «Ибтидо», «Чиқиш», «Левит», «Сонлар» ва «Иккинчи қонун»дан иборат.

«Танжур» (тибетча – «шарҳлар таржимаси») – буддавийликнинг асосий ақидавий масалалари баён қилинган «Канжур» китобининг шарҳи. 254 жилд ва 3 мингга яқин матнлардан иборат.

Тантризм (санскритча «тантра» – «мато») – буддавийлик ва ҳиндуийлик динларида мавжуд бўлган диний-фалсафий таълимот. Эрамининг биринчи асрида пайдо бўлган. Инсондаги жинсий ва шахвоний хислатлар муҳимлиги асосига қурилган. Таълимот асослари «тантралар» деб номланадиган ёзувларда баён қилинган.

Тўлиқ инжил христианлари – протестантликдаги энг йирик йўналишлардан бири бўлган пятидесятникликнинг иккинчи номи. «Инжил»га ҳақиқатан амал қилувчи соф эътиқод вакиллари деб билганликлари учун ҳам ўзларига нисбатан шундай номни ишлатадилар.

Халоскор – яҳудий ва христиан атамасида «Мессия» (ивритча – «Машиах»; қадимги юнонча – «Христос»). Яҳудийлар ақидасига кўра, Халоскор қиёматга яқин келиб яҳудийларни нажот сари етаклайди. Яҳудий «мессияси» Довуд авлодидан бўлиши шарт. Христиан ақидасига кўра эса халоскор бу Исо Масихдир.

Худонинг раҳматлари – протестантликнинг пятидесятниклик йўналишига ҳос ақидалардан бири. Худонинг раҳматлари деганда Масихни қабул қилиш, Муқаддас Рух билан чўқинтирилиш ва руҳий қайта туғилиш назарда тутилади.

Худонинг ўғли – Исо Масихнинг унвони.

Худо-одам – Исо Масихга нисбатан ишлатиландиган ном. Христианлик ақидасига кўра, Исо асли Худо бўлиб, инсонларни халос қилиш учун инсон киёфасига кирган.

«Қадимги Аҳд» – «Библия»нинг қисмларидан бири. «Таврот» (Мусонинг 5 китоби), «Забур» ва бошқа китоблардан иборат, жами 39 китобни ўз ичига олади.

Юҳанно (Иоан) – Исонинг 12 ҳаворийларидан ва «Инжил»нинг муаллифларидан бири. Христианликка кўра, Юҳанно «Янги Аҳд» таркибига кирувчи «Ваҳийнома» китобининг муаллифи ҳамдир.

«Янги Аҳд» – «Библия» қисмларидан бири. Тўрт Инжил, Ҳаворийлар фаолияти китоби, 21 та ҳаворийнинг номалари ва Юҳаннонинг «Ваҳийномаси» ни ўз ичига олган, 27 китобдан иборат.

## ИЛОВАЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ<sup>1</sup>

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

**20-модда.** Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

**29-модда.** Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

**31-модда.** Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

**43-модда.** Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

**48-модда.** Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

**57-модда.** Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

**61-модда.** Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ  
ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ  
ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА**  
(ЯНГИ ТАХРИРИ)<sup>1</sup>

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.

**2-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар фаолиятини таъминлашга оид муносабатлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Виждон эркинлиги ҳуқуқи**

Виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод

<sup>1</sup> Қаранг: Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: Адолат, 1998.

қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русмлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

**4-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни



оёқ ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳеч ким диний эътиқодини рўқач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қонунга мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

#### **5-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги**

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирор-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда дахрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, йўналишлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазйиқ ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек, яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

**6-модда. Давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабат борасидаги ваколатлари**

Давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита зиммасига юкланади. Кўмитанинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудларда виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун қонун бўйича жавобгардирлар.

**7-модда. Таълим тизими ва дин**

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъмин этилади.

**8-модда. Диний ташкилотлар**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларнинг биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастырлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билан тузилади.

Тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона марказий бошқарув органлари (бундан кейин - марказий бошқарув органлари деб юритилади) тузилиши мумкин.

Марказий бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта ҳудудий тузилмасида (вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси) фаолият кўрсатаётган, тегишли конфессияларнинг

рўйхатга олинган диний ташкилотлари вакиллари таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан тузилади.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Тегишли маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари бўлишлари мумкин. Диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинади.

#### **9-модда. Диний ўқув юртлари**

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олгандан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олинган учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олгандан кейин қабул қилинади.

Диний ўқув юртларида диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлишлари ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг руҳсати билан амалга оширишлари лозим.

Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади.

#### **10-модда. Диний ташкилотнинг устави**

Диний ташкилотнинг устави қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

-диний ташкилотнинг номи, тури, жойлашган манзили, қайси динга мансублиги;

-мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари;

-фаолиятни ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

-тузилиши ва бошқарув органлари;

-маблағлари манбаи ҳамда ушбу ташкилот ичидаги, шунингдек, ундан ташқаридаги мулкый муносабатлари;

-уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

ушбу диний ташкилотга тааллуқли бошқа маълумотлар.

Марказий бошқарув органларига эга бўлган диний ташкилотларнинг уставлари мазкур бошқарув органлари билан келишилган бўлиши керак.

**11-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олиш**

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларнинг эса тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмига билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Диний ташкилотларни рўйхатга олиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

-диний ташкилот тузиш ташаббускорлари бўлган, юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза;

-диний ташкилотнинг устави;

-таъсис йиғилишининг баёни;

-тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

-рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органини рўйхатга олиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

-таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг раиси ва котиби имзо қўйган ариза;

-диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг устави;

-таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг баёни;

-таъсисчилар ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар;

-раҳбар орган жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

-рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотлар ҳамда уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

Адлия органлари қўшимча материаллар талаб қилиб олишга ҳамда тегишли органларнинг эксперт хулосасини олишга ҳақли. Бундай ҳолда қарор рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч ойлик муддатда қабул қилинади.

Диний ташкилотнинг уставига киритилган қўшимчалар ва ўзгартишлар диний ташкилотни рўйхатга олиш каби тартиб ва муддатларда рўйхатга олиниши лозим.

Диний ташкилотлар раҳбарларининг ташкилот уставини давлат органларида рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкилотни рўйхатга олган орган томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишига йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## **12-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олишни рад этиш**

Агар диний ташкилот уставининг қоидалари ва бошқа ҳужжатлари ушбу Қонун ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига зид бўлса, уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганда рад этиш асослари кўрсатилган қарор ёзма равишда аризачиларга юборилади. Диний ташкилот тузиш ташаббускорлари уставларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирганларидан сўнг, уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан тегишли тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органларига қайтадан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этилганлиги ёхуд адлия органлари томонидан ушбу Қонун талаблари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

## **13-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тугатиш**

Диний ташкилотнинг фаолияти у ўзини ўзи тарқатиб юборганда ёки ушбу Қонуннинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари бузилган тақдирда тугатилиши мумкин.

Диний ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор уни рўйхатга олган орган томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

## **14-модда. Диний урф-одатлар ва маросимлар**

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-русмлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаб туриш, шунингдек зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқига эгадир.

Ибодат, диний расм-русмлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли хуудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрларига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар шу ердаги фуқароларнинг илтимосларига биноан ўтказилади.

Диний маросим ва ибодат биноларидан ташқарида ўтказиладиган оммавий ибодатлар, диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар диндорлардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

#### **15-модда. Диний ташкилотларнинг мулки**

Диний ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан берилган, шунингдек чет элда жойлашган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотларнинг мулкӣ ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади.



**16-модда. Давлат мулки бўлган мол-мулкдан фойдаланиш**

Диний ташкилотлар ўз эҳтӣёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишга ҳақлидир.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмларини диний ташкилотларга фойдаланиш учун бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат бинолари қуриш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**17-модда. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти**

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари уставдаги мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналари, шунингдек, хайрия муассасаларини (етимхона, касалхоналар) таъсис этишга ҳақлидир.

**18-модда. Фаолиятини тугатган диний ташкилотларнинг мол-мулкни тасарруф этиш**

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилгандан кейин уларга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулк ўз эгаларига қайтарилади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилган тақдирда, уларга қарашли мол-мулкка эгалик қилиш уларнинг устави ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Кредиторларнинг талабларини қондириш учун ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган ибодатга оид мол-мулк рўйхати диний ташкилотларнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хуқуқий ворислари бўлмаган мол-мулк давлат мулки ҳисобига ўтади.

**19-модда. Диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар**

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир.

Чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари тегишли лицензия олганидан сўнг диний ибодат буюмларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш ҳуқуқига фақат улар эга бўладилар.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино-, фото-, аудио-, видео- маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

**20-модда. Диний ташкилотларнинг хайрия фаолияти**

Диний ташкилотлар хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

**21-модда. Диний ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар**

Диний ташкилотларда меҳнат шартномалари (контрактлари) бўйича ишлаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

**22-модда. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари**

Диний ташкилотлар муқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб боришга ҳақлидир.

**23-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ<sup>1</sup>

---

**184-модда. *Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш***

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга давват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, -

материалларни ҳамда уларни тайёрлаш ва тарқатишнинг тегишли воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса - юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**184-модда. *Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш***

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, -

материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма ба-

---

<sup>1</sup> *Қаранг:* Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004.

раваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса - эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**184-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш**

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, -

материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса - юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

**201-модда. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш**

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш, -

энг кам иш ҳақининг олтмиш бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, -

энг кам иш ҳақининг саксон бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

**202-модда. Ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, йўналишлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш**

Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, йўналишлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш -

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз барава-  
ригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткага-  
ча муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**240-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек, диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, -

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз барава-  
ригача бўлган миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, -

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз барава-  
ригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткага-  
ча муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**241-модда. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш**

Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, -

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн барава-  
ригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ<sup>1</sup>

### 145-модда. *Виждон эркинлигини бузиш*

Диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш -

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чоратадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004.

ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, -

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш**

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва кадр-кимматни камситишга, диний эътиқодига ёки даҳрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш, -

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда;
- б) баданга оғир шикаст етказган ҳолда;
- в) фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;
- г) масъул мансабдор шахс томонидан;



д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, -

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**216-модда. *Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш***

Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек бундай бирлашмалар ёки ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш -

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамок ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**216-модда. *Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш***

Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, йўналишлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**216-модда. *Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш***

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат,

адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**217-модда. Ўйғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёнишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш**

Ўйғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёнишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини уларнинг ташкилотчиси томонидан бузиш шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний ўйғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ

ёхуд уч йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

**229-модда. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш**

Махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

**244-модда. Жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш**

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик гоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик гоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек

фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, -

энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамок ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилган бўлса, -

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**244-модда. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш**

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш -

беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша ҳаракатлар - оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, -

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, у ушбу модданинг

биринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилинади.

**244-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш**

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

## Мундарижа

Кириш .....	3
<b>Биринчи суҳбат.</b>	
Дунёнинг диний манзараси .....	7
<b>Иккинчи суҳбат.</b>	
Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ноисломий диний конфессиялар .....	26
<b>Учинчи суҳбат.</b>	
Миссионерликнинг мазмун-моҳияти .....	54
<b>Тўртинчи суҳбат.</b>	
Замонавий миссионерлик уюшмалари .....	66
<b>Бешинчи суҳбат.</b>	
Инжиллаштиришдан кўзланган мақсадлар .....	76
<b>Олтинчи суҳбат.</b>	
Миссионерлик услублари ва воситалари .....	88
<b>Еттинчи суҳбат.</b>	
Миссионерлик: такомиллашув йўлида .....	103
<b>Саккизинчи суҳбат.</b>	
Миссионерлик: минтақавий хусусиятлар .....	116
<b>Тўққизинчи суҳбат.</b>	
Миссионерликнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари .....	136
<b>Ўнинчи суҳбат.</b>	
Диний маърифат ва бағрикенглик – конфессиялараро ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт омили .....	154
Луғат .....	166
Иловалар .....	173

**А.Очилдиев,  
Ж.Х.Нажмиддинов**

**МИССИОНЕРЛИК:  
МОҲИЯТ, МАҚСАДЛАР, ОҚИБАТЛАР  
ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

(юз саволга – юз жавоб)

*Тўлдирилган, қайта шиланган наشري*

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2013

Мухаррир: **Б. Эралиев**  
Мусахҳих: **У. Инсонбоева**  
Саҳифаловчи: **З. Улуғбекова**

6098-50г

Нашриёт гувоҳнома рақами АІ № 224  
Босишга рухсат этилди 2013 йил 17 июнь.  
Бичими 84×108 ½. Шартли босма табағи 10,50.  
Нашр табағи 10,50. Адади 4890 нусха. Буюртма № 40.  
Баҳоси шартнома асосида.

“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси  
босмаҳонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.